

Кимсан Машраб Турон ўғли

# Девона Машраб

*Бадийа*

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2006



## **Машраб Кимсановнинг “Девона Машраб” номли қиссаси ҳақида**

Бобораҳим Машраб — ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган фожиали тақдирли бир шоир. Машраб тасаввуф таълимотининг маломатия — қаландария йўлини танлаган. Ҳаққа ошиқ бўлиб, илоҳий муҳаббатни ёниб куйлаган эди. Илоҳий муҳаббатни куйлаган шоир зулм ва зўрликни, нодонлик ва расмиятчиликни, зоҳирий нарсаларга эътиқод қўйишни инкор этди, ожизлар ва мазлумлар тарафини олди. Машраб ижодини халқ жуда севган, у ҳалоллик ва ҳақгўйлик тимсолига айланган эди.

Бобораҳим Машраб ижоди шўролар тузуми даврида тўғри ва ҳаққоний баҳоланмади, чунки динга ва тасаввуфга қарши коммунистлар уни тушунмадилар, ундан Худога қарши исён кўтарган бир даҳрий шоир ясамоқчи бўлдилар. Машраб ҳақида ёзилган бадиий асарларда ҳам бунинг таъсири бўлди.

Машраб Кимсанов Бобораҳим Машрабни янгича талқин қилишга интиланган, аниқроғи шоир эътиқод қўйган маслак — тасаввуф маслагини англаш, шоирнинг характерини яратишга қўл уриб, анча муваффақиятга эришган. Бу қанақа характер?

Машраб — дунёни севар, аммо дунё гўзаллиги билан қаноатланмас эди, у ҳар бир балқиган нурни, ҳар бир гулни, ойу қуёшни, арзу самони мутлақ парвардигор камоли ва жамоли акси деб биларди. У ана шу мутлақ камоли раҳматга қўшилиш, ўзи ҳам раҳмат нурига гарқ бўлиб, нурга айланиш учун ёнарди, ўзининг жисми ердаю руҳи Аршда деб ҳис этарди. У ердаги нуқсонлар, адолатсизлик ва нобаробарликдан дилхаста эди, у ҳиссиз, маърифатсиз, дардсиз одамлардан қочарди, у бу дунёга сизмасди. У Арши аъло руҳи эди. Унинг назарида шариат қоидалари, расму-русумлар ҳам мутлақ руҳдан тўсувчи пардалардир.

Бобораҳим Машраб калтафаҳм, кеккайган хону-бекларни, манман кимсаларни, зоҳирбин, бетовфиқ руҳонийларни ҳажв этди, Аллоҳ олдида шоҳу гадо баробар, деган ақидани олдинга суради. Машраб ўта ростгўй, сохталикни ёқтирмайдиган, чўрткесар, ҳақ гапни айтишда ҳеч нарсадан тоймайдиган одам бўлган. Юраги бир парча оловдай ёниб турган.


Қисса муаллифи Машрабни ана шу тарзда тасаввур қилади ва халқ ривоятлари, тарихий ҳикоятлар орқали буни бермоқчи бўлади. Машраб Кимсанов, Машраб ҳақида анча нарса ўқиб чиққан. Албатта бадий асар ҳар қандай шароитда ҳам индивидуал ижод маҳсули. Бу қиссада Машраб Кимсанов талқинидаги Машрабни кўрамиз. Машраб тимсоли романтик бўёқларда, ярим афсонавий тусда берилган. Бу ҳам яхши. Китобхон ҳақиқат учун курашган авлиё шахс ҳаёти билан танишади. Умуман авлиёлар реалликдан кўра кўпроқ, романтик қиёфа касб этган шахслардир. Энг муҳими Бобораҳим Машраб қалбини, унинг дардини англаш ва китобхонга юқтиришдир.

Асарда Машраб оиласи, таҳсил-таълим вақтлари, устозларига муносабати, қалбида Илоҳ ишқи чақнаган болалик ва ўсмирлик йиллари ҳам қаламга олиниб, таъсирли лавҳалар яратилган. Бунда Машраб Кимсанов халқ ривоятларидан ўринли фойдаланади. Хуллас, бетоқат, беҳаловат, ҳақпараст Бобораҳим Машраб сиймоси ўқувчи кўз олдида намоён бўлади. Унинг фожиали ўлими ҳам ёрқин тасвирлар, асар мантиқига хос услубда гавдалантирилган. Асарни ўқиганда, वालीй бир шоир руҳининг абадийлиги, неча-неча шоҳу султонлардан ҳам зўрроқ қудрати борлигини ҳис этамиз, дилимизда ҳам ачиниш, ҳам ғазаб ва ҳам илоҳий қудрат ғалабасидан қониқиш пайдо бўлади.

Асардаги Оҳу тимсоли жуда ўринли танланган, Машраб, Оҳу ва Маҳмуд — беғуноҳ руҳ, оташин адолат ва зулму ситам. Шу учта тимсол ривожи асарни жозибали қилган. Машраб — Оҳу дорга осилади, беғуноҳ пок қони тўкилади, шу вақтнинг ўзида золим Маҳмуд қон қусади.

Бу биргина Бобораҳим Машраб саргузашти эмас, жами Машраблар қисмати. Асар ўқувчилар қалбида эзгу ҳислар ўйғотиши тайин.

Профессор Н.Комилов



## **Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм**

Тун. Юлдузли осмонга қараркансан, қалбингда ажиб бир ҳис пайдо бўладики, уни таърифлашга тил ожизлик қилади.

Қадимдан, “Осмонда юлдуз учса, кимнингдир ҳаёти сўнди” деб айтадилар.

Шу бепоён коинотга тикиларкансан, юлдузларнинг учиши инсонларнинг бандаликни бажо келтириб, абадий ҳаёт сари йўл олиши эмас, балки Оллоҳ таолонинг марҳамати ила, ёруғ дунёга келадиган янги меҳмонларнинг ташрифи эмасмикан, деб ўйланиб қоласан.

Борлиқни зулмат қоплаб олган бу кечада ҳаёлинг чувалашиб, гўё бир мудҳиш воқеа содир бўладигандек туюлади. Лекин нималар содир бўлишини ёлғиз Яратганнинг ўзи билади, холос.

Бутун борлиқ, осмонўпар тоғлару жаннатсимон боғлар ҳам, шаҳарлару қишлоқлар ҳам, инсонлару жонзотлар ҳам ухлашаётгандек лекин аҳён-аҳён чигирткаларнинг чириллаши, қишлоқ итларининг ҳуриб, увиллашлари-ю, ана шу чексиз коинотда тинимсиз учаётган юлдузларгина инсониятни аллақандай сирдан воқиф қилмоқчидек туюлади.

Эндигина кўтарилган тўлин ой шуъласидан аста-секин ёришиб бораётган қишлоқ, ана шу фусункор она табиат қўйнида янада гўзаллашиб кўрина бошлайди.

Кенг ҳовлига қўйилган ёғоч сўрида, очиқ чехрасида майин табасум билан эр-хотин ухларди. Улар шу қадар ширин, ноз уйқуда ётишардики, гўё бу икки тан бир жон бўлиб, шу онда фусункор табиат, сирли коинотдан инъом кутишаётгандек.

Шу пайт осмону фалакда жиловланаётган юлдузлар орасидан ажралиб чиққан порлоқ бир шуъла осмон гумбазида йирик-йирик, жозибадор ҳалқалар ясаб, ноз уйқуда ётган эр-хотинларнинг ораларига тушди.

Аёл, берилган ушбу инъом учун коинотга шукроналар айтаётгандек, очиқ чехрасида майин табассум билан иссиқ кўрпага бурканиб олди.

Ҳаёт, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ўз йўлида давом этарди.

Эрта тонг. Бу ерларда бозор жуда эрта бошланади. Ҳали тонг ёриш-масиданоқ қишлоқ кўчаларидан юк ортилган аробалар, хуржун ортилган эшаклар-у, бошларида сават, қўлларида халта кўтарган ёшу қари пиёдалар бозор томон ошиқишар, мовий самода эса, ҳали беркиниб улгурмаган Зухро юлдузигина милтираб турарди.

Бозор. Одамларни туртиб юборишдан ҳадиксираб, оппоқ рўмолининг учи билан юзини кўзларигача беркитиб олган Биби Салима расталар орасидан ўтиб келаркан, бир-биридан чиройли қилиб тикилган кўйлакчалар-у, беқасам-банорас тўнчаларни ҳавас билан томоша қиларди.

Биби Салима мевалар растаси томон юради.

Бу ерда нималар йўқ дейсиз. Олма-ю анорлар, беҳи-ю ноклар, қовун-тарвузлар, ширин-шакар оқ, қора, чарос, ҳусайни узумлар.

Ёшу қари сотувчилар молларини мақтаб-мақтаб сотишга уринишади.

Салима узум сотиб ўтирган Оқсоқол қаршисида тўхтади.

— Ассалому алайкум, отахон, — деди Салима. — Узумларингиз неча пулдан?

— Ваалайкум ассалом. Арзон, қизим, арзон, — деди сотувчи Чол ва келинчакнинг ўзига ярашиб турган усти-бошига, озгина бўртиб турган ҳомиласига боқаркан, кўшиб кўйди:

— Берганингни бераверасан, опоқ қизим.

— Саховатингиз учун раҳмат отахон, — деди Салима бироз ийманиб. — Нархини келишмасак, ололмайман.

— Оббо, қизим-ей, — деди Чол кулиб. — Майли, бир танга берақоласан.

Оқсоқол, осма тарозисини тўғрилаб, узумларнинг сархилидан паллага кўя бошлади.

Шу пайт, биллурдек тобланиб турган ҳусайни узумнинг икки донаси думалаб, Салиманинг оёқлари орасида тўхтади.

— Вой жониворлар-ей.

Салима эгилиб узум доналарини ердан олди ва уларни дастрўмоли билан артиб, оғзига солди. Оқсоқол паллага узумларни ўрнаштириб, тарозини кўтарди.

— Ниятнинг холислигини қара-я, қизим!

— Раҳмат, отахон, жудаям мазали экан.

Биби Салима, узум ҳақини тўлаб, ўз йўлида давом этди.

Бозор янада жўш урарди.

Ҳанифа холанинг ҳовлиси. Ош вақти. Бир қаноти очиқ дарвоза олдида беш-олтита болакай «эшак минди» ўйнашайпти.

Кўчанинг нариги бетида эндигина олти ёшга қадам қўйган Ҳафиза “дўппитош” ўйнарди. Қизча гўё ўғил бола бўлиб туғилмаганидан афсусланаётгандек, бир-бирлари билан туртишиб, завқ билан ўйнашаётган акаларига зимдан қараркан, энтикиб қўярди.

Катта кўчанинг муюлишидан Биби Салима кўринади. Қуёш, ҳали тикка кўтарилган бўлмаса-да, бор тафтини унга қаратгандек, нафас олиши оғирлашар, гўё бир мудҳиш воқеа содир бўладигандек, атрофга ҳадиксираб боқарди.

Бирдан унинг кўз ўнги қоронғилашиб, қорнини ушлаганича деворга суяниб қолди.

— Эй Художон, ўзинг сақла,— деди Салима шивирлаб. — Ҳали ой-ю куним етгани йўқ-ку.

Ҳафиза қизалоқларга хос зийраклик билан ўйинидан бош кўтариб, нотаниш аёлнинг ҳаракатларини кузатарди. Салима ҳомиласини ушлаганича, секин ерга ўтира бошлади.

— Онажон! — Қичқирди Ҳафиза дарвоза томонга қараб.

— Нима дейсан? — сўради акаси Аҳмад, хавотирланиб.

Дунёда ҳамма оналар, ўз фарзандларига нисбатан ўта сезгир бўладилар. Ҳовлида гурунч елпиб ўтирган Ҳанифа хола, елпичтовоғини ерга қўйиб, ташқари томон ошиқди.

— Анави ерда бир опам ёмон бўлиб қолдилар — деди Ҳафиза.

Ҳанифа хола, кетидан қизчаси нотаниш аёл томон югуришди.

Салима, бошини хиёл кўтариб, ўзи томон келаётган кампирни кўрди-ю, кўнгли бироз таскин топгандек кўзларини юмди.

— Вой, она қизим-ей, ўзим ўргилай сиздан. — Ҳанифа хола, энгашиб Салиманинг қўлтиғидан кўтарди. — Қани, ўрнингиздан туринг-чи.

— Вой, холажон, секинроқ, бошим айланиб, кўнглим беҳузур бўляпти.

Салима, инқиллаб ўрнидан турди.

— Ҳечқиси йўқ, қизим, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади.

Ҳанифа хола, келинчакни етаклаб ҳовлиси томон юраркан, қўшиб қўйди:

— Аёл кишининг қисмати шунақа оғир бўлади.

Салима кампирга суяниб, оҳиста қадам билан ҳовли томон юрди.

Унинг ранги оқариб бутун вужуди титрар, пешонасидан маржон-маржон тер оқарди.



— Ҳафиза, бор қизим, Фаҳри энангни чақир. Дарров кираркансиз дегин, хўпми?

Ҳафиза хўп деганича, қўшни хонадон томонга югуриб кетди.

Ҳанифа хола болалар ёрдамида Салимани етаклаб уйига олиб кирди.

— Бўлди болаларим, энди ўйнайверинглар. Аҳмаджон, сен ичкарига кириб тўшак солгин.

Аҳмад ичкарига кириб кетди. Кампир, келинчакнинг пешонасидан оқаётган маржон-маржон терларни артаркан, деди:

— Мана, оппоқ қизим, озгина дам олсангиз, ҳаммаси ўтиб кетади.

\* \* \*

Қўшни хонадон. Фаҳри момо токнинг соясига қўйилган сўрида кўрпа қавиб ўтирибди. Кўча эшик очилиб, шошилганича Ҳафиза кирди.

— Эна, ҳов, эна. Дарров бизникига кираркансиз, бувим айтди.

— Ҳа, тинчликми? — сўради момо.

— Битта опам ёмон бўлиб қолдилар. Тезда кираркансиз.

Момо ўрнидан тураркан, қизчадан сўради:

— Қайси опанг? Ё пирим, мадад.

— Билмайман, битта опам-да! — жавоб берди Ҳафиза бидирлаб.

— Хўп, ҳозир, — Момо ковушини кийиб, ҳассасини қўлига олди.  
— Қани юр-чи.

Катта кўчадан Ҳафиза, унинг кетидан бир оз қалтираган қўллари билан ҳассасига таяниб, Фаҳри момо келарди.

\* \* \*

Уйнинг тўрида эса, оппоқ чойшаб устига қўйилган пар ёстикда, болалигимизда оналаримиз айтиб беришган эртақлардаги паризодлар каби, лов-лов ёнаётган ёноқлари, азобдан гоҳ сўниб, гоҳ чақнаб турган шаҳло кўзларию, бир оз тўзгиган сочлари ҳам ўзгача бир жозиба бахш этган келинчак Биби Салима ётарди.

— Ҳозир Фаҳри момом чиқиб қоладилар, — деди Ҳанифа хола сандиқчадан ҳар хил матоҳларни чиқараркан. — У кишининг қўллари енгил.

Аҳмаджон қумғонга сув қуйиб ўчоққа қўйди-да, оловни қалаштирди. Олов гуриллаб ёна бошлади.

— Ойи ойи-жон. Мим-м-м. — Биби Салима, нозик қўллари билан пар ёстикни чангаллаганича йиғларди.

— Бардам бўлинг, қизим, бардам бўлинг, — деди Ҳанифа хола уни юпатиб.

Шу пайт эшик очилиб Фаҳри момо кириб келди.

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм. Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом, келинг момо, — деди Ҳанифа хола.

— Ҳа, Ҳанифахон, тинчликми?

— Ой-куни яқинлашганга ўхшайди — шивирлади Ҳанифа хола.

— Кўлимга сув олиб келинг, — деди Фаҳри момо, сўнг секин бориб келинчакнинг ёнига ўтирди.

Ҳанифа хола қўлидаги матоҳларни ерга қўйиб ташқарига чиқиб кетди.

— Кимнинг келини бўласиз қизим? — сўради кампир.

— Мен... вой... вой... ҳм-м...

Салима тинмай тўлғонарди.

Эшикдан, қўлида чилобчин ва обдаста кўтариб Ҳанифа хола кирди.

— Мана, момо, ҳадемай сув ҳам қайнайди.

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм, — кампир қўлини юваркан, секин сўради — Кимнинг қизи экан?

— Билмадим, кўчада тутиб қолибди.

Фаҳри момо, қўлларини ювиб сочиққа артди.

— Эй худойим, ўзинга шукр. Қани, ўтиринг-чи, илоҳо омин.

— Ай..ай.. вой... онажоним. — Биби Салима тинмай тўлғонарди.

Эшик ёнида, пирпираган кўзларини келинчакдан узмай қараб турган Ҳафиза ҳам йиғлаб юборишдан ўзини зўр-базўр босиб, қўлчаларини дуога очди.

Фаҳри момо титраган қўлларини кўтарганича пичирлаб Оллоҳга илтижо қиларди.

Кўзларидан қайноқ ёш оқа бошлаган Ҳафиза, катталарга қўшилиб, «Оллоҳу Акбар» дея, жажжи қўлчалари билан юзига фотиҳа тортиди.

— Ие, бу ерда нима қилиб турибсан? — деди Ҳанифа хола қизчасига қараб. — Уят бўлади қизим, қани юр-чи. Мен ҳозир келаман момо.

Ҳанифа хола қизчасининиг қўлидан етаклаб, ташқарига чиқиб кетди.

Фаҳри момо, бир оз қалтираган қўллари билан келинчакнинг қорнини силаркан, қуришган лаблари билан алланималар деб шивирлар, Яратгандан мадад сўрарди.

Ўчоқда гуриллаб олов ёнар, гўё унга жўр бўлмоқчидек, қумғондаги сув тинмай жизилларди.

Қора терга ботган Биби Салиманинг юзидан аста-секин изтироб аломатлари йўқолиб, майин табассум пайдо бўлди.

Бир мудҳиш воқеа содир бўладигандек, кампирнинг қўллари сийпалашдан, лаблари шивирлашдан тўхтади. Қориннинг гоҳ чап, гоҳ ўнг томонини туртиб, чақалоқ депсина бошлади.

Салиманинг юзидаги табассум, аста-секин, ноз кулгига айланди.

— Она-жон, сени қийна-ёт-ган мен-ман, эшит-яп-санми?

Овоз, Биби Салиманинг қорнидан келарди. Салима кулгидан тўхтаб, кўрқинч билан кампирга боқди.

— Астағфируллоҳ. — Фахри момо, ҳайратдан ёқасини ушлади.

— Ҳа, гапирётган менман, онажон, — деди Чақалоқ. Унинг овози шу қадар жарангдор эдики, Фахри момонинг ориқ қўллари титроқдан, қуришган лаблари шивирлашдан тўхтаб, бутун вужуди қулоққа айланди.

Даҳшатга тушган Биби Салима, қорнини оҳиста сийпаларкан, зўр-базўр деди:

— Эшитяпман, болам, эшитяпман.

Эшик очилиб, Ҳанифа хола кирди ва Момонинг ишораси билан остонага ўтирди.

Оловга ҳамоҳанг бўлиб қумғондаги сув, бир меъёрда шақирлай бошлади.

Энди чақалоқ равон гапира бошлади:

— Сен ҳақини тўламай еган узум доналари, мени қийнаяпти.

Ҳанифа хола ёқасини кўтариб, туф-туфлаб қўйди. Чақалоқ, янада жозибали, афсункор овоз билан гапини давом эттирди:

— Сен ҳеч қийналмай ютиб юборган ўша узум доналари, менинг томоғимдан ўтмаяпти.

Бир оз ўзига кела бошлаган Биби Салима ҳайратдан чарақлаган кўзларини шифтга қадаганича, жим қулоқ соларди.

— Мени бўғаяпти, онажон. Ҳозироқ бориб узум ҳақини тўлаб кел! Бўлмаса, ҳали ой-у куним етмаган бўлсада...туғилмай гойиб бўламан!

Орага қаттиқ сукунат тушди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп кўрган Фахри момо қалтираган қўллари билан Салиманинг бошини силаркан, секин деди:

— Бу Оллоҳнинг иродаси, қизим. Майли, тўлаб келақолинг.

\* \* \*

Вақт тушдан ошган. Биби Салима бозорга келганида, узумфуруш Оқсоқол, мевалардан бўшаган саватларини дастурхонга тугарди.

— Худойимга шукр-ей, — деди Салима, елкасидан тоғ қулаган-дек енгил тортиб. — Кетиб қолдингизми деб роса кўрқувдим.

— Тинчликми, оппоқ қизим? — сўради Оқсоқол, қаддини рост-лаб. — Нима бўлди?

— Тинчлик, отахон, тинчлик. Фақат мен, мен, — деди Салима бир оз довираб. — Ҳалиги сиздан берухсат узумингиздан егандим. Шунинг ҳақини олиб келдим.

— Ие-ие, нималар деяпсан, она қизим? — деди Чол ҳайрон бўлиб. — Мен мингдан-минг розиман.

— Йўқ-йўқ, отахон. Сиз албатта олишингиз керак, — илтижо қилди Салима. — Мана, олинг.

Оқсоқол рад этишига қарамасдан, пулни унинг қўлига тутқазди.

— Илоҳо, умрингиздан барака топинг, — деди Салима, кўзлари намланиб. — Кетиб қолганингизда нима қилардим-а? Худойимдан ўргилай.

Бу воқеадан ҳангу-манг бўлган Оқсоқол, бир одамларга қўшилиб кетаётган келинчакка, бир қадоқ босган кафтидаги чақа пулга қараб «Тавба, тавба» деб қўярди.

\* \* \*

Қишлоқ. Эрта тонг. Вали бобонинг ховлиси. Айвонга ноз-неъматларга бой дастурхон тўшалган. Бахмал ёпинчиғи ярмигача беркитилган бешикдаги чақалоқ ширин уйқуда ётибди.

Салима қўлидаги сутни қозонга қўйиб, ўчоққа олов қаларкан, илинж билан кўча эшик томонга қараб қўяди. У ёқда ҳеч ким кўринмасди.

Ноз уйқуда ётган чақалоқ, бир ижиргандию, яна жим бўлиб қолди. Салима, нималарнидир ўйлаб енгил хўрсинди, сўнг, ўчоққа ўтин қалади. Шу пайт, кўча эшик очилиб, Рисолат хола кириб келди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом, яхши келдингизми, ойижон?

— Худога шукр.


Келин, кампирнинг қўлидаги тугунини олиб, айвон томонга юрди.

— Вали бобо кўринмайдими? — сўради кампир.

— Ўғлингиз, уч кун бурун шаҳарга кетишганди.

Рисолат хола кўрпачага ўтириб, юзига фотиҳа тортди.

— Хуш келибсиз, ойижон, — деди Салима, дастурхон бетини очаркан. — Укам, овсинларим яхши юришибдими?



—Ҳаммалари яхши, кўпдан кўп дуои саломлар айтишди.

Кампир меҳр тўла кўзлари билан, бешиқда ётган набирасига қаради. Чақалоқ ширин уйқуда ётарди. Рисолат хола унинг пешонасини силаб, кўлларини ўпди.

— Келганингиз жуда яхши бўлди-да, ойижон, қани, чойдан ичинг. Салима қайнонасига чой узатди.

— Э, узоқнинг йўли қурсин!

Кампир, пиёлани кўлига оларкан, келинининг синиққан юзига разм солди. — Ҳа, қизим, тинчликми?

— Тинчлик, ойижон, тинчлик, — жавоб берди Салима зимдан боласи ётган бешиқ томонга қараркан. — Шу десангиз...

— Бирон нарсдан кўрқдингми?

— Йўқ.

Рисолат хола хавотирланиб бешиқ томонга каради. Чақалоқнинг юзида майин табассум пайдо бўлди.

— Фаришталари қитиғлаяпти. Нима тоби қочдимми?

— Йўқ, йўқ. Худо асрасин, соғлиги жудаям яхши, лекин...

Салима нимадир демоқчи бўлди-ю, айтолмади.

— Гапирсанг-чи, одамни хуноб қилмай! — деди кампир набирасининг пешонасини ушлаб кўраркан. — Иссиғи йўқ. Нима гап ахир?!

Чақалоқ тим қора кўзларини очиб, Рисолат бибига боқди.

— Вой худойимдан айланай. Ўзимнинг кўзичоғим, турдингизми? Ассалому алайкум, Бо-бо-раҳим.

— Ва-алай-кум ас-са-ломм. — жавоб берди чақалоқ дона-дона қилиб.

Бундай жавобни кутмаган Рисолат хола, нима қиларини билмай, анграйиб қолди. Кампир ҳатто, кўлидан тушиб кетган пиёлани ҳам, оёғига тўкилган чойнинг иссиғини ҳам сезмади.

— Мана кўрдингизми? — деди Салима йиғламсираб. — Бор гап шу, ойижон.

Чақалоқ жозибадор кўзларини Рисолат бибига тикканича жим ётарди.

— Оллоҳ, ўзинга шукр, — деди кампир бир оз ўзига келиб. — Бунинг нимаси ёмон экан? Эртами, кечми, барибир тилга киради.

— Шундай-ку-я, ойижон, лекин бир ўзим ақлдан озай дедим. Бировга айта олмасанг...

— Ҳеч кимга айтмай тўғри қилибсан. Ёмон кўздан Худонинг ўзи асрасин. Қани, тугунимни бу ёққа ол-чи!

Салима, ёнидаги тугунни қайнонасига узатди.

— Ўзимнинг болажонимга атаб, чиройли нарсалар олиб келган-

ман. Мана, ҳозир, — Рисолат биби тугунидан чиройли қўйлакча, иштон ва чопону белбоғчаларни чиқариб набираси ётган бешикнинг дастасига, бирин-кетин ила бошлади. — Мана, болажоним, буларнинг ҳаммаси сенга.

Бешикда ётган Бобораҳим, янги либосларини томоша қиларкан, онасига қараб деди:

— Онажон, қўлларимни ечиб қўй, сарполаримни кўрмоқчиман.

Чақалоқдан бундай гапни кутмаган кампир бир оз эсанкираб қолди. Сўнг дарров ўзини қўлга олиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, гапира кетди:

— Вой болажоним-ей. Ҳозир ўзим ечиб қўяман.

Биби Салима қайнонасининг ҳаракатларини кузатиб ўтирарди.

Кампир бешикни ўзига яқинроқ тортаркан сўради. — Биласанми, мен кимман?

— Биламан, — жавоб берди Бобораҳим. — Сиз энамсиз.

— А? Астағфуруллоҳ! Қани айт-чи, қаердан биласан?

— Доям мени қўлингизга тутқазганида, — деди Бобораҳим ҳеч иккиланмай, — набирангиз қутлуғ бўлсин Рисолатой, деганди.

— Тўғри. — деди кампир ҳайратланиб.

— Онажон, — деди Бобораҳим Салимага қараб. — Яна бир оз ўтирсанг қозондаги сутинг тошиб кетади.

— Вой, ўлмасам.

Салима шошилиб ўчоқ томон югурди.

— Ақлингга балли, — деди Рисолат биби куларкан. — Болажоним-ей, сен катта йигит бўлиб қолибсан-ку, онанг бўлса... Қани, Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм.

Кампир набирасининг қўлларини еча бошлади.

Салима, қозонни оловдан тушириб, сутни идишларга қуйди.

Бобораҳим озод бўлган қўлчалари билан бешиги дастасига осилган сарполарини ўйнай бошлади. Рисолат биби набирасининг ҳаракатларини меҳр билан кузатаркан, секин сўради:

— Менга қара, Бобораҳим, онангга айтган гапларингни эслайсанми? Ҳалиги, онанг сенга огироёқ пайтидаги гапларни?

— Узум доналарини айтяпсизми? Ҳа, кеча ўзига ҳам айтиб бердим. Бориб ҳақини тўлаб кел дегандим!

— Қорним очганини энди сезяпман, — деди Салима жойига қайтаркан.

— Кел болам, ўтир, — деди Рисолат биби. — Сен қанчалик яхши эсанг, сутинг шунчалик тўйимли бўлади.

— Тўғри айтаяптилар, — қўшилди Бобораҳим. — Биласизми энажон, тилим чиққандан бери қорним сутга тўймай қолди.

Қайнона, келин бир-бирларига қараб кулиб юборишди.

— Ўғлим, — деди кампир, кулгидан тўхтаб, — ақлли йигит, онасига сен деб гапирмайди.

— Нега энди? — сўради набираси.

— Уят бўлади. Нега десанг, она...

Бобораҳим хандон отиб кулиб юборди. Кампир ўнғайсиз аҳволга тушиб, қаймоққа ботирилган нон бурдасини ейишини ҳам, емасликни ҳам билмай анграйиб қолди.

— Нега куласан? — сўради онаси. Орага жимлик тушди.

— Биласизми энажон, — гап бошлади Бобораҳим. — Ўн саккиз минг оламини яратган Оллоҳ таоло оналарни ҳам ўзига, яъни Яратувчига яқин қилиб дунёга келтирган.

Рисолат биби, бутун вужуди қулоққа айланиб набирасига боқди.

— Шунинг учун, — Бобораҳим, гапини давом этди. — Бутун борлиқни яратган ёлғиз Оллоҳни ҳамда унинг энг яқин кўмакдоши бўлган оналарни, сен десанг гуноҳ ҳам, уят ҳам бўлмайди!

Ўзини тамомила йўқотган Рисолат биби «Ло Илоҳо иллоллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ» деб шивирлади. Кампирнинг кўзида ёш қалқиб набирасини гулгун юзларидан ўпди, жажжи қўлчаларини олиб кўзларига суртди.

Ўнғайсиз ҳолатга тушган Салима воқеани зимдан кузатарди.

Бобораҳим дўмбоқ қўлчалари билан кампирнинг оппоқ сочларини, ажин босган юзларини силаркан, жарангдор овоз билан деди:

— Ўзингизни босинг, энажон, дадам келяптилар, уят бўлади.

Рисолат биби, маъюс нигоҳини дарвоза томонга қаратди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмасди.

— Вой Художоним-ей. Ўзингга шукр! — деди кампир кўзларидан оқаётган ёшларни артаркан. — Сен кўчани қара-чи, қизим.

Салима ўрнидан туриб, ҳовлига тушди.

Шу пайт, кўча эшик очилиб, елкасига хуржун ташлаган Вали бобо кириб келди.

— Ассалому алайкум ойижон, яхши бориб келдингизми?

— Ваалайкум ассалом, раҳмат, ўғлим. Йўлда Баққолнинг араваси бузилиб, мен ҳам бугун етиб келдим.

Рисолат биби шундай деди-ю, шоша-пиша набирасига қаради.

Бобораҳим жимгина отасига қараб ётарди.

— Яхши келдингизми, дадаси? — Салима эрининг кўксига бошини қўйди.

— Яхши, онаси, яхши, — деди Вали бобо хотинининг елкасидан кучаркан. — Ўғилча қалай?



Биби Салима бир нарсадан чўчигандек енгил сесканди-ю, айвон томонга қаради. Бешиқда чарос кўзларини унга тикиб жилмайганича Бобораҳим ётарди.

Салима гўё бир айб иш қилиб қўйгандек, юзларига қон югурди ва чарақлаган, соғинчга тўла кўзлари билан эрига боқаркан, секингина шивирлади:

— Қўйиб юборинг, дадаси, уят бўлади.

Майин эсанг шаббодадан, ҳовлидаги баланд саданинг япроқлари, бир маромда тўлқинлана бошлади.

\* \* \*

Тоғ ён бағри. Қуёшнинг заррин нурлари, ўрмон узра бир текис ёйилган шабнамнинг кўкимтир пардасига сирли жозиба бахш этарди. Ўрмонда осойишталик ҳукм сураб, фақат қорли чўққилардан бошланган катта сойнинг шовуллашигина жимликни бузарди.

Шифобахш гиёҳларга тўла хуржун кўтарган Раҳим бобо, набираси билан тепаликка чиқишди.

— Мана шу ерда бир оз дам оламиз. Эҳ, қарилик курсин, — деди чол ерга ўтираркан. — Сен болам, юрган йўлларимизни яхшилаб эслаб қол. Балки кейинги сафар ўзинг келарсан, уқдингми?

— Уқдим, бобо, — жавоб берди Умматали, хуржунини ерга қўяркан. — Йўлларни ҳам эслаб қолдим.

Болакай пастда шовқин солиб оқаётган сойга қараркан, унинг кўзлари сой бўйига тикилган ва ботаётган қуёшнинг заррин нурларидан алвон тусга кирган ўтовга тушди. Ўтов атрофида бир тўп одамлар ўтиришибди. Улардан сал нарироқда дарахтларга боғланган отлар турибди.

— Бобо, бу ёққа қаранг, — деди Умматали.

Қарилик ва чарчоқдан энтикиб-энтикиб нафас олаётган табиб бурилиб набираси кўрсатган томонга қаради.

Ўтовдан чиққан «кимса» ўтирганларга ниманидир тушунтирди ва икки соқчини эргаштириб яна ичкарига кириб кетди.

— Бобо, улар ким? — сўради болакай, кўзларини ўтовдан узмай. — Қаранг, улар кимнидир олиб чиқишаяпти.

Қуёш нурларидан кўзлари қамашган оқсоқол қўлини пешонасига соябон қилди.

Сарбозлар оҳиста қадамлар билан келишиб, «ўспиринни» соябон остидаги курсига ўтқазди. Унга таъзим қилишиб, яна ўз жойларига қайтиб кетишди.

— Ҳа-а, бечора, — деди Раҳимбобо. — Бу — шаҳзода Маҳмуд.

— Нима, шаҳзода ўзи юролмайдими? — сўради Умматали.

— Йўқ, ўғлим, юролмайди. Менимча, бечоранинг, — деди Раҳимбобо енгил хўрсиниб. — Ақли ҳам бир оз заифроқ чамамда.

— Қандай қилиб бу дардга чалинган бобо? — сўради бола сой бўйида ўтирган шаҳзодадан кўзини узмай. — Наҳотки, унинг дардига даво бўлмаса?!

— Эҳ-ҳе, бунга анча бўлган. Шоҳнинг саройига ташриф буюрмаган фолбину афсунгарлар, табибу дуохонлар қолмаган, — деди оқсоқол хўрсиниб, сўнг яна гапида давом этди: — Бундан уч йил бурун, шоҳ саройига узоқ мамлакатдан, табобат илмида тенги йўқ бир ҳақим ташриф буюрибди.

— Кейин-чи? — сўради набираси.

Оқсоқол бироз ўйланиб турди-да, сўнг ҳикоясида давом этди: — “Подшоҳи олам, менинг бир қошиқ қонимдан кечинг” дебди у. “Кечдим айт!” буюрибди подшоҳ. “Олампаноҳ”! сўз бошлабди табиб, “Салтанатингиз вориси, шаҳзода Маҳмуднинг қисмати жуда оғир кўрилади. Эҳтимол, бу оламдан шундоқ ўтгани маъқулроқдир.” Бу гаплардан дарғазаб бўлган подшо табибни жазолашга буюрибди. “Унда қулоқ солинг” дебди табиб, қўлларини кўксига қўйиб. “Шаҳзода, ўттиз йил давомида, ҳар уч йилда биттадан, уч кунлик оҳу боласининг қонини...

Оқсоқол, гапини тугатолмади. Шу пайт, ўрмон бўйлаб, «шоҳ» садоси янгради.

Шаҳзода Маҳмуд овоз келаётган томонга қараркан, оҳу боласини кўкрагига босганича, ўзи томон келаётган овчилар сардорини кўрди.

— Суюнчи беринг шаҳзодам, — деди овчи кўкрагига ишора қилиб. — Уч кунлик.

Шаҳзоданинг кўзлари чақнаб ўрнидан турди. Бирдан фалаж оёқларини ҳам унутиб, уч-тўрт қадам босди-да, ҳайратланиб тўхтади. Гўё йиқилиб тушадигандек, қўрқа-писа оёқларига қаради.

— Мм..ме..н, юра-яп..ман!...

— Қани, тур, болам, — деди Оқсоқол, ўрнидан қўзғаларкан. — Куёш ҳам ботай деб қолди.

Болакай хоҳламайгина ўрнидан туриб, бобосига эргашиди. Улар сойдан узоқлашаркан, Умматали аҳён-аҳён орқасига қараб қўярди.

— Бобо, ахир кийик боласини саройга олиб боришса ҳам бўларди-ку! — деди бола куюниб. — Шаҳзодани бунчалар қийнашмай?!

— Тўғри, — жавоб берди бобоси, — бир эмас ўнтасини, балки юзтасини ҳам элтишса бўларди, лекин...

Чол тўхтаб, набирасига ўтирилди.

— Сенга қандоқ тушунтирсам экан?

Раҳимбобо, набирасининг хуржунидан чиқиб турган гиёҳлардан бир тутамини қўлига олди.

— Мана бу сачратқи ўт. Хўш, сен менга айт-чи, буни биз қачон уздик?

— Эрта тонгда. Ҳали қуёш чиқмасдан бурун.

— Мана бунисини-чи?

— Буни туш пайти.

— Ҳа, боракалло, — деди чол йўлида давом этаркан. — Хўш, нега шундоқ қилдик?

Умматали қўлидаги гиёҳларнинг у ёқ-бу ёғига қаради.

— Билмадим.

— Бўлмаса яхшилаб эшит, билиб оласан. Одамзоднинг танасида қон айлангани каби, бутун гиёҳларнинг танасида ҳам шифобахш сувлар оқиб юради. Мана бу сачратқи ўтнинг танасидаги шифобахш сувлар ёруғликдан қочади. Қуёшнинг нурларидан эса, малҳамлик хосиятини йўқотади. — Чол яна тўхтаб набирасига юзланди. — Қўлингдаги гиёҳнинг малҳам сувлари эса, қуёш нурларининг таъсирида танаси бўйлаб юқорига кўтарилади.

— Ҳа-а, тушундим, — деди Умматали. — Шунинг учун буларни, айни туш пайтида, яъни қуёш тиккага келганида тердик, тўғрими бобо?

— Зеҳнингга балли! — деди Раҳим бобо, набирасининг кўнглини кўтариб. — Иншооллоҳ, сендан Луқмони ҳақимдек улуг табиб чиқади.

Улар ўрмон бўйлаб пастга тушишаркан, боланинг қизиқувчанлиги янада ортар, кўпроқ билгиси келарди.

— Бобо, ахир кийик боласининг қони қуёш нуридан ўзгармайди-ку?!

— Тўғри — деди чол кулиб. — Агар табиб оҳу боласининг қони даво деса, сўйилган заҳотиёқ олмоғи лозим.

— Нега энди?

— Нега десанг, болам, — жавоб берди Табиб, набирасининг қизиқувчанлигидан хурсанд бўлиб. — Овчилар ўлжани то саройга етказгунларича кўп вақт керак бўлади. Ёввойи ҳайвонларда эса, кўрқув ҳиссиёти жуда кучли бўлади, айниқса, болаларида. Худди ана шу ҳиссиётдан саройга етмасданоқ кийикчанинг қони бузилиб, унинг шифобахш ҳислати камаяди ёки бутунлай йўқолади. Энди тушундингми?

— Ҳа, бобожон, буни ҳам тушундим! — жавоб берди Умматали хурсанд бўлиб.

Ниҳоят, улар илонизи сўқмоқ йўлга чиқишди.

— Сен-ку тушиндинг-а, болам, — деди чол, сўқмоқдан юриб бораркан. — Лекин ўша илми ўткир Зотнинг не сабабдан ой янги-лангандан бошлаб, то тўлгунга қадар, не учун уч кунлик оҳу бола-сининг қонини, не учун заҳарли илонга чақтириб, не учун ҳар уч йилда биттадан ва ниҳоят, нима учун ўттиз йил давомида шундоқ қиласан деганига, нафақат, сенинг, менинг ҳам ақлим етмай туриб-ди.

Улар тобора узоқлашиб, қалин ўрмон ичида кўринмай кетишди.

Тоғлар ортига яширинган қуёшнинг алвон нурлари, гўё осмон гумбазини ёритмоқчидек, борган сари заминга интилар, ўрмон узра тобора пастлаб бораётган шабнам эса, кўкимтир пардаси билан инсонларнинг ушбу сирларини коинот олаmidан беркитмоқчидек туюларди.

\* \* \*

Қишлоқ Вали бобонинг ҳовлиси. Баланд саданинг соясида Рисолат биби аллақандай кўшиқни хиргойи қилиб, момик жундан ип йигириб ўтирибди. Саданинг қалин шохларида ўтирган бир гала қушлар, гўё кампирнинг мунгли овозига жўр бўлишаётгандек, тинмай чуғурлашарди.

Эндигина уч ёшга тўлган Бобораҳим энаси тайёрлаган ипларни ўйнаб ўтирибди.

Кичик ҳужрада бўз тўқиб ўтирган Вали бобо ишини тўхтатиб, онасига юзланди:

— Ойижон, ипни сал ингичкароқ қилаверинг.

— Эҳ ўғлим-ей, ҳечам «Сен» дейишга ўргатолмадим-да.

— Соқолимга оқ оралай деб қолди-ю, гапингизни қаранг-а, ойи, — деди ўғли кулиб. — Ёшлигимда койирдингиз, энди бўлса... тавба.

Рисолат биби зимдан ип ўйнаб ўтирган набирасига қараб қўйди-да, ўз ишини давом эттирди.

Ниҳоят, Бобораҳим чувалашган ипларнинг орасидан калавани чиқариб олди-да, ипларни ўрамоқчи бўлди. Лекин иплар ўчакишаётгандек, баттар чуваллашиб кетар, бола эса зўр бериб ҳаракат қиларди.

Сададаги қушлар бир зум жимиб қолишди. Шу пайт қишлоқ масжидининг сўфиси пешин намозига азон айта бошлади.

— Ё, Фовсил Аъзам пирим,— деди Рисолат биби. — Вақтнинг ўтишини қара-я. Бобораҳим, йигиштир энди, чой-пой ичиб олайлик. Кейин қиларсан болам.

— Мен чой ичмайман, — жавоб қилди набираси, ипларни тортқиларкан. — Ҳали оч қолганим йўқ.

Вали бобо ўглининг ҳаракатларини бир оз кузатиб турди. Сўнг ишларини йиғиштириб, онасига деди:

— Мен кетаяпман, ойи, тезда келаман. Чойни бирга ичамиз.

— Қаёққа кетаяпсиз, дада?

— Каёққа бўларди, ўғлим, масжидга.

— Мен ҳам сиз билан бирга бораман, — деди Бобораҳим ўрнидан тураркан.

— Оббо ўғлим-ей, — деди отаси кулиб. — Сен ҳали ёшлиқ қиласан. Бир оз сабр қилсанг, албатта олиб бораман.

Бобораҳим бошини қуйи эгганича, маънос туриб қолади. Бундай ҳолатни кутмаган бўзчи секин юриб, жигаргўшасининг олдига келди.

— Қани ўғлим, буёққа ўтир-чи!

Бола индамай ерга ўтирди. Вали бобо, калавани олиб, чувалашган ипларни тарқата бошлади.

Бобораҳим отасининг маҳорат билан ишлаётган бақувват қўлларига қараркан, юзида майин табассум пайдо бўлди.

— Мана бўлди, — деди Вали бобо ипларни бир текис қилиб шолчага ёяркан. — Энди, ипларни мана бундоқ ушлаб, калавага ўраймиз.

— Менга беринг, дада, бўлди, ўзим ўрайман.

Бобораҳим отаси ўргатгандек аста-секин ипларни калавага ўрай бошлади. Вали бобо, ўглининг ҳаракатларини бироз кузатиб турди-да, шахдам қадамлар ташлаб ташқарига равона бўлди. Рисолат биби юз-қўлини артиб, дастрўмолини айвон деворига қоқилган михчўпга илди. Саданинг шохларида ўтирган қушлар жонланиб, яна чуғурлаша бошлашди.

Кампир рўмолини танғиб боғлади-да, қоронғу уйга кириб кетди.

Бобораҳимнинг қўллари борган сари чаққонлашиб, ерда ётган иплар қатлами аста-секин камая бошлади.

Ниҳоят, ерда ётган иплар қатлами тугаб, аста-секин, чарх ҳаракатга келди.

Боланинг қўлчалари ипни қанчалик чаққон ўраса, чарх ҳам шунчалик тез айланарди.

Чарх гўё фалакнинг «чархи» айланаётгандек туюларди.

Гулларга бурканган боғлар. Осмонда учаётган лайлақлар. Боғларда пишган, ҳар хил мевалар. Сават-сават шафтолию ўриклар, олмаю ноклар, анжир, беҳи, анорлар.

«Чарх» айланарди.

Куз шамолидан дув-дув тўкилаётган олтинранг барғлар.

Қорга бурканган далалар.

Гўнг титиб емиш қидираётган қарға-қузғунлар.

Ана, қалин кўрпачалар устида бетоблик ва қарилик хасталигидан юзлари, нурсиз кўзлари тобора сўниб бораётган Рисолат биби ётибди.

Кампирнинг бош томонида соч-соқолларига оқ оралаб қолган нуридийдаси. Вали бобо ўтирибди.

«Чарх» айланарди.

Биби Салиманинг кўзларидан қуйилиб оқаётган қайноқ ёш томчилари ажин босган юзларидан оқарди.

Вали бобо қалтираган қўллари билан онаизорининг пешонасига ҳўлланган дастрўмол босар. Биби Салима кўз ёшларини артаркан, аҳён-аҳёнда қайнонасининг оғзига сув томизарди.

Фалакнинг гардиши янада тезроқ айланарди.

Ниҳоят, кампирнинг юзларида майин табассум пайдо бўлди-ю, киртайган, нурсиз кўзлари билан бир ўғлига, бир келинига боқди.

Қақраган лаблари алланималар деб шивирлаб, кўзларини юмдида, сўнгги нафасини чиқарди.

Ипнинг учи гир-гир айланаётган «чарх»дан ажралиб, ерга тушди.

Бошига оппоқ салла ўраган Имом ҳазратлари, аввал ўнгга, кейин чапга салом берди. Сўнг бошини бироз кўтарди-да, Оллоҳу Акбар деб юзига фотиҳа тортди.

«Чарх» сўнгги бор айланди-ю, ҳаракатдан тўхтади!!!

Ўспирин ёшига етиб қолган Бобораҳим қўлидаги ипни товуқнинг оёғига ўраб, маҳкам боғлади.

— Мен бўлдим, дада, — деди бола хурсанд бўлиб.

— Ҳозир, ўғлим, — жавоб берди Вали бобо, чопонини кияркан.

— Мана биз ҳам тайёрмиз.

Бобораҳим товуғини авайлаб қўлтиғига жойлади.

— Хўп онаси, — деди Вали бобо, хотинининг қўлидан тугунни оларкан.

— Биз кетаяпмиз.

— Майли, яхши боринглар. — Салима, ўғлининг пешонасидан ўпди.

— Товуғингни маҳкамроқ ушлагин хўпми?

— Сен хавотир олма, она, — жавоб берди Машраб. — Айтганларингнинг, ҳаммасини кўнглингдагидек қилиб келамиз.

Ота-бола бири тугун, бири товуқ кўтаришиб, кўча эшик томон равона бўлишди.

Биби Салима бир оз чўка бошлаган эрининг ҳамда кун сайин бўйи чўзилиб, отасининг елкасига тенглашиб қолаётган жигаргўшасининг кетидан қараб қоларкан, оҳиста энтикиб:

— Оллоҳ, ўзинга шукр, — деб қўйди.

Барглари сарғайиб тўкила бошлаган, садақайроғочда ўтирган бир гала қушлар мунгли оҳангда чуғурлаша бошлашди.

\* \* \*

Тоғлар орасида жойлашган муқаддас маскан. Ош вақти.

Бир неча асрлардан бери кўкка бўй чўзиб турган салобатли азим чинор остида ўтирган Шайх ҳазратлари қуръони Каримдан қироат қилмоқда. У кишининг атрофида ҳар бири биттадан товуқ ушлаб олган беш-олти нафар ўспирин, уларнинг кетида оталари ёки юзларига рўмол тортилган оналари ўтиришибди. Ҳазратнинг жозибали қироати осмонўпар тоғларнинг қояларига урилиб, акс-садо билан жаранглайди.

Кенг дастурхон атрофида мўйсафидлар-у, алоҳида ўтиришган хотин-халажлар, қассоблар-у ошпазлар ҳам бошларини қуйи эгишиб, жим ўтиришарди. Ҳатто дошқозонда пиширилаётган «Сардак» шўрва ҳам товушсиз, милтиллаб қайнарди.

Азим чинорнинг вазмин шохларида ўтирган қушлар эса, гўё ҳазратнинг жозибадор қироатига жўр бўлишмоқчидек, аҳён-аҳён чуғурлашиб қўйишарди.

— Илоҳо омин, — деди Шайх ҳазратлари.

Ўтирганлар қўлларини дуога очишди. Сукут.

— Оллоҳу Акбар! — бир чеккада тенгдошлари билан ўтирган Бобораҳим ҳам катталар қатори юзига фотиҳа тортди.

— Азиз болаларим, — деди Шайх ҳазратлари. — Энди ҳар бирингиз ўз товуғингизни олиб, Муқаддас булоқ бошида сўйиб келинглар.

Ота-оналар, ўз фарзандларини муборакбод этишиб, совға-саломлар улаша бошлашди. Кимдир чопон, кимдир яктак-иштон, кимдир дўппи, белбоғ.

Совғасини олган болалар товуқларини маҳкам ушлаганларича, Муқаддас булоқ томон югуриб кетишди.

Вали бобо пичоқ қини ўтказилган қийиқчани Бобораҳимнинг белига боғлади. Сўнг этигининг кўнжидан куёш нурларида ял-ял

товланиб турган дандон соплик пичоқни олиб, унинг қўлига тут-қазди.

— Бу онанг иккимиздан совга. Қутлуг ёшинг муборак бўлсин, ўғлим! Қани, энди боравер.

Бобораҳим индамади. У отаси берган пичоқни эҳтиёткорлик билан белбоғига осилган қинига солди. Оёғи остида типирчилаётган товуқни олиб кўкрагига босганича, Муқаддас булоқ томон югуриб кетди.

Ота ўғлининг бу ҳаракатларини таажжуб билан кузатиб қолди.

— Вали бобо, ҳой Вали бобо! — чақирди Оқсоқоллардан бири. — Келинг энди, овқат сузилаяпти.

Муқаддас булоқ. Ҳовузнинг тиниқ сувларида сузиб юрган оқ ба-лиқлар безовталаниб, ўзларини ҳар томонга ура бошлашди.

Атрофни бошларига кўтаришиб, қийқиришганича болалар келиш-ди. Улар товуқларини олдиларига қўйишиб, ҳар бирлари ўз билгани-ча фотиҳа қилдилар. Сўнг товуқларини олишиб, қурбонлик қони тўкиладиган чуқур атрофига турдилар.

Қани, бошладик! — деди болалардан бири.

Шу пайт товугини қўлтиқлаганича Бобораҳим ҳам етиб келди. Болалар, товуқ сўйишни бошлаб юборишди.

Бобораҳим тўхтаб атрофга қаради. Унинг нигоҳи ҳарсанг тошлар устига терилган, қўй ва эчкиларнинг каллаларига тушди.

Йиллар давомида сўйилган қўй, мол ва эчкиларнинг каллалари-дан оққан қонлар қотиб қолган, тошларга даҳшатли бир тус берган-ди.

Тошнинг устида ётган каллалар эса тилларини тишлаганларича, жонсиз кўзлари билан Бобораҳимга тикилаётгандек туюларди.

Ниҳоят, тенгқурларининг қий-чувларидан бир оз ўзига келган Бобораҳим, беихтиёр чуқур томонга қаради.

Болалардан бири қочиб кетган товугини қувлар, бошқа бири эса, зўр бериб туки юлинмаган товуги бўйнига пичоқ тигини ишқалар, лекин сўёлмасди. Товуқ жон ҳолатда типирчилар, ношуд бола қиқир-лаб куларди. Бошқа бири, ҳамон қочаётган товугининг кетидан қув-ларди. Ниҳоят, қочаётган товуқ сакраб-сакраб чуқурга тушди. Новчадан келган бола қонга беланган товуқ бошини баланд кўтариб қичқирди:

— Мен сўйдим!

— Мен ҳам! — деди кимдир.

— Мен ҳам.

— Мен ҳам... — болалар бирин-кетин қичқаришди.

— Тўхтаб турунглар, мен ҳозир! — деди чуқурда ётган товуқнинг эгаси.



— Тезроқ бўл!

— Мана, ҳозир. — Бола шундай деди-да, чуқурга сакради. — Аҳ-ҳа, қўлга тушдингми?

Ўспирин товуқни маҳкам ушлади-да, бўйнини қайириб, калласини шартта узиб ташлади.

— Мана, сенга лаънати!!! Эҳэ — ҳэ — ҳэй, мен ҳам сўйдим!

Барча болалар, ўз вазифаларини бажариб, ота-оналари томон югуриб кетишди.

Ёлғиз қолган Бобораҳим, бир қуёш нурларидан лов-лов ёнаётган дандон соплик пичоғига, бир қўйнида бўйнини қисиб жим ётган оппоқ товугига, бир асрлар давомида қора қонга буланган харсанг тошларга, ўлик нигоҳларини унга тикиб турган жонсиз каллаларга қаради.

Ушбу ҳодисалардан даҳшатга тушган Бобораҳимнинг ранги оқариб, пешонасидан маржон-маржон, совуқ тер оқа бошлади.

Унинг мурғак вужуди титраб, қалбининг осуда жойларидан уммондек отилиб чиқаётган сўзлар шеърга айланарди.

Даргоҳинга бир ожизи афгор келибман,  
Арзи дилимни айтмак учун зор келибман.

Йўқдур менинг илгимда сенга тухфаи лойиқ,  
Жўз зилли гуноҳ, эл ичида хор келибман.

Қийқириқлари оламни бузгудек бўлиб, ҳеч бири ортда қолишни истамасдан болалар югуришар, кимдир сўйилган товугини баланд кўтариб силтар, кимдир оёғидан ушлаб, гир-гир айлантирарди.

Рад қилма, қабул айлаки, шармандалигимдин,  
Расвои жаҳон, кўчаи бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,  
Жон нақди билан сенга харидор келибман.

Болалар югуришарди. Улар гўё болалик онларини ортда қолдириб кетишаётгандек, гўё ҳаётларининг кейинги босқичи, ўспиринлик даври томон югуришаётгандек туюларди.

Лутф бирла карам айлаю дардимга даво қил,  
Дармон тилабон соҳиби харидор келибман.

Зор тавалло қиладур Машраби мискин,  
Оч пардангниким толиби дийдор келибман.

Илон изи бўлиб кетган сўқмоқ йўлдан, товугининг калласини осилтирганича, Бобораҳим чопиб келар, у гўё маст одамдек гоҳ чай-қалар, гоҳ мункиб кетар, гоҳида қалқиб йиқиларди.

У ўрнидан туриб яна югурар, гўё қалби, бутун вужуди ёнаётган-дек кўзларидан қайноқ ёш оқарди.

\* \* \*

Ҳовли. Баланд саданинг шоҳларида ўтирган қушлар, гўё, инлари-га илон тушгандек, тинимсиз чуғирлашарди.

— Киш-шш-ша, уйингга бугдой тўлгурлар, ки-шш! — деди Биби Салима, қушларга қараб. — Тавба нимани талашшаркан-а?!

У ўрнидан туриб, жўхори ивитилган жомдаги сувни тўкди-да, оқ жўхориларни келига бўшатди.

Бир дам сукут сақлаб ўтирган қушлар, нафасларини ростлаб олишгандек яна чуғурлашларини давом эттиришди.

Салима келисопни қўлига олиб, жўхорини туга бошлади.

Дуп-дуп... дуп-дуп...

Бирдан қушлар сайрашдан тўхташди. Салима келидан сопни чиқариб, жўхорини кўзгатаркан, кўнгли алланечук бўлиб, қўллари ҳаракатдан тўхтади...

Она кескин бурилиб кўча эшик томонга қаради.

Ҳовлида тумшуғи ерга тегиб турган чалажон товукни кўтарганича, кўзлари қизариб, ранги оқаргандан оқариб кетган жигаргўшаси Бобораҳим турарди.

— Нима бўлди ўғлим? — сўради Она, титраган овоз билан. — Даданг қани?!

— Онажон, — жавоб берди бола, қўлидаги товукни хиёл кўтариб.

— Сен берган товукни сўёлмадим. Жудаям раҳмим келди.

— Шунга хафа бўлдингми, ўғилгинам? — Салима меҳр тўла кўзлари билан фарзандига боқаркан, унинг юзларидан ўпарди. — Ўзим ўргилай сендан. Кўзичоғим, асалим, болим.

Она меҳрини, қалб ҳароратини ҳис этган Бобораҳимнинг юзларига қон югурди.

— Менга сендек раҳмдил фарзанд ато этган Худойимдан ўргилай.

Салима жарангдор овози билан кулар, севинчга тўлган кўзларидан ёш оқарди. Машраб ҳам онасига қўшилиб куларди.

Биби Салима, фарзандини бағрига босганича, шаддод кулгиси билан, гир-гир айланарди...

Чалажон ётган оқ товук ўзига келиб питирлай бошлади. Бобораҳим онасининг кучоғидан чиқиб келди-да, дандон сопли пичоғини олиб, товукнинг оёғидаги ипни кесиб юборди.

Қайрағочдаги қушлар, сўнгги бор чуғурлашиб, барглари тўкила бошлаган садақайроғочнинг вазмин шохларини бутунлай тарк этишди.

\* \* \*

Масжид. Эрта тонг. Ёришиб келаётган тонг шуъласидан масжиднинг мовий гумбазлари тобора гўзаллашиб борарди.

Ичкарида бомдод намози ўқилмоқда.

— Оллоҳу Акбар, — деб Имом ҳазратлари рукуъ қилдилар.

Жамоат имомга эргашди. Сукут.

— Оллоҳу Акбар — Бобораҳим ҳам ҳамма қатори қаддини ростлади.

— Оллоҳ Акбар! — барча намозхонлар, Имомга эргашиб саждага бош қўйдилар.

Шу пайт, кичик Бобораҳим овозини баланд чиқариб: «Мм-мў-ўў, ммў-ў-ў»лаб бузоқча сингари нола қилди.

— Оллоҳу Акбар, — Имом кўз қири билан овоз келган томонга қараб қўйди. — Оллоҳу Акбар!

Ҳамма саждага бош қўйди.

— Оллоҳу Акбар! — барча намозхонлар қайтиб қаъдага ўтиришди.

Вали бобо кўз қири билан ўғлига қаради. Бобораҳим жойнамозига тикилганича, жим ўтирарди. Имом ҳазратлари, аввал ўнгга, сўнг чапга салом бериб, дуо билан юзига фотиҳа тортди. Жамоат аввал болага, сўнг Имомга қаради. Имом ўтирган жойида намозхонлар томон бурилиб ўтирди. Одамларнинг сўроғли қарашларига дош беролмаган Вали бобо, ўғлига қараб деди:

— Бу нима қилганинг, ўғлим? Намоз пайтида.

— Молга ўхшаб бўқирасан! — гапга қўшилди ёнидаги киши.

— Яна олдинга ўтириб олганини қаранг, ҳе бетавфиқ! — койиди яна бошқаси.

— Бу ер сенга молхона эмас.

— Тур ўрнингдан, чиқиб кет.

— Гапирсанг-чи ўғлим. Ахир, шарманда қилдинг-ку! — деди Вали бобо. Сўнг секин энгашиб ўғлининг қулоғига шивирлади: — Шаҳардан келган катта эшон, Бозор Охунд ҳам шу ердалар. Дарҳол ўрнингдан туриб кечирим сўра, ўғлим!

— Майли, қийнаманг, — деди Имом, заҳарханда билан.

— Оллоҳнинг ўзи кечирсин.

Бобораҳим ўрнидан туриб, тасбеҳ ташлаб ўтирган Имом Ҳазратларига қараб қўйди-да:

— Эй Худованди Карим, мен осий бандангнинг гуноҳини ўзинг кечиргин, — деди.

Намозхонларнинг қўнгиллари бир оз юмшаб, Вали бобога қарашди.  
— Ўғлим, Оллоҳ кечиргувчидир, — деди ота ўнгайсиз бир ҳолат-да. — Сен энг муҳими, одамлардан кечирим сўра.

— Мен фақат, — гап бошлади Бобораҳим, ўтирганларга бир-бир қараб чиқаркан. — Масжидимиз имомини, шайтоннинг макридан огоҳ қилмоқчи бўлдим холос.

Ҳамма ўтирганлар болага қаради. Намозхонлар орасида, яна галаговур бошланди.

— Нималар деб валдираяпсан?

— Ўзи муштдек бола-ку, гапини қаран-га?

— Шайтон ўзингни васвасага солган кўринадир.

Ниҳоят, бир чеккада ўтирган Бозор Охунд ўрнидан турди. Ҳамма жим бўлди..

— Қани эшитайлик-чи, гапиравер ўғлим — деди Бозор Охунд мулойимлик билан. — Хўш, домла имомни, шайтони-лаъиннинг қандай ҳийласидан огоҳ қилмоқчи бўлдинг — бўтам?

— Бола гапираверади-да тақсир, — деди кўрқиб кетган Вали бобо.— Ҳали ёш, шунинг учун...

Бобораҳим отасининг елкасига қўлини қўйди.

— Дадажон, бундай гапларга ҳожат йўқ.

Ҳамма намозхонлар унга қараб турарди.

— Узримни қабул қилинг, тақсир, — гап бошлади Бобораҳим Бозор Охунд эшонга қараб. — Гап шундаки, Имомимиз иккинчи ракаъат учун рукуъга борганларида, шайтонилаъин ул кишига хона-донидаги елини сутга тўлган сигирларини эслатди.

Тасбеҳ ташлаб ўтиган масжид Имоми, ҳайрон бўлиб болага қаради.

— Имом ҳазратлари, саждага бош қўйганларида эса, — давом этди. Бобораҳим. — «Субҳана раббиял аъло» дейиш ўрнига, “Бузоқча арқонини узиб, сигиримни эмиб қўймадимикан?” деган фикр хаёлларидан ўтди. Мен ул зотга таскин бериб, «Бузоқчангиз ипини узгани йўқ, у ҳали оч» дедим. Бузоққа ўхшаб мўрашимнинг асл маъноси шул эрди, тақсир!

Орага сукунат тушди. Бу гаплардан ҳангу-манг бўлиб қолган одамлар, оғизларини очганларича, бир Имом ҳазратларига, бир болакайга қарашарди. Вали бобонинг кўзларидан оқаётган қайноқ ёшлар унинг оппоқ соқоллари узра думалаб, эгнига томарди.

Мулла Бозор Охунд одамлар орасидан юриб келди-да, масжид имоми қаршисида тўхтаб сўради:

— Шу гаплар ростми?

Ўта ноқулай аҳволда қолган Имом ҳазратлари енгил хўрсиниб қўйди-да:

— Ҳа, рост, тақсир, рост. — деди.

— Астағфуруллоҳ, — шивирлади Мулла Бозор Охунд. — Айт-чи, ўғлим, исминг нима?

— Раҳимжон, Бобораҳим, — жавоб берди болакай.

Бозор Охунд бошқа бир сўз демасдан, секин энгашиб боланинг этагидан ўпди.

Одамлар орасида гала-говур бошланди. Бозор Охунд, ўзини тамомила йўқотиб қўйган Вали бобога қаради.

— Сиз, боланинг падари бузруквори бўласиз, шундайми?

— Шундай — тақсир, — Вали бобо аранг жавоб берди.

— Мен билан юринг.

Улар одамлар орасидан ўтиб, масжид ҳовлисига чиқишди. — Қулогим сизда, тақсир, — деди Вали бобо.

— Айтинг-чи, ўғлингиз анчадан буён намоз ўқийдими?

— Ҳа, тақсир, шундай. Беш ёшидан бошлаган.

— Ҳозир неча ёшда?

— Ўн иккида. Илмга жуда ҳам чанқоқ, тақсир, табобат, шеърият дегандай.

— Яхши, — деди мулла Бозор Охунд. — Ўғлингизни ўзим билан олиб кетсам дегандим, шунга нима дейсиз?

Бундай таклифни кутмаган Вали бобо бир оз довдираб қолди.

— Мен. Мен нима ҳам дердим, ҳазратим. Яна ўзи билади.

— Ўйлайманки, ўзи ҳам рози бўлади, — деди Бозор Охунд. — Мен бунга аминман!

Ичкарида эса, ҳозиргина Бобораҳимни Оллоҳга ширк келтиришда айбламоқчи бўлган осий бандалар унга талпинишар, этагига қўл чўзишиб ҳар томонга тортқилашарди.

\* \* \*

Андигон қишлоғи атрофи. Булоқ бошида чақчақлашиб ўтиришган қишлоқ қизлари бир-бирларига ҳазил мутойиба билан ўринларидан туришди.

— Қани кетдик, — деди қизлардан бири.

— Майли турдик.

Қизлар булоқ ёнига келишди. Улар қўлларидаги кўзаларини бир-бир чашманинг зилол сувига ботириб олишди. Сўнг ҳаммалари қишлоқ томон отланишаркан, қизлардан бири ноз—ишва билан дугонасидан сўради:

— Холбиби, нима, сен кетмайсанми?

- Йўқ, — деди Холбиби бошини қуйи эгиб. — Мен яна бир оз ўтирмоқчиман.
- Хоо, яна ажина чалиб кетмасин! — Қўшилди бошқа дугонаси. Ҳаммалари кулиб юборишди... Қизлар кўзаларини елкаларига олишиб, қишлоқ томон кета бошлашди.
- Холбиби! — Қичқирди Ойсулув, хандон отиб куларкан: — Хув, анави буталар орасидаги «Ажина»дан эҳтиёт бўлгин.
- Дугоналар кулишиб-кулишиб, кўздан йироқлашиб кетдилар.
- Холбиби, лов-лов ёнаётган юзларини булоқнинг муздек сувига ювди, сўнг этаги ўнгирини кўтариб, юзларини артаркан, унинг кўзлари ҳозиргина дугоналари ишора қилиб кетган буталар ёнида жилмайиб турган суюкли инсонига тушди.
- Бобораҳим.— деди қиз, кўзлари қувончга тўлиб.
- Холбиби, — шивирлади бола, қизга яқинлашаркан. Улар қўл ушлашганча, бир-бирига термулиб қолишди.
- Қизларнинг гапи кўп бўлади-да, — деди ниҳоят Бобораҳим. Холбиби индамади. Унинг оху кўзлари Бобораҳимга боқарди.
- Юрагимнинг типирчилашини қара, — деди Бобораҳим, қизнинг қўлларини кўксига босаркан.— Сезяпсанми?
- Ҳмм...— маъқуллади Холбиби, кўзларини юмиб.
- У нима деяётганини эшитяпсанми?
- Қиз «йўқ» дегандек бошини қимирлатди.
- Эшитгин-а. Хол-биби, Хол-биби, Хол-биби деяпти.
- Қиз кўзларини очиб, Бобораҳимга боқди.
- Мени ташлаб кетмоқчисиз-қу!
- Бобораҳим қизнинг қўлларини маҳкамроқ босди.
- Сезяпсанми? «Йўқ-йўқ», «йўқ-йўқ» деяпти. Сени юрагимда олиб кетаман.
- Мен ҳам, сиз билан кетишни истайман, тамом!
- Бунинг сираям иложи йўқ,— деди Бобораҳим бироз довдираб.— Нега десанг, ота-онанг розилик беришмайди-да.
- Ундай бўлса, — деди Холбиби, ибо билан юзини яшириб. — Мени хотинликка олинг.
- Бундай таклифни кутмаган Бобораҳим тамомила ўзини йўқотиб қўйди.
- Ҳали... Ҳали ёшсан-да! — деди ниҳоят, ўзини бироз ўнглаб.
- Ёш эмасман.
- Ёшсан!
- Ёш эмас-ман! Уқдингизми?! — деди Холбиби, шаддодлиги тутиб.

Бобораҳим кулиб юборди.

— Нега куласиз? — сўради қиз таажжуб билан.

— Ахир, кўриниб турибди-ку, — жавоб берди Бобораҳим.

Холбиби орқасига чекинаркан, ҳайратомуз, ўзининг қўл-оёқларига қаради.

— Тушунмадим. Нимаси кўриниб турибди?

— Ие, нимаси бўларди, болагинг-да!

Қиз бир сўз демасдан, Бобораҳимнинг бошидан дўпписини олди-да, икки қатлаб унинг қўлига тутқазди.

Бобораҳим ҳайрон бўлиб, бир шаҳло кўзлари билан ўзига қараб турган севгилисига, бир қўлидаги букланган дўппига қаради.

— Мана шу дўппи билан, — деди Холбиби, маъшуқининг кўзларига тик боқаркан, — Юзимга уринг!

— Бунинг боиси недур? — Бобораҳим тушунмади.

Холбиби индамади. У хумор кўзларини юмиб, бошини хиёл кўтарди:

— Қани, уринг!

Ноилож қолган Бобораҳим, қўлидаги дўппи билан оҳиста Холбибининг юзига урди.

— Қаттиқроқ уринг! — деди қиз.

Бобораҳим Холбибининг лов-лов ёнаётган юзларига боқаркан:

— Уролмайман, — деди.

— Ўтинаман, — ёлборди Холбиби. — Аямасдан, уринг!

Бобораҳим, бироз ўйланиб турди-да, сўнг дўпписини баланд кўтариб, Холбибининг юзига урди.

Холбиби дўппининг зарбидан бироз гандираклаб кетди. Сўнг Бобораҳим томон бурилиб, севинчга тўла кўзларини очди.

— Ана кўрдингизми? — деди жилмайиб, маъшуқига қараркан: — Ёшсан дейсиз-у, йиқита олмадингиз.

Сукут. Улар бир-бирларига узоқ термилиб қолишди.

Ниҳоят, воқеанинг асл маъносини тушунган Бобораҳим, бирдан хохолаб кулиб юборди. Уни кузатиб турган маъшуқаси ҳам, хандон отиб кула бошлади. Бобораҳим кулганича қизнинг ёнига келиб, уни даст кўтарди. Улар, бир-бирларини маҳкам кучиб, гир-гир айланишар, жарангдор, беғубор овозлари билан борлиқни тўлдириб кулишар, гўё бу дунёда уларчалик хушчақчақ, уларчалик бахтиёр инсон йўқдек туюларди. Бобораҳим кула-кула айланишдан тўхтаб, Холбибини ерга қўйди.

— Энди оласизми? — сўради қиз.

— Албатта оламан, — деди Бобораҳим Холбибидан кўзини узмай.

Шу пайт ақлига келган қандайдир фикрдан шўхлиги тутиб, маъшуқасининг олдида тиз чўкди-да, унинг белидан кучди.

— Вой нима қилмоқчисиз? — сўради қиз ҳадиксираб.

— Қўрқма, Холбиби, — деди Бобораҳим қўли билан қизнинг қорнини силаркан. — Мен фақат бир нарсани билмоқчиман холос.

У қулогини Холбибининг қорнига қўйди.

— Қани, эшитиб кўрай-чи, ах-ха, хўп, хўп бўлади. Ие, яна, яна ўҳ-хў.. буларнинг кўплигини-ей.

Орага жимлик тушди. Бобораҳим кўзларини юмиб, бошини Холбибининг қорнига қўйганича, қалбининг осуда жойларидан, бутун вужудини титроқ бостириб, уммон каби ўйғонаётган “Эркаклик” ҳолатини илк бор ҳис этарди.

— Нимани айтаяпсиз? — сўради Холбиби тоқати тоқ бўлиб.

— Нимани бўларди, — деди Бобораҳим, ўзини бироз қўлга олиб. — Қорнингдаги «Ота — нон», «Она — нон» деб йиғлаётган болаларни айтаяпман.

— Наҳотки, наҳотки, шунчалар кўп бўлса?!

— Ҳе-ҳе, ҳисобига етолмадим, — деди Бобораҳим, жиддий. — Хўш, уларни қандоқ боқамиз?

— Мен мен, — бирдан Холбиби, уввос солиб йиғлай бошлади: — Мен буёғини ўйламабман.

Бу ҳолатни кутмаган Бобораҳим, нима қиларини билмай бир оз турди. Сўнг маъшуқасини маҳкам кучиб, бағрига босди, сочларини силаб эркалай бошлади.

— Холбибим. Хол-пошшом, бўлди, қўй, йиғлама. Ўзимнинг аса-лим, болим.

Холбиби йиғидан тўхтаб, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиди. Бобораҳим, қизнинг нозик иягидан хиёл кўтариб, ўзига қаратди.

— Ҳали ёшсан десам, ишонмагандинг, — деди кулиб.

Холбиби меҳр тўла кўзлари билан Бобораҳимга боқаркан, юзларида майин табассум пайдо бўлди.

— Биласизми, сиз кимсиз? — деди қиз киноя билан.

— Хўш, кимга ўхшайман?

— Сиз... жиннисиз!

— Йўқ.

— Телбасиз!

— Йўқ, йўқ! — деди Бобораҳим бошини сарак-сарак қилиб.

— Унда майли, ўзингиз айтақолинг кимсиз?

Бобораҳим бир оз ўйланиб турди-да деди:

— Ҳар киши менга рафиқ бўлса, мен унга рифоқат қилурман, ҳар қозонга тушсам қайнайдурман, шунинг учун отимни Машраб деб қўяқолай.



— Маш-раб. Нақадар жарангдор,— деди Холбиби қувониб. — Мен шундай деб аташга розидурман. Бо-бо-раҳим Машраб!

— Офарин, Холбибим.

Бобораҳим, Холбибининг чақнаб турган кўзларига боқаркан, бутун вужуди титраб шеър бошлади:

На ҳолатдур, аё дўстлар, ажаб ҳайрона Машрабман,  
Кўролмай гулбозоримни баса гирёна Машрабман.

Қаландарваш бўлиб доим эшикларда...

Шу пайт қишлоқ томондан сувга келаётган қизларнинг қийқириги эшитилди.

Бобораҳим Машраб, шеър айтишдан тўхтаб, Холбибини бағрига босди.

— Шеърингизнинг давоми қани? — сўради Холбиби.

— Қолганини кейин айтиб бераман.

Машраб шундай деди-да, бутазор томон югуриб кетди.

\* \* \*

Шаҳар. Кундуз. Дунёга не-не даҳо ўғлонларни берган, барча илм-маърифат манбасининг даргоҳи ҳисобланган кўҳна мадрасалардан бири.

Ҳовлида бир гуруҳ муллаваччалар тартиб сақлаб туришибди. Уларнинг олдиди, бошига чиройли салла ўраган, оппоқ, бежирим яхтак-иштон кийган Бобораҳим турибди.

Ниҳоят, ҳужранинг эшиги очилиб, қўлида бир қанча китоблар кўтарган муллавачча, унинг кетидан Эшон Бозор Охунд чиқишди.

— Болаларим, — деди Эшон салобат билан. — Қаршингизда турган йигитча, Намакконнинг (Наманган) Андигон қишлоғида истиқомат қилувчи, Вали бобо ўғли Бобораҳим бўлади. Бугундан эътиборан бу йигит сизлар билан бирга мадрасамизда таҳсил кўради. Ўта ноёб истеъдод соҳиби, баъзида Машраб тахаллуси билан шеърлар ҳам битаркан.

Бобораҳим, атрофдагиларга қуллуқ қилди.

Бозор Охунд муллаваччанинг қўлидаги китобларни олиб Машрабга узатди.

— Ўғлим, мана бу дасгоҳлар орқали мадрасамиздаги барча китобларни мутоала қилиб, илму маърифат, дину диёнатга бўлган ташналигинг янада ортаверади. Оллоҳ сенга мададкор бўлсин.

Бобораҳим ҳаяжондан бироз титраган қўллари китобларга узатди.  
— Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм, — деб, Эшонбобо узатган китобларни олди, ўпиб, кўзларига суртди. Сўнг уларни бағрига босганича, қоронғу ҳужрага кириб кетди.

Алифни дилга жо қилмоқни, бисмиллодин ўргандим,  
Шаҳид қонини тўкмакни каломуллодин ўргандим.

Ўшал кун ҳашт дари жаннатни бир буғдойга сотмоқни,  
Тарики бандаликни Одаму ҳавводин ўргандим.

Китоб саҳифаларини, бир-бир варақлаётган жажжи қўлчалар.  
Қизғиш нурларини оламга таратиб, ботаётган куёш.  
Туну кун мутолаа қилаётган Бобораҳим Машраб.

Заламно раббано”ни дилга жо қилмоқни ҳар соат,  
Гуноҳ қилмоқни ман Одам сафиюллодин ўргандим.

Кўзумдин қон тўкуб, фарёд урубон навҳа қилмоқни,  
Худодин роз эшитмоқни ўшал Мусодин ўргандим.

Жаҳон мулкида ҳаргиз тору сўзан сақламай ўтти,  
Мақомоти тажаррудни ўшал Исодин ўргандим.

Ҳақиқат минбари васлига Исони шафеъ этти,  
Тариқи имтиҳонни руҳи Армиёдин ўргандим.

Осмондаги тўлин ой. Чарақлаган юлдузлар. Шамчироғнинг жило-  
ланиб ёнаётган шуъласи. Токчалардан китоб олаётган қўлчалар. Маш-  
рабнинг ёнига терилган китоблар қатлами тобора ўсиб борарди.

...Сулаймондек азалдин салтанат тахтига чиқмоқни,  
Бу йўлни Осаф ибни руҳ Барҳиёдин ўргандим.

Ки тинмай неча йиллар охиратни ваҳмидин куйди,  
Қиёмат ваҳмини ул ҳазрати Яҳёдин ўргандим.

Тушиб бошига мотам доғи фарзандига ўртанди,  
Кўнгилни чоҳини бил ул Юсуфи барнодин ўргандим.

Балиғ қорнида Юнус зикри ҳақдин бўлмади гофил,  
Ки зикр этмоқни ман ул Юнуси донодин ўргандим.

Танини барчасини кирми мотам туъма айлабдур,  
Мақоми сабрини Айюбу ҳабибуллодин ўргандим.

Муҳаббат мубтало ҳукмида ул нури илоҳидин,  
Кўнгул аррасини зикрини Закариёдин ўргандим.

Вали бобонинг ҳовлиси. Саданинг тагида ўйнаб ўтирган Бобораҳимнинг синглиси Хайринисо.

Машрабнинг бешик анжомларини силаб-сийпалаб тахлаётган Биби Салима. Кўзларида шашқатор ёш билан, аробага ўтараётган Холбиби...

...Сабо маҳшар кунида оси-жофиларга хомидур,  
Ҳақиқат сиррини руҳи расулуллоҳдин ўргандим.

Абубакру Умар, Усмон иймоним гувоҳидур,  
Азални ҳимматини Ҳайдари аълодин ўргандим.

Ҳасан бирла Ҳусайн ҳақ йўлида жонини тобшурди,  
Кўнгил таъсирини Фотимаи Заҳродин ўргандим.

Охирлаб қолган шамчироғ липиллаб-липиллаб ўчди. Бел боғлаган, мотамзада ҳассакашлар... Уларнинг кетидан тобут кўтариб бораётган одамлар. Қабр устида йиғлаб ўтирган Биби Салима. Ва ниҳоят, хонтахта устига бирин-кетин тахланаётган Оллоҳнинг инсонларга юборган муқаддас китоблари. «Таврот», «Забур», «Инжил» ва «Қуръони Карим».

...Кийибон салтанат фикрин танимга мосиво бўлдим,  
Фақирликни Муҳаммад ибни Абдуллодин ўргандим.

Ҳамма айтурки Машраб мунча илмни кимдин ўргандинг,  
Худо лутф айлади, ман барчани Мавлодин ўргандим.

Навқирон Бобораҳим Машраб бир даста китобларни катта Эшон олдидаги хонтахтага қўйди.

— Устоз, — деди Машраб, қўлини кўксига қўйиб. — Мен кутубхонадаги ҳамда бошқа мадрасалардан келтирилган ўтмиш, илм-маърифат ва дину эътиқодга оид барча китобларни мутоала қилиб бўлдим. Оллоҳнинг бандаларига юборган барча муқаддас китоблари-ю, мусулмончиликнинг асоси бўлган Қуръони Каримни бошидан сўнгги бетигача ёддан сўзлай, шунингдек унинг ҳар бир сураси ҳақида мустақил фикрлай оламан.

— Биламан ўғлим. — деди мулла Бозор Охунд. — Лекин мадрасани тарк этишингни ҳечам истамайман. Хоҳласанг, онанг билан синглингни олиб кел, болам. Менинг ҳам охиратим яқинлашиб қолди.

— Мени авф этинг, Пирим, — деди Машраб бошини хиёл эгиб. — Бу ерда ортиқ қололмайман. Менга сингган меҳнатингизга рози бўлиб, оқ фотиҳа беринг, устоз. Қуш бўлиб осмону фалакка учай, оҳу бўлиб тоғу тошларда югурай. Хаста кўнглим, жаҳон кезмоқни истайди.

— Майли ўғлим, сен айтганча бўлақолсин, — деди Мулла Бозор Охунд, шогирдига зимдан боқаркан. — Аммо бир ўтинчим зинҳор шаҳри Балхга бормагин!

— Ташаккур, устоз. Сиз огоҳ қилмоқчи бўлган қисматим ҳақида, эрта тонгда бир шеър битгандим. Ижозат беринг.

Бозор Охунд, маъқул аломати бошини қимирлатди. Машраб, шеър ўқий бошлади:

Кел, эй кўнгил, букун мардона бўлгил роҳи мақсуддур,  
Билолмасман на савдолар мани бошимда мавжуддур.

Кишини кўзда ёши йўқ, ани умрини ҳуш билманг,  
Аниким ўткан умри ҳақни даргоҳида мардуддур.

Азалдин кайфият топган кишилардин сўранг дардни,  
Шаробан тахур нуш айлаган албатта ҳушнуддур.

Киши тақдирга тан бермас, ани иймони йўқ, бешак,  
Ани қавлига инкор айлаган қавми мардуддур.

Келибдур остонанга, ки навмид этма Машрабни,  
Пушаймондин на суд эмди, кушандам Балхда Маҳмуддур.

Машраб шеърини тугатиб, устозининг этагини ўпаркан:

— Мени дуо қилинг, Ҳазратим, — деди.

— Йўқ, йўқ, ўғлим!

Муборак, нуруний ёшга етган Мулла Бозор Охунд ёш қалқиган кўзлари билан шогирдига боқаркан, ўзини йиғидан тўхтатолмай деди:

— Энди, сен дуо қил болам.

\* \* \*

Тоғ ўрмони. Оҳиста эсаётган тоғ шаббодасидан, ўрмондаги ям-яшил дарахтлар, гўё сирлашишаётгандек, бошларини бир-бирлари томон хиёл эгишаркан, япроқлари бир маромда шивирлашарди.

Ўрмондан бир тўда сарбозлар қуршовида чиққан шаҳзода Маҳмуд алвон ўтов олдига келиб отини тўхтатди.

Шай бўлиб турган хизматкор Маҳмуднинг отини жиловидан ушлади.

— Отни совға қилган одамга, — деди шаҳзода сарбозлар ёрдамида отдан тушаркан, — Бир халта олтин берилсин!

Вазир қуллуқ қилди.

Хизматкор саман отни етаклаб нари кетди. Унинг кетидан қараб қолган вазир буюрди:

— Бир оз етаклаб юр!

Шаҳзода завқ билан, ўйноқлаб кетаётган отга қараб қолди.

— Афв этинг, шаҳзодам, — деди вазир Маҳмуднинг ёнига келиб. — Ҳамма нарса тайёр.

— Янами?! — сўради Маҳмуд кўзлари чақнаб. — Бошқа ичмайман! Мен соппа-соғман.

— Шаҳзодам, бу тўққизинчиси. Табиб ҳам шу ерда.

Ноилож қолган шаҳзода Маҳмуд, ўтов томон бораркан, унинг кўзлари оҳу боласини бағрига босганича таъзим қилиб турган овчига туши-ю, таққа тўхтади.

— Юринг, шаҳзодам. — деди вазир кийикчадан кўзларини узмай турган Маҳмудга қараб.

— Ҳа-ҳа, ҳозир. Табиб ҳам шу ерда бўлса, майли, ичамиз. Лекин бу охиргиси. Бошқа ичмайман!!!

— Тезроқ бўлинглар! — буюрди вазир.

Хизматкорлар шошиб қолишди. Овчи, вазирнинг ишораси билан табиб томонга кетди. Бутун вужудини титроқ босган шаҳзода Маҳмуд бир оз довдираб, ўтов томон юрди. Вазир нарироқда кутиб турган табибга имо-ишора билан ниманидир тушунтирди. Сўнг, шаҳзоданинг кетидан ўтовга кириб кетди.

Халтача кўтарган одам табибга яқинлашиб:

— Мен тайёрман, — деди.

— Бу ёққа олиб келинг, — чақирди овчи, кийик боласини ерга ётқизаркан. — Тезроқ!

Ҳамма сарбозлар овчининг ҳаракатларини кузатиб туришарди.

Ичкарида, телбанамо тусга кирган шаҳзода Маҳмуд устки кийимларини ечиб ҳар томонга иргитарди.

Ниҳоят вазир шаҳзодани қалин кўрпачалар устига ўтқазиб елпий бошлади.

Ташқарида эса бутун баданини титроқ босиб, мўлтиллаган кўзлари билан одамларга боққанича, оҳунинг уч кунлик боласи ётарди.

Овчи юзига фотиҳа тортиб, шеригига ишора қилди. Шериги ўрнидан туриб, қўлидаги халтачани ерга ағдарди-да, чаққонлик билан судралиб қочаётган илонни маҳкам ушлади.

Нафаси бўғилган илон оғзини очди.

— Мана бу ерини, — деди овчи, бармоқлари билан кийикчанинг бўйнидаги қон томирини маҳкам сиқиб ушларкан. — Қани, тишлат!

Ҳали ҳаёт нималигини тушуниб етмаган бўлса-да, уч кунлик оху боласининг кўзларидан ёш оқарди. Илоннинг катта очилган оғзини унинг бўйнига рўбарў қилишиб, мажбуран тишлатдилар. Илон заҳарини солди.

— Ҳозир Шаҳзодам, ҳозир. — деди вазир Маҳмудни елпиркан. — Яна бир оз сабр қилинг.

Шаҳзода Маҳмуд борган сари ҳолсизланар, гўё бир нарса бўғаётгандек «Яна, яна, бу охиргиси, тўққизинчиси» — дея, жонсиз қўллари билан томоқларини сийпаларди.

Ташқарида, илоннинг кучли заҳаридан митти оёқчаларини осмонга кўтарганича, охунинг уч кунлик боласи жон талвасасида типирчилаб ётарди.

— Бўлди, ҳозир ўлади. — деди илон тутувчи халтачасини боғларкан. — Бунинг заҳари, кийикчанигина эмас, буқаниям ўлдиради!

— Шошилманг, — деди табиб, оху кўзларидан нигоҳини узмай. — Ҳали, бир оз вақт бор.

— Дасткаллани олиб кел. — деди овчи пичоғини қайраркан.

Аста-секин кучайиб бораётган тоғ шамолидан, гўё бир нарсадан ҳадиксираётгандек, бутун ўрмон чайқаларди.

Овчининг укаси дарахтга санчилган дасткаллани оларкан, олис-олис пастликдан қуюндек учиб келаётган отлиқни кўрди.

— Вақт бўлди, бошла! — деди табиб.


Овчи энгашиб кийикчанинг кўзлари аралаш тумшуғидан ушлади-да, « Оллоҳу Акбар » деб, бўғзига пичоқ тортди.

— Тезроқ. Қони кетмасин! — буюрди Табиб.

Овчи пичоқ тиғи билан кийикчанинг кўкрак терисини қорнигача тилди. Сўнг укаси келтирган дасткаллани олди-да, уни баланд кўтариб, жониворнинг кўкрагига урди.

Табиб қўлидаги қутичани ёпиб қўйнига солди. Овчи бақувват қўллари билан дасткалла зарбидан ёрилган кийикчанинг кўкрагини икки томонга ажратди. Ҳамон диркиллаб турган митти юракчани суғуриб олдида, табиб тутиб турган олтин товоққа солди. Табиб бир қўлида пичоқ, бир қўлида олтин товоқдаги юракчани кўтариб ўтов томон шошиб кетди.

— Танасини кўмиб ташла! — деди овчи, укасига қараб.



Шаҳзода Маҳмуд табиб узатган лойқасимон малҳамни олиб, оғзига солди ва ял-ял товланаётган олтин товоқдаги оху юрагидан кўзларини узмай, ютина бошлади.

Ўрмон узра от чоптириб келаётган сарой хабарчиси ўтовга яқин туришган сарбозлар олдида тўхтади.

Табиб, қўлидаги товоқни Шаҳзодага тутди. Маҳмуд жонсизликдан қалтираган қўллари билан қизил қонга буланган юракчани икки чеккасидан ушлаб бир оз юқорига кўтарди. Пичоқнинг ўткир тиги юракни ўртасидан кесди. Ундан оқаётган қон томчиларидан олтин товоқ алвон ранга бўялди. Шаҳзода Маҳмуд, титраган қўллари билан юракчани кўтариб, лабларига босди. Бежо кўзларини юмиб, қонни смирди...

— Ана бўлди, — деди Табиб енгил тортиб. — Оллоҳга шукр, мен ўз вазифамни бажариб бўлишимга ҳам атиги уч йил қолди.

— Эрта тонгда, — деди Вазир, шаҳзодадан кўзларини узмай. — Юртингиз томон, карвон йўлга чиқади.

Шаҳзода, қони сўрилган юракни товоққа ташларкан, бежо кўзларида яна ҳаёт учқунлари мавж ура бошлади: Аста-секин оқарган юзлари қизариб, қонга буланган лабларида табассум пайдо бўлди.

Табиб вазир томонга хиёл эгилиб:

— Фақат сиздан сўнги ўтинчим ва табобат йўлида, бир талабим бор — дея гап бошлади.

— Эшитаман, — деди вазир.

— Шаҳзода саройга қайтгач, — давом этди табиб. — Сўнги, ўнинчи муолажани ўтказмагунимизча, «қон» сўзини эшитмаслиги керак!

Шу пайт ташқаридан, “ Орқангга қайт!”, “ Киришга рухсат йўқ!” деган овозлар эшитилди.

Қон ва илоннинг заҳаридан қора терга ботган Шаҳзода Маҳмуд, оҳиста кўзларини очди.

Шиддат билан кириб келган чопар, шоҳзоданинг қаршисида тиз чўкиб деди:

— Шаҳзодам, бир қошиқ қонимдан кечинг.

— Қонимдан?! — сўради Маҳмуд, қонга буланган лабларини артаркан. Сўнг бирдан кулиб юборди. — Йигирма етти йилдан бери қонга тўйганман. Сўйла, кечдим!

Шаҳзоданинг ҳаракатларини кузатиб ўтирган вазир, ҳайратомуз ўтирган чопарга қарайди.

— Эшитаман! — деди Маҳмуд кулгидан тўхтаб. — Қулоғим сенда.

Чопар ўрнидан туриб, ёш қалқий бошлаган нигоҳини шаҳзода Маҳмудга қалади.



— Шаҳзодам, ҳозиргина — деди энтикиб. — Оллоҳнинг ердаги сояси, падари бузрукворингиз оламдан ўтдилар.

Орага жимлик чўкди.

— Йўқ, йўқ, — шивирлади Маҳмуд, кўзларидан ёш оқаркан. — Ота, ота-жо-ним-м.

Шаҳзоданинг газабидан кўрққан чопар, қўлларини кўксига қўйганича орқага чекинди. Уввос солиб йиғлаётган шаҳзода Маҳмуд бирдан телбаларча бақриб кула бошлади. Вазир ялт этиб, табибга қаради. Табиб унга жавобан бошини қимирлатиб, кўзларини юмди. Шу пайт Маҳмудни, гўё биров бўғаетгандек нафаси хириллаб, ўкирганича ташқарига отилди.

Вазир билан табиб, юзларига фотиҳа тортишди.

Шаҳзода Маҳмуд қулочларини кериб оғир-оғир нафас оларкан, аламидан бетўхтов кулар, заминга боққан қонталаш кўзларидан эса дувиллаб ёш оқарди.

Кучли шамолдан ўрмондаги дарахтлар, гўё янги Султонни олқишлашаётгандек, эгилиб-эгилиб чайқалишарди.

\* \* \*

Биби Салиманинг ҳовлиси. Саданинг қалин шохлари ёзнинг майин шаббодасидан чайқалар, ундаги қушлар бир маромда чуғурлашарди.

Айвонга солинган дастурхон атрофида Биби Салима болалари Бобораҳим ва Хайринисолар билан гаплашиб ўтирибди.

— Вой-бў, гапни гапга қўшишмайди-я, — деди Хайринисо, жаҳл билан дарахтга кесак отаркан. — Кишт-а уйинг куйгурлар, кишт!

Сададаги қушлар, гур-р этиб, учиб кетдилар.

— Сўнг отанг бандалик қилиб, азадор бўлдик, — гапини давом эттирди Салима, қўлидаги тасбеҳни ўгираркан. — Хайитлари ўтиши билан сизларни қовуштириб қўймоқчи эдим болам.

Гўё бир мудҳиш воқеани олдиндан сезаётгандек, юраги алланечук бўлган Бобораҳим, онасига боққанича жим ўтирарди.

— Тақдир шунақа экан, болам, иложимиз қанча?

— Нима бўлди ўзи, мундоқ, тушинтириб гапирсанг-чи, она? — деди Машраб куюниб. — Ахир, ёш бола эмасман-ку!

Кўзларида ёш қалқиган Хайринисо айвон устунига суянганича, акасини кузатарди.

— Хуллас отаси, — деди Салима энтикиб, кўз ёшларини артаркан. — Офоқхўжа деган кимсага, «назир» қилиб юборган ўғлим.

— Ё алҳазар! — Машраб ўрнидан ирғиб турди. — Ахир Холбибига бўлган ўша булоқ сувидек мусоффо муҳаббатимни отаси ҳам биларди-ку!

— Хафа бўлманг акажон, — деди Ҳайринисо акасини кучаркан. — Мен биламан, бари бир Хол опам сизни яхши кўрадилар.

Қизининг гапларидан бир оз чўчиган Салима ўрнидан туриб фарзандининг ёнига келди.

— Куйинма ўғлим, бўлар иш бўлди. Узилган гул ўрнига келмас. Тақдирнинг шум ҳазилидан ўзини йўқотган Машрабнинг кўзларида ёш қалқиди. Секин онаизори олдида тиз чўкди.

— Ижозат бер, онажон. Узилиб хазон бўлаётган ўшал Гулрухсоримни қайтариб келай.

— Йўқ, йўқ! — деди Салима ўғлини бағрига босиб. — Энди ҳеч қаёққа юбормайман! Ҳеч қаёққа!!!

— Онажон, — деди Машраб, кўзларидан қайноқ ёш оқаркан. — Сендан ўтиниб сўрайман, ижозат бер, йўқса, қалбимнинг осуда ерларидан уммондек отилиб чиқаётган муҳаббатим, жигардийдангни куйдириб кул қилажак. Ижозат эт, волидам!

Бобораҳим, онасининг кўксига бошини қўйганича, уввос солиб йиғлай бошлади.

— Агар бахтим қуши, Холбибимни қайтара олмасам, — деди ниҳоят бироз ўзига келиб. — Тақдиримга тан бериб, бу ёруғ дунёдан ёлғиз Яратганга бўлган муҳаббатимни куйлаб ўтаман.

Онаизор, жигаргўшасини ўрнидан тургазиб, пешонасидан ўпди. Сўнг, меҳр тўла кўзлари билан бироз қараб турди-да, бир сўз демасдан ичкарига кириб кетди.

Бу ҳолатни тушунган Ҳайринисо бирдан акасининг этагига ёпишди.

— Кетманг, акажон. Бизни ташлаб кетманг!

Кўзларидан ёш оқаётган Машраб аянчли бир табассум билан синглисига боқди. Қизчанин кўзларидан оқаётган ёшларини артаркан, деди:

— Сингилжоним, онамни сенга, сени Оллоҳга топширдим.

Муҳаббат ўтида куюб, бирёна йиғларман,  
Висолингни тилаб, эй нозанин, жонона йиғларман.

Умидим бодаи лаъли лабингдин жоми май ичсам,  
Фигону нола айлаб бар дари майхона йиғларман.

Сияҳ зулфинг менга зуннор, ўлдим кофари ишқинг,  
Бўлуб расвои олам сокини бутхона йиғларман.

Гаҳи булбул дар афғонман, гаҳи чун қумри нолонман,  
Гаҳи чўғзи паришонман, ватан вайрона йиғларман.

Аё, лайливашим, бир ғамзаю нозинг била ўлтур,  
Фироқинг даштида Мажнун ила ҳамхона йиғларман.

На ҳожат манга дашту тоғ аросида ватан қилмоқ,  
Агар бу йўлда бўлса жазбаи девона йиғларман.

Қаландарсифат кийинган Машраб тоғу тошлардан чўлу тошлоқ-  
лардан, қумлик-саҳролардан, ўтиб бораркан, ниҳоят олис олисда  
шаҳар намоён бўлди.

Илоҳи баҳри жонимга гуҳар найсонини ёғдур,  
Тилаб қўнглум садаф янглиғ якдона йиғларман.

Жамолинг портови оламга тушти, барча ўртанди,  
Куюб Машраб мисоли ул пари-парвона йиғларман.

Шаҳар. Оқшом. Чойхона ичига ярим доира қилиб қўйилган сўри-  
ларда ўтирган, бўш жойларда тик турган ёшу қариларнинг нигоҳи  
ўртада Бобораҳим Машрабнинг шеърларини ўқиётган маддоҳга қадал-  
ган.

Берилиб шеър тинглаётганлар аҳён-аҳён «яшавор» деб қўйишарди.  
Бир чеккада ўтирган Машраб чойхоначи болага ниманидир ту-  
шунтириб, қўлига мактуб тутқазди.

Ниҳоят Маддоҳ шеърини тугатди. Завққа тўлган одамлар Маддоҳ-  
ни олқишлашиб, тасаннолар айтишди. Қора терга ботган Маддоҳ  
қўлларини кўтариб:

— Шоир Машраб омон бўлсин! — деди.

— Омон бўлсин! — Қичқаришди одамлар.

— Ишқ бобидан сўйла, Маддоҳ! — деди кимдир.

Бобораҳим ўрнидан туриб Маддоҳга мурожаат қилди:

— Санъатинга тасанно, биродар. Лекин сен, «Хонумон бўлиб жафо  
чексанг», деб ўқиган охирги байтни шоир:

«Узоқ эрмиш ўшал зебо санамнинг қасри, эй Машраб,  
Агар юз йил жадал қилсанг, у манзилга етиб бўлмас» —

деб куйлаган эди.

Бу ҳолни кутмаган одамлар, қаршиларида турган девонасифат кимсага ҳайратомуз қарадилар.

— Хўш, — деди Маддоҳ киноя билан Машрабга бошдан-оёқ разм соларкан. — Сен ким бўлдингки, шоир ундоқ деган, шоир бундоқ деган, деб даъво қиласан?!

Одамлар орасида ғала-ғовур бошланди. Маддоҳ ишора билан уларни тинчлантирди. — Агар шу қадар билагон бўлсанг, — деди заҳархандалик билан.

— Ўқи, эшитамиз, хато қилсанг ҳам майли, эшитаверамиз!

Чойхонага йиғилган барча шинавандалар гуррос кулиб юбордилар.

Бобраҳим Машраб бошини хиёл кўтариб, одамларга қаради. Сўнг туркий қироъат ила шеър бошлади:

На ҳолатдур, аё дўстлар, ажаб ҳайрона Машрабман  
Кўролмай гульзоримни, басе, гирёна Машрабман.  
Қаландарваш бўлуб доим эшикларда фиғон айлаб,  
Халойиққа бу оламда, басе, афсона Машрабман.

Аста-секин одамлар ғовури тинди. Маддоҳ ўзини елпишдан тўхтади.

Назокатлик нигоримдин ўшал соат жудо бўлдум,  
Куйиб ҳажринг билан ёниб, мудом девона Машрабман.

Ман ул барно билан дардим эшитиб йиғлашай, дедим.  
Кўрай деб ул вафодорим, билинг жўёна Машрабман.

Фалакнинг жабридин юрмак аламдур кўксима дилбар,  
Тараҳҳум айлабон кўргил жароҳатхона Машрабман.

Машраб шеърни шу қадар жозибадор қилиб ўқирдики, гўё афсун ила одамларни сеҳрлаётгандек туюлар, одамлар ҳайратдан ёқаларини тутардилар.

Саҳар вақти очилгон ул қизил гул ўхшамиш ёрим,  
Хазон бўлгай чу ҳусн ичраки мотамхона Машрабман.

Висолини тилаб қилсанг огоҳ бўлгилки, эй Машраб.  
Кеча-кундуз қарор олмай ажаб афғона Машрабман.

Ниҳоят шеър тугаб, орага жимлик чўкди. Бир-бир босиб келган Маддоҳ Машрабнинг олдида тиз чўкди-да, унинг этагини ўпди.

Сўнг ўрнидан туриб эсанкираган оломонга қараб деди:

— Шоҳ Машраб омон бўлсин!

— Омон бўлсин! — Қичқирди одамлар Машраб томон интилишаркан.

Сўз санъатининг қудратидан завққа тўлган беш-олти йигит Машрабни елкаларига кўтардилар. Халқ шоирни олқишларди.

— Яна ўқи! Эшитамиз!

— Илоҳиятдан ўқи!

— Ишқ, муҳаббатдан сўйла!!!

— Ерга қўйинглар, — деди Маддоҳ.

Ниҳоят пастга тушган Шоҳ Машраб халққа қуллуқ қилиб, атрофдагиларга боқаркан, бирдан унинг кўзлари... йигитлар орасидан сиқилиб ўтган, чойхоначи болага тушди. Болакай, бажардим дегандек бошини қимирлатди.

Кўзларида севинч ва изтироб ёшлари қалқий бошлаган Шоҳ Машраб вужудини титратиб келаётган ғайриоддий бир ҳолатда шеър бошлади.

Ишқ водийсидан бир кеча мен ҳай-ҳалаб ўттум,  
Зухҳод элини мамлакатини ман талаб ўттум.

Олдим фашу мисвокни девоналиғ айлаб,  
Парвона сифат жоними ўтқа қалаб ўттум...

Офоқни бир лаҳзада кездим на ажабдур,  
Мино тоғидин акка сифат ҳақкалаб ўттум.

Бутун вужудлари қулоққа айланиб, шеър тинглаётган одамлар ҳам, заминдаги милтиллаган сон-саноқсиз юлдузлар ҳам сукут сақлашарди.

Дунё ясаниб, бир кун кула келди,  
“Турғил нари” деб, кетиға бир шатталаб ўттум.

Ана, шамчироқ шуъласида мактуб ўқиётган Холбиби, унинг севинч ва муҳаббат жўш урган қуралай кўзлари...

Билдимки ман ани душмани маккор эканин,  
“Ло” тирноғи бирла юзини тирмалаб ўттум.

Мардони худо дедики: дунё майи аччиғ,  
Қандоғ эконин билмак учун бир ялаб ўттум.

Машрабнинг кўзларидан ёш оқаркан, юрагининг қаъридан отилиб чиқаётган ушбу сатрларни гўё унинг кулоқларига илоҳий бир куч шипшитаётгандек туюларди.

Нафс кофири бирга туну кун қилдим урушни,  
Танҳо қиличи бирла юзини тирмалаб ўттум.

Хомуш бичоқини ани бўйнига қўйдим,  
Жуъ найзаси бирла кўзига найзалаб ўттум.

Ана, тонг отишидан далолат бериб, ёришаётган шафақ. Олисолис заминда милтираётган “Висол” юлдузи. Гўшанганинг оҳиста тебранаётган, дарпардалари.

Девонаи Машраб бу сўзунг дардга даводур,  
Ошиқ элининг кўнглига бир ўт қалаб ўттум.

Офоқхўжанинг ҳовлиси. Эрта тонг. Олисдан бомдод намозига чорловчи азон эшитилмоқда.

Кошонанинг йўлагидан, канизларни бир-бир ўйғотиб келаётган оқсоч аёл қия очиқ турган эшик олдида тўхтади.

— Холбиби. Тур, намоз пайти яқинлашиб қолди, — секин чақирди оқсоч аёл. — Уйқуям бор бўлсин-да.

Ичкаридан жавоб бўлмади. Оқсоч эшикни очиб ичкарига кираркан, бирдан тўхтади. Бақириб юборишдан қўрқиб ёқасини тишлаганича, тезда ташқарига чиқиб кетди.


Хонада, тонг шабодасидан оҳиста чайқалаётган дарпардалар ортида гўё бири Тоҳир, бири Зухро бўлиб, Машраб билан Холбиби ётишарди.. Бир ёстиққа қўйилган ошиқ-маъшуқларнинг бошлари бири-биридан узоқроқ ётган вужуди ечилмаган уст-бошлари-ю, ораларига қўйилган пар ёстиққа қараркансан, уларнинг соф муҳаббатига иймон келтирасан.

Ноз уйқуда ётган Холбиби оҳиста тўлғонди-ю, роҳат қилиб керишди. Нозик қўлларини қўйлаги остида диркиллаб турган сийналарига қўйди. Сўнг шаҳло кўзларини очиб, маъшуқига қаради.

Дунёнинг барча ишларидан беҳабар, орзуларининг ушалганига шукроналар айтаётгандек, юзларида майин табассум қотган Бобораҳим Машраб ғафлат уйқусида ётарди.

Холбиби, унга бошдан-оёқ разм соларкан, бирдан кўзлари ланг очик турган эшикка тушди.

— Вой ўлмасам, Машраб, туринг!



Холбиби ирғиб ўрнидан туриб, эшик томон интилди ва яқинлашиб келаётган оёқ товушларидан даҳшатга тушиб, эшик орқасига беркинди.

Хонага важоҳат билан кириб келган хизматкорлар гўшангада ётган Машрабни ерга улоқтиришиб, қўлларидаги таёқлар билан савалай бошлашди.

Даҳшатга тушган Холбибининг бутун вужуди титраб, ёқасини тишлаганича қотиб қолди. Хизматкорлар Машрабни аёвсиз, ваҳшийларча калтаклашарди.

Ташқарида эса, газабдан бўзариб, кўзларига қон қуйилган Офоқхўжа, бир неча уламо ва хизматкорлари билан эшикка қараганича жим туришарди.

Ниҳоят хизматкорлар калтаклар зарбидан ўлар ҳолатга келган Бобораҳим Машрабни судрашиб, хожалари олдига келишди. Бошлари куйи эгилган уламолар зимдан Офоқхўжани кузатишар, ҳовлида совуқ бир вазият ҳукм сурарди. Газабдан қон қуйилган кўзлари тобора қисилиб бораётган Офоқхўжа эшон бир-бир босиб келди-да, Машрабнинг қаршисида тўхтади. Калтаклар зарбидан ҳолсизланган Машраб бошини аранг кўтариб, Эшонга қаради.

— Ярамас! — Офоқхўжа унинг қон оқаётган юзига тарсаки тортиди. — Мен сени ўлимга маҳкум этаман. Токи бировнинг маҳрамига кўз олайтирмоқ, унга чанг солмоқнинг оқибати вой эканини сенга ўхшаган беномуслар билиб кўйишсин!

Хизматкорлар қўрқа-писа хожаларига қарашди.

— Бу нобакорни, — деди Офоқхўжа хизматкорларига қараб, — отларнинг думига боғлаб, этлари суягидан ажралгунча тоғу тошларда судранглар! Токи, бу...

— Йўқ! — Қичқирди Холбиби, югуриб келаркан. — Йўқ, хожам, ундай қилманг. Сиздан ўтинаман, раҳм қилинг.

Офоқхўжанинг оёқларига йиқилиб, йиғлай бошлади.

— Бобораҳим сизга нисбатан ҳиёнат қилган эмас. Хожам, гапларимга ишонинг, мен ҳам, онт ичаман, олдингизда покман.

Машрабнинг жонсиз кўзларидан ёш оқаркан, гапиришга мадори бўлмаса-да, қонталаш лаблари алланималар деб шивирларди. Баъзи хизматкорларнинг юраклари увишиб, кўзларида ёш қалқиди.

— Хожам, бугундан эътиборан, — деди Холбиби жовдираган кўзлари билан илтижо қилиб, — бир умр қулингиз бўлай. Ҳамма айтганларингизни, ишонинг, сўзсиз бажараман, фақат уни ўлдирманг. Ёш жонига раҳм қилинг.

Орага сукунат чўкди. Оқсоч аёл хожасининг қулоғига нимадир деб шивирлади. Холбиби, мусаффо кўзлари билан Офоқхўжага ти-



килганича, унсиз йиғларди. Кўзларида ёш қалқиган уламо, енгил уф тортиб кўз ёшини артди.

Холбиби ва Оқсоч аёлнинг гапларидан бир оз юмшаган Офоқхўжанинг бўзарган юзларига қон югурди.

— Сўзларингга ишонган ҳолда, — деди Офоқхўжа, Холбибига маъноли боқаркан, —бу бетавфиқнинг қонидан кечдим.

Хизматкорлар енгил хўрсиниб, бир-бирларига бош қимирлатишди. Холбиби қайрилиб, сўнгги бор жонсиз кўзларини унга тикиб турган Бобораҳимга қаради-да:

— Алвидо, Шоҳ Машраб — деди.

Оқсоч ёл хожасининг ишораси билан Холбибининг қўлидан ушлаб ичкарига бошлади. Машраб Холбибининг кетидан кузатиб қоларкан, қақраган лаблари шивирлади:

— Алвидо, севгилим.

Машрабнинг сўзларидан ўта таъсирланган Офоқхўжа, яна ғазаб отига минди.

— Тўғри, Худо шоҳид, сенинг қонингдан кечганим рост! — деди нафрат билан, кўзлари қинидан чиққудек бўлиб. — Лекин жазолашдан эмас!!! Мен сенга, шундай бир жазо берайки, то кўзларинг юмилиб, ёруғ дунёдан ўтгунингча, токи лаҳад узра чўзилиб, қаро ер қаърига киргунингча аёл зотига ташна қалбинг фарёд ила ёниб, юрак-бағринг тилка-пора бўлсин!!!

Уламо ва хизматкорлар ҳайратдан ёқа ушладилар.

— Олиб боринг! — буюрди Офоқхўжа хизматкорларига қараб. — Темирни то эригунча қиздириб, олатининг остига босинглар!

Хожасининг ҳайбатидан қўрқиб кетган хизматкорлар, итоаткорона қуллуқ қилишиб, Машрабни судраганларича, ташқари ҳовлига ўтиб кетдилар.

Ўта ноёб жазони кашф этганидан мағрурланган Офоқхўжа, бошларини эгиб маънос туришган уламоларга қараб деди:

— Қани юринглар, “Шоҳ Машраб”нинг “Девона Машраб”га айланишининг гувоҳи бўласизлар!

Ҳовлида турганларнинг барчаси Офоқхўжага эргашиди.

Ташқари ҳовлида қўл-оёқлари аробанинг тўрт томонига тортиб боғланган Машраб ётарди. Ниҳоят аробанинг шотилари осмонга кўтарилди.

— Оллоҳу Акбар! — Офоқхўжа юзига фотиҳа тортди.

Хизматкор, қизаргандан-қизарган темирни келтириб аробанинг шотилари билан осмону фалакка кўтарилган Шоҳ Машрабнинг оёқлари орасига босди.

Баъзи уламолар юзларини яширдилар.

Шоҳ Машраб оҳ уриб, шу қадар чинқирдики, бу фарёддан еру-замин титради. Қулоқлар қоматга келиб, ёруғ дунёни зулмат қоплади.

Менинг рози дилу зорим фаровондур, битиб бўлмас,  
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб бўлмас.

Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас,  
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.

Кошонанинг йўлаги. Кўзлари қувончдан чақнаган Офоқхўжа эшон бир-бир босиб келди-да, Холбибининг хонаси олдида тўхтади. Йўлакнинг бир чеккасида турган Оқсоч аёл кираверинг, деган ишорани қилди.

Юзларига қон югурган Офоқхўжа, ўзини роз тутиб ичкарига қаради. Бирдан унинг ранги оқариб, чақнаган кўзлари даҳшатдан қотди. Не кўз билан кўрсинки. Дарпардага осилган Холбибининг жасади, гўшанга узра бир маромда тебранарди.

Кўзум тушти юзига термулиб ҳайрон бўлуб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб шамси анварни тутуб бўлмас.

Ҳаданги тири мужгонинг тегиб сийнамга жо бўлди,  
Кўнгул захмин очиб бедардларга кўрсатиб бўлмас.

Борлиқни зиёга тўлдириб кўтарилаётган куюш.

Осмонда учиб юрган қушлар. Чўллар узра югураётган оҳулар. Ва ниҳоят қўлидаги узун таёққа таяниб, қумлик-саҳро бўйлаб бораётган девона Машраб.

Ўшандоғ Мустафони ушбу оламдин фано этди,  
Худого бу сабабдин, эй биродар, баҳс этиб бўлмас.

Узоқ эрмиш ўшал зебо санамни қасри, эй Машраб,  
Агар юз йил жадал қилсанг, у манзилга етиб бўлмас.

\* \* \*

Тоғ ёнбағри. Кундуз. Мусаффо осмон узра паға-паға бўлиб сузаётган булутларга қараркансан, осмонўпар тоғлар гўё заминга интилишаётгандек.

Қорли чўққилардан бошланиб, илонизи бўлиб кетган ката сойнинг зилол сувлари қаёққадири ошиқади.

Баланд қояда ўтирган Кўфанса<sup>1</sup> нимадандир безовталаниб атрофга боқади.

Сой бўйида ўтирган Девона Машраб, кўлидаги гиёҳларни сувга чайқаб, ўрнидан турди. Йиқилиб кетмаслик учун ҳассасига таяниб атрофга қаради.

Нақадар гўзал, жаннатсимон бу она замин. Тоғ ёнбағрини қоплаган кўм-кўк майсалар, якка-якка ўсган дарахтлар сукут сақлашарди.

Девона Машраб секин-секин юриб, гулхан ёнига келди. Кўлидаги гиёҳларни майдалаб, қайнаётган қумғонга солди-да, бир оз қайнатиб оловдан олди. Ўтириб, белбоғини ерга ёзди ва ҳуржунидан бир бурда қотган нон чиқариб, дастурхонга қўйди. Сўнг кўлига чўп олиб, қумғондаги гиёҳларни аралаштираркан, “Оллоҳ, ўзингга шукр” деди. Шу пайт қаердандир “Ассалому алайкум вараҳматуллоҳу вабаракотуху” деган ёқимли овоз эшитилди.

Девона Машраб бошини хиёл кўтариб, овоз келган томонга қаради. Ундан тўрт қадамча нарида, бошига оппоқ салла ўраган, келишган нуруний бир Чол турарди.

— Ваалайкум ассалом вараҳматуллоҳу вабаракотух. — Алик олди Машраб ўрнидан кўзголаркан. — Келинг отахон, келинг.

— Безовта бўлма ўғлим ўтиравер, — деди Оқсоқол.

Нимадандир чўчиган осмондаги Кўфанса бир депсинди-ю, бақувват қанотларини қоқиб, янада баландроқ кўтарила бошлади. Оғриқнинг зўридан эсанкираган Девона Машраб бир оз ўзига келиб, кўзларини очди. Дастурхондаги нон бурдасини олиб, Оқсоқолнинг олдига қўяркан, деди:

— Қани, бу сизнинг насибангиз экан, отахон. Бир оз қотган бўлса-да, жудаям мазали. Мен ҳозиргина тановул қилгандим, олинг.

— Мен ҳам яқинда овқатланганман, бўтам, — деди Мўйсафид Машрабга маъноли боқаркан. — Ўғлим, нега ҳолинг паришон кўринадиди?

Девона Машраб индамай кўзларини юмди. Сукут.

— Инсонлардан бу қадар узоқ, тоғу тошларда юришингнинг боиси нима?

— Қалби қашшоқ инсонлардан нафратланаман, — деди Машраб ёш қалқиган кўзларини очаркан. — Гарчи уларнинг жабридан чеккан оху-фарёдидим Аюб алайҳиссаломнинг тортган азоблари олдида “Бир ари чаққанча бўлмас”! Ахир уларни ҳам одам туққан-ку. Барчаси беш вақт намоз ўқиб, Оллоҳга сажда қиладилар-ку!

— Бўтам, — деди Оқсоқол, Машрабнинг елкасига қўлини қўяркан, — Инсон қиёфасида масжидга кирган ҳар кимсаям одам бўлавермайди.

— Мен шундай инсонларнинг хақиқий башараларини кўрмоқчиман.

— Иншооллоҳ, кўрасан, — деди Оқсоқол заминга боқаркан.

Осмондаги Кўфанса қанотларини ёйганича, бир маромда парвоз қиларди.

— Айбга буюрмайсиз, отахон, — деди Машраб ҳайрон бўлиб. — Гапингизга тушунмадим.

— Айт-чи, ўғлим, — сўради мўйсафид сирли жилмаяркан. — Масжидга борганингда қайси қаторда туриб намоз ўқийсан?

— Биринчи сафда, — жавоб берди Машраб. — Тўғри, баъзида кечроқ қолсам, ўшандаям иккинчи ёки учинчи қаторга улгураман.

— Насиб этиб, Оллоҳнинг уйига борсанг, — деди Оқсоқол, Машрабдан нигоҳини узмай. — намозни охириги сафда туриб ўқигин. Жамоат билан фотиҳага қўл кўтарганингда эса бармоқларинг орасидан ўтирганларга қара.

Девона Машрабнинг юраги алланечук бўлиб, Оқсоқолга қаради.

— Қани энди, қўлларингни оч, ўғлим.

Машраб ҳайрон бўлиб, қўлларини фотиҳага очдию, елкасида пайдо бўлган кучли оғриқдан инграниб, бир зумга кўзларини юмди.

— Илоҳо, Омин! — деди Оқсоқол, нигоҳини заминга тикиб. — Бошингни тошдан қилиб, ризқ-рўзингга барокат ато этсин, Оллоҳу Акбар!

Ҳизр алайҳисалом, шундай дуолар билан юзларига фотиҳа тортдилар-да, кўздан гойиб бўлдилар.

Фотиҳадан сўнг кўзларини очган Девона Машраб, ҳайрон бўлиб атрофга қаради.

Енгил эсан сой шаббодасидан оҳиста чайқалаётган қўм-қўк майсалар, аҳён-аҳён ўсган дарахтлардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

Хаёли паришон бўлган Девона Машраб бироз ўтирди, пиёлага қуйилганича қолган чойни симириб ичди. Сўнг пиёлани ерга қўйиб, қотган нон бурдасини олди-да, меҳр билан ўпиб кўзларига суртди, мириқиб-мириқиб ҳидлади.

— Эрта кунимга ярарсан, — деб олиб қўйиш ниятида хуржунига қўл чўзаркан, ҳайратдан донг қотди. Не кўз билан кўрсинки, хуржунининг кўзлари, бўрсилдоқ нонларга тўла эди.

— Во дариг!

Девона Машраб ирғиб ўрнидан турди-да, уч-тўрт қадам юрдию, таққа тўхтади. Унинг оёқ-қўллари мутлақо оғриқ сезмасди. Хурсандлигидан бор овози билан бақриб, гир-гир айланди. Ниҳоят у қўллари осмонга кўтариб, қичқира бошлади:

— Эй Оллоҳим, ўзингга шукр.

Кўкка бўй чўзган азим тоғлар акс-садо берарди. “Ўзингга шукр.”

— Берган ризқ-рўзинг, ноз-неъмаларингга шукр.

“Неъ-матларинг-га шукр-р”.

Тоғларнинг акс садоларидан чўчиган Кўфанса қанот қоқиб қорли чўққилар томон учиб кетди.

Сой ёқалаб сўқмоқ йўлдан шаҳдам қадамлар ташлаб Девона Машраб кетарди.

Худонинг шавқида тинмай юриб оввора Машрабман,  
Кўзи ёшлиғ, қади хамлиғ, дили садпора Машрабман.

Кўнгулда заррача дунёни меҳри бўлмайин менда,  
Сени деб икки оламдин кечиб безора Машрабман.

Ўлуб кетсам, лаҳад ичра сўнгакдин кетмагай дардинг,  
Жаҳонда топмадим чора бечора Машрабман.

Анодин қай кунни туғдим, сани ишқингда оҳ урдим,  
Муҳаббат доғида ўртаб, ўзум сайёра Машрабман.

Ҳамма айтур мақоми ҳайрат узра Машраби гумроҳ,  
Мақоми ломакон сайр этгувчи оввора Машрабман.

Пирим Офоқ хожам май бердилар яқбора маст ўлдум,  
Агар дор узра чиқсам Мансури тайёра Машрабман.

Ўшандоғ раҳбарим бир боқтилар корим тамом ўлди,  
Жаҳонни бир нафасда кезгучи сайёра Машрабман.

Муҳаббат жомидин май туттилар ичмасга чорам йўқ,  
Кўзумдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора Машрабман.

Бошимга минг бало келса, тиларман васлин эй зоҳид,  
Бошим кессанг тоёрим йўқ, деган дийдора Машрабман.

Халойиқлар мени қувлар, ёмон деб ҳар шаҳар борсам,  
Ажаб мардум, ажаб маржум, ажаб сангсора Машрабман.

Ўзумни халқ аро расволиғимни ҳеч киши билмас,  
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Машрабман.

Мени девона Машрабға муҳаббатдин баён айланг,  
Намозу рўзадин фориг бўлуб маккора Машрабман.

Эрта тонг. Шаҳар масжиди. Одамлар бомдод намозини ўқишмоқда.  
— Оллоҳу Акбар. — деди имом.

Жамоа қаъдага ўтирди. Намозхонлар бошларини этганларича сукут сақлашарди.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ, — Ўтирганлар имомга эргашиб ўнг тарафга салом бердилар. Сукут.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ, — охирги қаторда ўтирган Машраб, жамоатга эргашиб, чап томонга салом берди. Сўнг қўларини фотиҳага очиб, бармоқлари орасидан ўтирганларга қаради. Сафдаги баъзи инсонлар ўрнида чўчқаю эшаклар, бўрию айиқлар ва аллақандай жирканч махлуқлар ўтиришарди.

— Ё Алҳазар! — Машраб беихтиёр кўзларини юмди. Сукут.

— Илоҳо омин — деди имом. — Оллоҳу Акбар.

Асл ҳолига қайтган одамлар ўрниларидан туришиб, оёқ кийимларини кия бошлашди. Бу ҳолатдан қаттиқ таъсирланган Девона Машраб секин ўрнидан турди. Бошини кўтариб, масжидни тарк этаётган одамларга боқаркан, бирдан унинг кўзлари масжиднинг ўртасида жилмайиб турган, Хизр алайҳиссаломга тушди.

Мурудинга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,  
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Оғиздан дур сочай десанг, шароби ишқ ичай десанг,  
Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Қизариб ботаётган қуёш.

Қумлар устида югураётган калтакесаклар.

Фасод аҳлин қувай десанг, кетига, бир урай десанг,  
Бу даргоҳдан сурат десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Риёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай десанг,  
Жаҳонни сайр этай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Разолат куйдурай десанг, залолат ўлдурай десанг,  
Ҳаммасин супурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Қумли саҳро узра эсаётган шамол. Қўнғироқларини жаранглатиб кетаётган туялар карвони. Уларнинг кетидан бораётган Девона Машраб.

Бу тақводин кечай десанг, хонақоҳдин қочай десанг,  
Хақиқатни очай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Гухаррозлик қилай десанг, ҳаммани кулдирай десанг,  
Чи Машрабдек, бўлай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Шаҳар. Кундуз. Юсуфхўжанинг ҳовлиси. Суннат тўйи бўляпти. Остонадан то катта кўчагача қатор бўлиб қўл қовуштириб турган мезбону хизматкорлар. Ҳовлининг бир томонида созандалар, бир томонида қассоблару ошпазлар тўйнинг нақадар дабдабали эканлигидан далолат бериб турарди.

Ичкарида, ноз-неъматларга бой дастурхон атрофида кайф-сафо қилишиб бойваччалар ўтиришар, соқийнинг қўли-қўлига тегмай, катта кўзадан шароб қуйиб меҳмонларга узатарди.

Бошқа хонада ўтиришган ёшу қари аёллар ҳам эркаклардан қолишмай базми-жамшид қилишарди.

Ташқарида тўйнинг файзи бўлган болалар ҳовлини бошларига кўтаришиб, мусиқа садолари остида завқ билан ўйнаётган ёғоч оёқлик ўспиринни томоша қилишарди. Ҳатто дарвоза олдида турган хизматчилар ҳам бир дам ўз вазифаларини унутишиб, санъаткорлар ўйинини мароқ билан томоша қилишаркан, бир-бир босиб ҳовли томон сурилишарди.

Ўйин авжига чиққан пайтда дарвозада қўлида узун таёқ, эгнида жулдур чопон, елкасида хуржун кўтарган Девона Машраб кириб келди. У қўлларини кўксига қўйиб атрофдагиларга салом берди. Лекин унга ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамади.

— Холмат! — деди тўйбоши ичкаридан чиқиб.

— Лаббай, бой ота.

— Қарамайсанми!? — деди Юсуфхўжа жеркиб. — Қолган-қутган овқатлар билан анави девонанинг қорнини тўйғазиб юбор!

— Хўп бўлади, бой ота.

Девона Машраб тўйбошига қўлиқ қилди. Юсуфхўжанинг энсаси қотиб, индамасдан ичкарига кириб кетди. Ниҳоят, мусиқа тўхтади. Ёғоч оёқда ўйнаган бола ерга тушиб, атрофдагиларга қўлиқ қилди.

— Ҳой, девона бува, қани, бу ёққа келинг-чи, — чақирди Холмат болалар қуршовида турган Машрабга қараб. — Сизни бир тўйғазиб қўяй-чи.

— Узр тақсирлар, узр, — деди Машраб болалар қуршовидан чиқаркан. — Қани, кўрайлик-чи.

— Ҳой, болалар, қочинглар! — деди дарвоза олдида турганлардан бири.

— Боринглар, бирпас кўчада ўйнанглар! — койиди бошқаси. — Ҳой, шилқимлар, сенларга айтаяпман.

Болалар жулдур кийимдаги қаландардан кўзларини узишмай, аста-секин ҳовлидан чиқиб кетишди.

Ичкаридан уч-тўрт меҳмонларни кузатиб Юсуфхўжа чиқади.

— Бу ёққа ўтинг, девона бува, — деди Холмат ўчоқ бошидаги сўрига ишора қилиб. — Мен ҳозир, у бу нарса олиб келаман. Сиз кўлингизни ювиб, ўтириб туринг.

— Хўп, хўп.

Девона Машраб, қўлидаги таёғини сўрига тиради ва елкасидан хуржунини олиб, сўрига тўшалган атлас кўрпачанинг устига қўйди.

— Ие, ҳой, девона бува, — гап бошлади, ичкаридан чиқаётган меҳмонлардан бири. — Ҳа, анави зормандангизни ерга қўяверинг, ичи тўла ёмби бўлсаям. Ҳа-ҳа-ҳа.

— Уни қарая, — қўшилди ҳамроҳи. — Буларни ўзига қўйиб берсанг.

— Э-э, нимасини айтасиз, — аския қилди Юсуфхўжа. — Буларни ўзидан ҳам тўрваси қиммат.

Меҳмонлар, уларга қўшилиб барча хизматчилар ҳам кулиб юборишди.

— Узр, минг бор узр, — деди Машраб ўта мулойимлик билан кўлларини кўксига қўйиб. — Кечирсинлар, биздан беодоблик ўтибди.

— Холмат, — деди Юсуфхўжа, баланд овоз билан куларкан. Овқатини еб бўлгандан кейин, “азиз” тўрвасиниям тўлдириб бергин!

Девона Машраб илтифот билан куллуқ қилди, сўнг таёғи билан тўрвасини кўтариб, ўчоқ томонга юрди.

— Тўшакни қайириб, ўша ерда ўтираверинг, — деди Холмат катта жомдан қолган овқатларни лаганга соларкан. — Мана, овқат олиб борапман.

— Раҳмат, биродар, — деди Машраб, ўчоқ олдидаги шох-шаббаларни четга сураркан. — Бу ҳовлида, мен учун мана шу ерчалик “беминнат” жой топилмаса керак.

Машраб хуржунини ерга қўйиб ёнига ўтирди. Кўлларини артиб, белбоғини олдига ёзди. Катта суякдан илик қоқиб ўтирган баковул ўқрайиб, девонага қаради.

— Мана, девона бува, ризқингиз улуг экан, — деди Холмат қўлидаги лаганни Машрабнинг олдига қўяркан, ҳазил аралаш. — Биласизми, бу таомлар кимлардан қайтган? Сарой уламоларидан!



— Фоятда мамнунман, — деди Машраб, энглари шимараркан. — Бошим осмонга етди. Келинг, сиз ҳам ўтиринг, бирга баҳам кўра-миз.

— Э-э бува-ей, мен хизматдаги одам, оч қолармидим? Сиз бема-лол қорнингизни тўқлайверинг, кейин гаплашамиз.

— Оллоҳ, ўзингга шуқр. Берган ризқ-рўз, ноз-неъматларингга шуқр. Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм.

Машраб иштаҳа билан овқатлана бошлади.

Хотинлар ўтирган хона. Эшитганларидан қаттиқ таъсирланган аёл-лар жимгина ўтиришибди.

— Мана шундақанги гаплар, — деди отинбиби қўлидаги китобни ёпаркан. — Бу ёғини Садбаройдан эшитамиз.

Садбарой ўзига ярашиб турган гажжакларини тўғрилаб, рўмоли-ни тангиб боғлади-да, қўлига доирасини олди.

— Вой иймонсиз-ей! — деди, чайналиб ўтирган Зулфи момо, гўё ўзига-ўзи гапираётгандек бошини сарак-сарак қилиб. — Худоё тавба қилдим, одам ҳам шунақа бўладими-а?

Аёллар ҳайрон бўлишиб кампирга қарашди.

— Кимни айтаяпсиз, момо? — сўради аёллардан бири.

— Кимни бўларди, болам, — жавоб қилди Зулфи момо, атроф-дагиларга қараб. — Чолимни айтаман-да. Шунча йилдан бери у ёғим-дан ўтиб, бу ёғимдан ўтиб, мана шу шеърларни ўзим тўқиганман деса ишониб юрибман-а. Ҳа, яшшамагур-эй!!!

Бир уй аёл гуррос отиб кулиб юборишди. Садбарой, доирасини бир-бир чертиб, Девона Машраб сўзи билан кўшиқ бошлади.. У шу қадар ёқимли, жозибадор овоз соҳибаси эдики, ҳамон содда кам-пирнинг гапларидан кулишаётган аёллар аста-секин жиддийлашиб, кўшиққа маҳлиё бўлганларича, жим қолишди.

Машраб овқатланиб бўлгач қўлларини артаркан, беихтиёр кўшиқ эшитилаётган томонга қаради. Нақадар ёқимли овоз...

— Шу кўшиқчи аёл, — деди ошпаз, қаландарга қараб. — Шоҳ машрабдан куйласа, жонингни эритиб юборади-да.

Машраб юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Хуржунини елка-сига ташлаб, таёғини қўлига оларкан, берилиб кўшиқ тинглаётган одамларга қаради. Шу пайт қалбида пайдо бўлган аллақандай ҳисси-ёт кўкраклари узра юқорига кўтарилиб, ҳиқилдоғига қадалди. У эн-тикиб оғир хўрсинди-да, оҳиста қадамлар билан дарвоза томонга юрди. Одамларни тобора сеҳрлаб бораётган кўшиқ авжига чиқди.

— Ҳой девона, тўхта! — деди меҳмонларини кузатиб келаётган Юсуфхўжа. — Холмат!

— Лаббай, бой ота. Мен шу ердман.

- Сенга нима дегандим, лаънати? Гадонинг тўрваси бўш-ку!
- Ҳозир, бой бува. Мен тезда.
- Узр, тақсир! Мен, — деди Машраб, илтифот билан тўйбошига қараб. — Мен, гадо эмасман!
- Хўш, унда кимсан? — сўради Юсуфхўжа кулги аралаш.
- Машраб бироз ўйланиб турди-да, ҳазиломуз жавоб берди:
- Шоҳларнинг девонаси, гадоларнинг подшосиман тақсир!
- Ҳамма кулиб юборди.
- Шундай бўлса-да, — деди Юсуфхўжа мириқиб куларкан. — Тўрвангизни тўлдириб кетинг, эй “гадоларнинг подшоси”. Бирор ҳафта қоринниг гамини чекмай юрасиз, ха-ха-ха.
- Ғоят миннатдорман, — жавоб берди Машраб қўлларини кўксига қўйиб. — Умрим бино бўлиб, бугунчалик кўп овқат истеъмол қилган эмасдим, тақсир. Ўйлайманки, бугун еган овқатим, иншоллоҳ, ҳафтатарга татийди.
- Тўйбоши мароқ билан кулди.
- Девона Машраб яна бир бор унга таъзим қилди-да, шахдам қадамлар билан тўйхонадан чиқиб кетди.
- Буларни нима қилай, бой ота? — сўради Холмат, тўғрам нон, қанд-қурсларга тўла патнисга ишора қилиб.
- Қўявер, — деди Юсуфхўжа. — Гадо аразласа, тўрвасига зарар.
- Садбарой кўшиқни яқунлади. Барча аёллар Садбаройга минатдорлик билдириб, Шоҳ Машраб шаънига тасаннолар айтишди.
- Эй худойим-ей, — деди содда кампир кўзларини артаркан. — Қанийди, Шоҳ Машрабингни бир кўрсам, ўлсам армоним қолмасди. Кўшиқ таъсиридан хаёлга ботган аёллар бирдан кулиб юборишди.
- Ҳовлига шовқин-сурон кўтаришиб, кўчадан болалар қайтишди.
- Бой бува, деди Холмат, тўйбошининг кетидан келаркан. — Болаларга атаганингизни беринг, бир хурсанд бўлишсин.
- Оббо сен-ей, — деди Юсуфхўжа, белбоғидан ҳамёнини оларкан. — Мана , болаларга чақа ҳам бўлаверади. Лекин эҳтиёт бўл, нақд балога қоласан-а?
- Илҳақ бўлманг, бой ота, ҳаммаси жойида бўлади, — деди Холмат кулиб. Сўнг атрофидаги болаларга мурожат қилди: — Қани, болалар, бу ёққа келинглр-чи. Тезроқ!
- Болалар худди шуни кутиб туришгандек, бир зумда уни ўраб олишди.
- Мана, тилло бўлмасаям, жуда катта пул, — деди Холмат чақани уларга кўрсатиб. — Хўш, бунини нима қиламиз?
- Қулоқчўзма! — жавоб беришди болалар.

—Ҳа, боракалло.

Холмат қўйнидан дастрўмолини чиқарди. Сўнг қўлидаги чақани дастрўмолнинг бир учига ўраб, маҳкам боғлади.

— Хўш, ораларингда чопқир борми?

Болалар индамай бир-бирларига қарадилар.

— Ҳм.. унда ўзим танлайман, — деди Холмат. — Қани, сен, бери кел-чи. Отинг нима?

— Муродилло.

— Яхши, Муродилло, сен чопқир бўласан. Эшитинглар, кимки мана шу танга боғланган дастрўмол билан Муродиллони тутса, танга ўшаники бўлади. Тайёрмисизлар?

— Тайёрмиз, тайёрмиз! — Қичқаришди болалар, хурсанд бўлишиб.

— Хўп келишдик. Мурод, сен ҳов нарироққа бор. Қани бошладик!

Холмат қўлидаги дастрўмолни осмонга иргитди. Ўлжа ҳали ерга тушиб улгурмасданоқ уни тутишга ошиққан болалар қий-чув қилиб, ҳовлини бошларига кўтаришди.

Ниҳоят, болалардан бири қўлида дастрўмолни ушлаганича, даврани ёриб чиқди-да, чопқирни қидира бошлади.

— Қулоқчўзма кетди! — Қичқирди Холмат. — Мана, бу томонда.

Бир-бирлари билан ит-мушук бўлишаётган болалар Холмат кўрсатган ўспиринга ёпишишди.

— Қулоғидан торт! — деди катталардан бири.

Бола қанча уринмасин, барибир кўпчиликдан қочиб амримаҳол эди. У қулоғини чўзмасликлари учун, бошини у ёқдан-бу ёққа олиб қочарди.

Ниҳоят шерикларидан бири унинг қулоғидан тутиб олди-да, бураб чўза бошлади. Қулоғи, ҳар қанча оғрива-да, бола бўш келмас, жон-жаҳди билан қутулишга ҳаракат қиларди.

— Аҳ-ҳа, бўш келмайсан! — Қичқирди Холмат. — Жонинг борми?!

Боланинг иккинчи қулоғидан ҳам чўза бошладилар.

— Қаттиқроқ чўзинглар! — деди кимдир.

Борган сари қизиб бораётган болаларнинг ўйини катталарга ҳам завқ бағишларди.

Оғриққа чидай олмаган бола қўлидаги дастрўмолни орқага улоқтирди. Ўйинга берилиб кетган шериклари зўр бериб унинг қулоқларидан чўзишарди.

— Войдод, вой, қулоғим, вой, ташладим. Ташладим! — қичқирди ўспирин, бўш қўлларини кўрсатиб. — Орқада, орқага ташладим! Ўйинни кузатишаётган катталар қотиб-қотиб қулишарди.

— Ҳе-ҳей, чопқирга ёрдам беринглар! — Қичқирди Муродилло.

— Бу ёққа келинлар, қулоқчўзма кетди. Ана унда.

Болалар чопқир кўрсатган болакайга ёпишдилар.

— Холмат! — чақирди дарвоза олдида турганлардан бири. — Тўйбошини чақир, меҳмон келаяпти!

— Об-бо, — деди Холмат ўйинни кўзи қиймай. — Келса-келавермайдим.

— Ҳой, тезроқ қимирласанг-чи! — Ўшқирди иккинчиси.

Холмат ноилож ичкарига кириб кетди. Болалар бир-бирларининг устларига минишиб, дастрўмолни тортқилашарди.

Шу пайт, бошдан-оёқ шоҳона кийимлар кийган, тагидаги гижинглаб турган тулпор оти ҳам дид билан безатилган Кимса дарвозадан ҳовлига кирди. Хизматкорлар қўл қовуштиришиб, унга пешвоз чиқдилар.

\* \* \*

— Бўлди, бас қилинлар! — деди Холмат, ҳамон талашишаётган болаларга қараб. — Қани, менга беринлар-чи.

Ичкаридан шошилиб чиққан тўйбоши, бир оз ҳайрон бўлиб дарвоза томонга қараганича, ҳовлига тушди.

Хизматкорларнинг ёрдамида отдан тушган Кимса виқор билан атрофдагиларга боқди. Сўнг бир-бир босиб ҳовлининг бир чеккасида, қулоқларини ушлаганича йиглаб ўтирган болакайнинг олдига келди.

Ҳайратдан донг қотган Холмат бир хожасига, бир йиғлаётган болакай олдидаги Кимсага қаради.

— Арзимаган чақа пулни деб йиглаб ўтирибсанми? — деди Кимса, ҳамёнини ковларкан. — Мана ол, бу олтин танга.

Атрофдагилар ҳанг манг бўлиб қолишди. Юсуфхўжанинг кўзлари косасидан чиққудек чақнади.

— Тан жароҳати тезда битиб, унут бўлиб кетади, бўтам. — давом этди Кимса, боланинг бошини силаб. — Илоҳим, ҳеч қачон қалбинг жароҳатланмасин.

— Қадамингизга ҳасанот, тақсир, — деди Юсуфхўжа етти букилиб таъзим қиларкан. — Кулбаи вайронамизга ташриф буюриб, мендек ғарибингизни ғоят шод этдингиз. Қани, ичкарига марҳамат қилсинлар.

Кимса қўлларини кўксига қўйиб илтифот қилаётган Тўйбошига боқаркан, маъносилмайиб унга эргашди. Ҳозиргина йиглаб турган болакай, бир меҳмонхона томон кетаётган кимсага, бир қўлидаги

ял-ял товланаётган олтин тангага қараб жилмаяр, қизариб кетган қулоқларини оҳишта ушлаб қўярди.

— Менга қара, Холмат — деди дарвоза олдида турганлардан бири. — Дастрўмолни ташла, болалар ўйнашсин.

Шоҳона ясатилган тулпорни томоша қилишаётган хизматкорлар баҳсларини тўхтатишиб болалар томонга қарашди. Холмат, қўлидаги дастрўмолни болалар томонга ирғитди-да, ошпаз олдида кетди.

— Хўжайинингнинг илтифотига қараганда, — деди ошпаз, лангани артаркан. — Меҳмон улуғ зотга ўхшайди.

— Ҳа, йигирма йилдан бери шу хонадонда хизмат қиламан, лекин бу кишини биринчи бор кўришим.

— Қани, келинлар, — деди ошпаз хизматчиларга қараб. — Ошни олиб боринлар. Ўйинга берилиб кетган болалар кенг ҳовли узра бақиритиб, бир—бирларини қувлашарди. Чопқир дастрўмол туган боладан, бола эса, кетидан ёпирилиб келаётган кушандаларидан қочарди.

Ичкарида, ўйнинг тўрида ўтирган “Улуғ зот” олдида, катта ланганда ош қўйдилар. Дастурхон атрофида маишат қилиб ўтиришган маст-аласт одамлар, янги келган меҳмон олдида одоб сақлашиб, жим ўтиришарди.

Тўйбоши ош бетига босилган гўшт, қазии-қарталарни тўғраб, ёғлик қўлини сочиққа артди. Юсуфхўжанинг ҳаракатларини зимдан кузатиб ўтирган Меҳмон:

— Оллоҳ, ўзинга шукр, — деб қўйди.

Юсуфхўжа, сочиқни дастурхонга қўйиб, шароб тўла косани Меҳмонга узатди.

— Энди, айбга буюрмайсиз, тақсир, ҳаммамиз ҳам мусулмонмиз, лекин бугун тўй. Шу тантана шарофати билан озгинадан оламиз. Илҳақ бўлмасинлар, бу ерга ҳеч ким кирмайди.

— Тўғри айтдингиз, фақат тилдагина мусулмонмиз холос, — деди Кимса. — Лекин, мусулмончиликнинг энг содда кўрсатмаларига ҳам амал қилмаймиз.

Ўтирганлар Меҳмонга қарашди.

— Мана, ҳозиргина, — давом этди меҳмон. — Бунинг гувоҳи ҳам бўлдик.

— Унда биз билан ичмай қўяқолинг, — пичинг қилди ўтирганлардан бири.

— Мен фақат шаробни назарда тутаётганим йўқ, — деди меҳмон.

— Бўлмаса нимани, тақсир? — сўради Тўйбоши, қўлидаги косани дастурхонга қўяркан.

— Эшитайлик, биз ҳам ўзимизни алҳамдулиллоҳ, мусулмонман, деб биламиз.

— Ҳозиргина сиз, муҳтарам Юсуфхўжа, гўшт тўграган ёғлик қўлингизни яламай сочиққа артдингиз ва хоҳланг-ки, — деди меҳмон, ўтирганларга бир-бир қараб чиқаркан. — Сиз яламай артган бармоқларингизни инсу жинслар ёки шайтони лаъин ялаб кетса. Танангизга зарар етиш эҳтимоли бор.

Меҳмоннинг ўткир нигоҳига дош беролмаган Юсуфхўжа бошини куйи эгди.

Ўтирганлар, ўзаро шивирлашиб тўйбошига қарашди.

— Узр, тақсир, узр. — деди Юсуфхўжа, хижолатдан куларкан. — Секин-секин ўрганамиз-да.

— Қани, ошга қаранглар, — деди кимдир.

— Ҳа-я, қани, олинглар. — деди тўйбоши илтифот билан. — Овқат мулзам бўлмасин, тақсир, сиз бошлаб беринг.

— Ўзларинг бемалол олаверинглар, — деди Меҳмон, Юсуфхўжанинг кўзларига боқаркан. — Менинг қорним тўқ!

Бундай аҳволни кутмаган улфатлар, ҳайрон бўлишиб бир-бирларига қарашди.

— Ҳа, бошлаб беринг меҳмон! — деди ширакайф йигит кесатиб. — Биз билан ўтирганингиз учун, охиратингиз куйиб кетмас.

Бир оз довдираб қолган Юсуфхўжа, гап отган улфатига қаради.

— Тўғри-да, — давом этди йигит. — Ҳурматини қилганингдан кейин, иззатида турсин-да.

— Шундайми? — деди меҳмон, сирли жилмаяркан. — Қани, олинглар бўлмаса!

Орага жимлик тушди.

Меҳмон, ўтирганларга бир-бир қараб чиқди-да, чопонининг енгини узайтириб лагандаги ошга тикди

— Ол, енгим, сен егин. Бу ёғлик паловнинг келишида-ю, каминанинг тўрда ўтиришида ҳам хизматларинг гоят беқийёсдир. Ол, олавер.

— Ё алҳазар. — деди Юсуфхўжа ёқасини ушлаб. — Астаффуруллоҳ!

Ҳайратдан донг қотган улфатлар, гўё, сирли меҳмон мусулмончиликнинг янги қирраларини намойиш этаётгандек, унинг ҳаракатларини кузатишарди.

— Олинглар. Тўйиб-тўйиб еб-ичинглар! — давом этди меҳмон. У гоҳ енгини, гоҳ чопонининг ўнгирини лагандаги овқату косадаги шаробларга тикарди.

— Одамзот қадрини кўкларга кўтарганингиз, мана бу муҳтарам зотларни бир қаландарга таъзим қилдирганингиз учун мукофот бу! Олинглар!!!

— Бас қилинг! — деди ўтирганлардан бири. — Бу таомлар сизга...  
Сенга деб келтирилган, кўрнамак!  
— Ахир уволи тутади-ку! — Қўшилди бошқаси.  
Ўтирганлар орасида гала-говур бошланди.  
— Тўғри-да, ҳе ўргилдим, — деди ширакайф йигит. — Тагин, мусулмонмиш.  
— Сиздек мусулмон бўлгандан кўра тўнғиз қавмида...  
— Нима? — Ўшқирди тўйбоши меҳмоннинг ёқасидан оларкан: — Нима дединг?! Бундай дейишга қандай ҳаддинг сиғди, бетовфиқ. Сен кимсан ўзи!?

— Қўлингизни тортинг!  
Меҳмон Юсуфхўжанинг қўлини силтаб ташлади. Сўнг лагандаги ошни қўлига олди ва ўта мулойимлик билан сўради:  
— Бу таомлар, Оллоҳ таолонинг ўз бандаларига юборган ризқ-рўзи, шундай эмасми?!  
Меҳмоннинг бу гапларидан ноқулай аҳволга тушган тўйбоши кўлларини тортиди.  
— Бундан бир неча фурсат муқаддам, худи мана шу баркашдан, — давом этди Меҳмон ош тўла лаганни юқори кўтариб. — Яратган эгамнинг менга юборган ризқу насибасига тўйиб кетгандим. Булар эса сизнинг ҳазрати инсонга эмас, балки мана шу либосларга қилган илтифотингиз таомидир! Увол бўлмайди булар!

Ҳайратдан донг қотган меҳмонлар бир индамай ўтирган тўйбошига, бир тинмай гапираётган сирли меҳмонга қарашарди.  
— Менинг кимлигимни билмоқчи эдингиз, муҳтарам Юсуфхўжа, шундайми?  
Меҳмон қўйнидан эски бош кийимини чиқарди-да, салласини ечиб, жулдур қалпоғини кийди.  
— Мана кўринг, тақсир. Мен ўша, қозонингиз бошида сарқитларни еб қорнини тўйгазиб кетган, “гадоларнинг подшосиман!!!”  
Юсуфхўжанинг тиллари лол бўлиб, оғзини очганича рўпарасида ўтирган қаландарга боқди. Сукут.  
— Бу илтифот ошингиз эса, ўзингизга буюрсин. Оллоҳу Акбар!  
— деб Девона Машраб юзларига фотиҳа тортдилар.  
Ниҳоят болалар қуршовидаги ўспирин устига ёпирилишиб, уни ерга қулатдилар ва оғиз-бурни, қулоқлари-ю, ҳатто сочларидан чўза бошладилар. Ўйинга ашаддий берилган болакай, бурнидан қон оқаётганига ҳам парво қилмай, бор кучи билан депсениб, қаршилиқ кўрсатарди. Баъзи болалар қўл-оёқларини ушлаганларича аламларидан йиг-

лаб, ерда ётганларни фарқсиз дўппослашарди. Атрофдаги катталар эса, гўё зикр тушишаётгандек, болаларни гижгижлашарди.

— Ё, алҳазар! — деди соқий, эшик томон интилаётган Меҳмонга қараркан. — Ахир бу киши, Шоҳ Машраб-ку!

— Нима дединг? — Юсуфхўжа сакраб ўрнидан турди. — Тўхтанг, тўхтанг, Пи-рим.

Болалар қийқиришиб, яна кимнидир қувлашарди. Катталар, ич-каридан важоҳат билан чиққан кимсани кўришиб, одоб юзасидан қўл қовуштирдилар.

— Отимни келтиринг! — буюрди Кимса.

Хизматкор йигит югуриб кириб отхонадан оқ тулпорни келтирди.

— Ё тавба. — деди Холмат. — Бу ҳалиги девона-ку!

Девона Машраб илкис отларига миндилар.

— Тўхтатинглар! — Қичқирди Юсуфхўжа ташқарига отиларкан. — Кетманг, Пи-рим.

Оқ тулпор, қамчининг зарбидан бир сесканди-ю, олға босиб дарвозадан чиқиб кетди.

Кетти қарору сабру ҳуш, қолмади танда тоқатим,  
Туну кун ила зиёдадур меҳнату дарду офатим.

Оҳ урубон қаён кетай, тоғу тоша бошим урай,  
Бошима минг балоу ғам-кунда турур аломатим.

Далалардан, қумлик саҳролардан, тоғу тошлардан, қишлоғу шаҳар кўчаларидан ўтиб бораётган девона Машраб.

Заррача қолмади юрак, куйдию бўлди ҳам адо,  
Кўздаги ёшу ранги зард — ушбу эрур ҳаловатим.

Ҳожию муфтани йиғиб, омию шайх ҳам мурид,  
Барчасидин юз ўгуруб, ишқи эрур маломатим.

Лагандаги ошнинг бетига, қизартириб қовурилган қуён гўштини босаётган ошпаз. Ошни келтириб, девона Машрабнинг олдига қўяётган бақалоқ. Айёрона кулишиб, олинг-олинг қилишаётган одамлар.

Ош бетига қовурилган қуённинг гўштини силаб, аланималар деб шивирлаётган девона Машраб. Ошнинг бетидан ўрмалаб тушаётган тарғил мушук. Бу ҳолни кўриб, даҳшатга тушган одамлар. Юзига фотиҳа тортаётган авлиё Машраб.



Барчага молу жонини, неъмату мулку, жойини,  
Манга берибдур оҳини, ушбу туруп салобатим.

Ишқ эмас бало экан, меҳнату дарду оҳ экан,  
Машраби беново экан, кун-кундин ортур офатим.

\* \* \*

Шаҳар. Катта майдонда, ҳокимнинг амрига биноан бир йигитни жазолашарди. Девона Машраб тумонат одамлар орасидан ўтиб, қалин тахталар орасига боғланган гуноҳқорга яқинроқ борди ва ёнидаги кишидан сўради:

— Айтинг-чи, биродар, бу одамнинг гуноҳи нима?

— Э, нимасини айтасиз. Бечора ҳокимнинг отбоқари эди. Куничека ҳокимнинг яхши кўрган оти ўлиб қолибди.

— Оти ўлса, унда нима айб?

— Ўша отнинг охуридан, товуқнинг гўнгини топишган. Кейин бола бечорани: “Товуқнинг ахлати заҳар бўлади, сен отга бепарво бўлгансан” деб, жазолашга буюрибди.

Шу пайт тепада ҳоким кўринди. Ғала-ғовур босилиб, халқ тинчланди.

Жазо ижрочилари оёқ-қўли боғланган йигитчани кўтаришиб майдоннинг ўртасига қўйишди. Ҳоким ўз жойига ўтираркан, қўлини юқорига кўтариб, “Бошла!” деган ишорани қилди.

Во ажаб! Антиқа жазо эди бу! Ижрочилар тик турган тахтани итариб ерга қулатдилар. Сўнг тезда кўтариб, яна тикка қилдилар. Энди тахта орасидаги йигитчанинг боши пастда, оёқлари осмонда бўлди. Ижрочилар уни яна ағдардилар. Тахта гуп этиб ерга қулади. Бола гоҳ боши, гоҳ оёғи билан гурсиллаб ерга урилар, жон ҳолатда қичқирарди. Шу алфозда жазо беш-олти мартага етганида, девона Машраб майдон ўртасига чиқиб, ижрочилар йўлини тўсди. Ижрочилар Машрабни итариб юбордилар-да, ўз ишларини давом эттирдилар. Ҳоким қўлини кўтариб жазони тўхтатди:

— Ҳоким амрига қаршилик қилишга қандай журъат этдинг?!

— Минг бор узр сўрайман, эй улуғ хоқон,— деди Машраб, унинг кўзларига тик боқиб. — Узоқ юртдан келганман, кетишим вожиб, вақт ганимат. Ижозат этинг, сиздан бир ўтинчим бор.

— Агар отбоқаримнинг гуноҳини сўрамоқчи бўлсанг, йўлингдан қолма,— деди ҳоким, қаршисида турган девонага кулиб боқаркан. — Бошқа тилагинг бўлса, рухсат, айт!

Халқ орасида, секин шивир-шивир, сўнг, ғала-ғовур бошланди..

—Отангизни чақирсангиз, — деди Девона Машраб ўта мулойимлик билан. — У кишидан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

Атрофдагилар, жим бўлишди. Ҳоқим мийиғида кулиб қўйди-да, деди:

— Эй қаландар. Отам раҳматлик ўлганларига етти йил бўлди.

— Унда онангизни чақиринг.

— Онам бу ерга чиқмайди. — деди ҳоқим юмшаб. — Нима сўровинг бўлса, менга айтавер, ўзим етказаман. Сенга сўз бераман!

Девона Машраб ерда ётган отбоқарга қаради. Бола огриқнинг зўридан инграр, огиз-бурунларидан қон келарди.

— Отангизни Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин. Онангиздан сўрангчи, — деди Девона Машраб, атрофдагиларнинг ҳам эътиборини ўзига қаратиб. — Отангиз ниманинг гўнгини еб оламдан ўтган эканлар?

Атрофдагилар, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Орага жимлик чўкди.

— Ҳоқон, — деди ҳоқимнинг ёнида ўтирган уламолардан бири. — Сиз, қаландарга сўз бердингиз.

Ҳоқим бир сўз демасдан, ичкарига кириб кетди. Халқ енгил тўлқинланди.

Эшикка термулиб ўтирган она, кириб келган ўглининг ҳолатидан тажжубга тушди.

— Нега хаёлинг паришон ўғлим ёки жазонга чидаёлмай, отбоқаринг ўлиб қолдими?

— Йўқ она, лекин ғалати бир воқеа содир бўлди.

— Қандай воқеа?

— Жазо ижроси пайтида, бир қаландар менга мурожаат қилиб, “Онангиздан сўранг-чи, отангиз ниманинг гўнгини еб оламдан ўтган эканлар?” деди.

Кампир бир оз ўйланиб турди-да, ўғлига қараб деди:

— Болам, сен ўша кишининг этагидан маҳкам тутгин. Сенга авлиё учрабди.

Ҳоқим ташқарига чиқиб, илинж билан майдонга қаради. У қанча ахтармасин, девона Машраб одамлар орасида кўринмасди.

\* \* \*

Шаҳар. Кундуз. Қозикалон қабулхонаси. Хонтахта атрофида шаҳар қозиси Саидбой, унинг ёнида девона Машраб ўтиришибди.

Саидқози ҳукм чиқаришдан олдин ўйланиб қолди. Машраб қозикалон қаршисида тиз чўкиб турган йигитга, унинг қавми-қариндошларига, сўнг уларнинг рўпарасида турган жабрдийдаларга қаради. Ниҳоят, Саидқози бошини кўтариб, ҳукмини эълон қилди:

— Ҳасанали ўғли Илёсбек қилган ноҳўя ҳаракатлари, айби ва гуноҳи учун ўн танга товон пули ҳамда йигирма дарра уриш билан жазоланади!

— Ё раб! — деди йигитнинг отаси. Тақсир, болам касалманд, йигирма даррага чидай олмайди. Раҳм қилинг.

— Адолатсизлик бу! — Қичқирди жабрдийданинг онаси. — Бу беномуста юз дарра ҳам озлик қилади.

— Гап тамом, вассалом! — деди қози, миршабларга ишора қилиб. — Олиб боринг, ҳукм ўз кучида қолади.

Миршаблар йигитни олиб кетдилар. Уларнинг кетидан барча йирилганлар ҳам хонани тарк этишди.

— Сиз қандай фикрдасиз? — сўради Саидқози.

— Мен нима ҳам дердим, — жавоб берди Машраб. — Ҳукмингиз бошқачароқ ҳам бўлиши мумкин эди. Лекин...

— Масалан?

— Лекин, — деди Машраб кулиб. — Илёсбекнинг пешонасига битгани шу экан-да.

— Қизиқ, сиз қандай ҳукм чиқарган бўлардингиз?

— Билмадим. Қандай ҳукм чиқаришимдан қатъи назар, энди фойдаси бўлмайди.

— Ундоғ бўлса, — деди Саидқози бироз ўйланиб. — Сиздан бир ўтинчим бор, агар йўқ демасангиз.

— Қулогим сизда, тақсир.

— Ҳозир ҳузуримга келган одамни, ким ва қандай арз билан келган бўлса ҳам майли, тинглаб, ҳукмини ҳам ўзингиз чиқарасиз!

— Ташаккур тақсир, — деди Машраб. — Ҳар шаҳарнинг ўзига яраша тош-тарозиси бор. Мен сизнинг меҳмонингизман, холос. Бир неча фурсатдан сўнг ўз йўлимга равона бўламан. Шунинг учун ҳам мени маъзур тутасиз.

— Йўқ, йўқ. Сиз истиҳола қилманг, бу ишимиздан ҳеч бир зот хабар топмагай. Қани энди, жойларимизни алмаштириб олайлик-чи.

Ноилож қолган Девона Машраб, қозикалон бўшатган жойга ўтирди.

Саидқози ҳам, Машраб бўшатган ўринга жойлашиб ўтирдида, ташқарига қараб деди:

— Олиб кирилинг!

Эшик очилиб аввал миршаб, кетидан фарзандларини етаклаб Муниса кирди. Девона Машраб, уларга бошдан-оёқ разм солди-да:

— Марҳамат ўтиринглар, — деди.

Аёл курсичага ўтираркан, бир қозикалонга, бир Машрабга қараб қўйди.

— Хўш қизим, нима арзингиз бор? — сўради Машраб. — Қулоғим сизда.

Эшик олдида турган миршаб ҳайрон бўлиб қозикалонга қаради. Саидқози ҳаммаси жойида дегандай ишора килди.

— Мен, қошғарлик бир савдогарнинг қизиман, — гап бошлади Муниса. — Эрим билан турмуш қурганимизга, мана, ўн олти йил бўлаяпти.

Аёл юзини буриб болаларига қаради. Сўнг алам билан гапини давом эттирди:

— Эр эмас, қаро ер — у. Илоҳим, ер ютсин! Унинг устидан арз қилиб келдим.

— Давом этаверинг, — суқилди қози.

— Ҳозирда мана тўрт фарзандимиз бор. Лекин, эр ўлгур на болаларини, на мени ўйлайди. Илоё...

— Шошилманг синглим, — деди Машраб, ўта босиқлик билан.

— Бу қадар куйинишингизга асло ҳожат йўқ. Аввал тушунтиринг, эрингиз нима юмуш қилади?

— Кулолчилик қилади, қўлинг сингур. Тўғриси қиларди. — Аёлнинг тилидан заҳар томарди. — Энди бўлса, мана уч ойдирки, хонадонимизда барокат йўқ. Кун бўйи меҳнат қилиб ясаган кўзаларини, кечга бориб битта қўймай синдириб ташлайди. Бир-биридан чиройлик кўзалар. Баъзан ундан беркитиб қолган кўзаларимни сотаман, шунга тирикчилик килардик. Энди бўлса, умуман ишламай қўйди. Доим менга сен “Ношукурсан”, дейди.

— Шундоқ дейишининг боиси нима? — сўради Машраб.

— Ит биладими! — деди Муниса, жеркиб. — У иймонсизнинг дастидан мен арз қилмаган бирорта қўшни, қавм — қариндош, маҳалла-кўй қолмади. Яна беш маҳал намоз ўқиганига ўлайми!? Минг марталаб айтаман, сени ўқиган намозинг ҳам ижобат бўлмайди деб. Билиб олгани “Шукр қил”, “Ношукрсан.”.. Илоё оғзингдан қонинг келсин!

— Ҳаммаси тушунарли. Лекин, — сўради Машраб — бу ерга келишингиздан мақсад нима?

— Шунча қидириб, у иймонсизни тўғри йўлга солиб қўювчи бирон кимсани тополмадим. — деди Муниса ҳамон йиғларкан. — Бу ерга келишимдан асл мақсадим, ўша яшамагурга қаттиқроқ жазо бериб, мундоқ иймон-этиқодга чақириб қўйсангиз. Ёки жавобимни берсин отамникига кетай, уларнинг тириклигида.

Орага сукунат тушди.

— Минг афсуски, — гап бошлади Девона Машраб, — сиз айтган

иймон, инсоф, диёнат, виждон, эътиқод ва шунга ўхшаган барча хислатлар Оллоҳнинг ўз бандаларига берган улугъ неъматидир. Уларни на қўни-қўшни, на маҳалла аҳли ва на қавми-қариндошларингиз, ҳатто қозикалону ҳокимлар ҳам беришолмайди. Бу улугъ неъматларни фақат яратганнинг ўзигина инъом этиши мумкин холос. Шунинг учун ҳам, сиз буларни Оллоҳдан сўрашингиз лозим эди синглим.

Саидқози Машрабнинг ҳаракатларини зимдан кузатиб жим ўтирарди.

— Майли, сиз айтганча бўлақолсин. Гарчи эрингизга сиз айтган нарсаларни беролмасам-да, жазолашга қодирман. — деди Машраб, Мунисанинг кўзларига қараб. — Лекин бир шартим бор.

— Айтинг, мен розиман, — деди Муниса.

— Унда, қулоқ солинг, — Машраб, ўта босиқлик билан гап бошлади. — Сиз хонадон бекаси сифатида ўта мудҳиш хатоларга йўл қўйгансиз. Биринчиси, ҳаёни, аёллигингизни ва, ниҳоят, она эканлигингизни унутиб, хожангизнинг эътиқодини, қалбини, инсон учун энг муҳим ва ўта нозик неъмат ҳисобланган ҳамиятини топтагансиз.

Иккинчиси, фақат оилангизгагина хос бўлган сиру асрорларингизни Яратганга эмас, балки етти ёт бегоналарга ошкор қилиб ўз жуфти ҳалолингизни қаттиқ ранжитгансиз, синглим.

Муниса бошини қуйи эгганича жим ўтирар, Саидқози эса, ҳайрон бўлиб Машрабга боқарди.

— Шартим шуки, — давом этди Машраб. — Эрингизни бу ерга таклиф қилишдан олдин мен сизга Оиланинг сири нақадар муқаддас эканлиги ҳақида бир ривоят айтиб бермоқчиман. Сўнг жуфти ҳалолингизга қандай жазони лойиқ ва лозим топсангиз, ҳеч иккиланмай ўша жазони ҳукм этаман. Бунга розимисиз?

Аёл индамади. Ниҳоят Девона машраб сўз бошлади:

— Сукут, ризолик аломати. Яхши. Мен сўзлаб бермоқчи бўлган ривоятнинг воқеалари, Оллоҳнинг сўнгги каломи Қуръони Карим эндигина нозил бўлиб, Пайгамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассаллам имомликка ўтиб, элликка яқин умматлари у кишининг ортларида туриб намоз ўқий бошлаган пайтларда бўлиб ўтган экан.

Пайгамбаримиз умматларидан бири масжидга ҳаммадан эрта келаркану, намоз тугаши билан, ҳатто Расулulloҳнинг амри маъруфларига ҳам ўтирмасдан, тезда масжидни тарк этаркан.


Намозхонлар ҳар қанча уринишмасин, бунинг сабабини била олмадилар. Шундай қилиб, кунлар, ҳафталар, ҳатто ойлар ўтаверибди. Ниҳоят, кунлардан бир кун, хуфтон намозидан сўнг ҳазрат Умар

Пайғамбаримизнинг олдиларига келиб, “Эй Оллоҳнинг Расули, айбга буюрмайсиз, шу умматларингиздан бири доим масжидга эрта келиб, ҳаммадан бурун кетади. Биз қанча уринмайлик, бунинг сабабини билолмадик. Балки, “сизга айтар” дебди.

Арздор Муниса ҳам, Саидқоziю, эшик олдида турган миршаб ҳам бутун вужудлари қулоққа айланиб, Машрабнинг ҳикоясини тинглашарди..

— Шундай қилиб, тонг ҳам отибди. Бомдод намози тугаши билан ҳалиги киши юзига фотиҳа тортибди-да, ўрнидан туриб ковушини кия бошлабди. Шунда Пайғамбаримиз ишора қилиб, у кишини ёнларига чақирибдилар. Бир оз фурсат ўтгандан сўнг ўта эҳтиёткорлик билан сўз бошлабдилар: “Анчадан буён эътибор қилиб келаман, лекин сўрашга журъат қилмасдим. Эндиликда барча намозхон биродарларимиз ҳам сизнинг масжидга ҳаммадан эрта келиб, ҳаммадан аввал кетишингизни сезишибди. Бунинг боиси нима?” Ҳалиги киши гўё бир айб иш қилиб қўйгандек, юзлари қизариб, ўзига термулиб турган, намозхон дўстларига бир-бир қараб чиқибди. Сўнг Расулуллоҳга юзланиб, худди кечирим сўраётгандек ийманиб, тугила-тугила гапира бошлабди: “Эй, Оллоҳнинг Расули, шунчадан бери масжидга барвақт келиб, эрта кетишимнинг сабабини умматларингиздан яширишимнинг боиси оиламнинг муқаддас сири эди. Лекин, сиздек улуг зот сўраган экансиз, энди айтмасам бўлмас. Тақсир, менинг битта хотиним, битта Худо берган қизим бор. Ўзимизга яраша кичик бир хужрада, тинч, тотув, аҳиллик билан кун кечирамиз. Аммо бисотимизда битта чопонимиз бор холос. Мен намозимни ўқиб, тезда уйимга бораман, чопонимни ечиб хотинимга бераман. Хотиним ҳам тезда намозини ўқиб, чопонни қизимга беради, шундагина қизим ҳам намозини қазо қилмасдан ўқийди. Эрта келиб, барвақт кетишимнинг боиси шу эди, тақсир. Энди менга рухсат, тез бормасам, уларнинг намозлари қазо бўлади” — дебди-да, шошилганича масжиддан чиқиб кетибди.

Масаланинг асл моҳиятини тушунган уламолар ҳайратдан ёқаларини ушлаганларича Расулуллоҳга қарабдилар. Шунда ҳазрат Умар Пайғамбаримизнинг олдиларига хижолатомуз келиб: “Эй Расулуллоҳ, менинг етти пуштимдан ҳам ортадиган, битмас-туганмас бойликларим бўлса-ю, умматларингиздан бири биз билан бир сафда туриб, Оллоҳнинг фарзларини адо этгувчи биродаримиз бу қадар ночорликда яшаса. Бу қандоқ бўлди? Менга ижозат берсангиз, шу биродаримизга бир туяда олтин у жавоҳирлар, бир туяда кийим кечаклар-у, яна бир туяда егуликлар берсам” — дебдилар.



Пайгамбаримиз ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳивасаллам розилик берибдилар.

Ҳазрат Умар, ўша куннинг ўзидаёқ хизматкорига қўшиб учта туяга ортилган юкларни фақир кишининг хонадонига юборибдилар. Туяларни етаклаб келган хизматкор эшикни тақиллатибди. Ичкаридан ҳалиги киши чиқибди. Қаршисида юк ортилган туяларни ушлаб турган одамни кўрибди-ю, ҳайрон бўлиб сўрабди: “Келинг, келинг, биродар. Тинчликми?” Хизматкор туяларга ортилган бойликларни, ҳазрат Умар инъом тариқасида бериб юборганликларини айтибди. Шунда хонадон соҳиби: “Бироз сабр қилинг меҳмон, мен ҳозир чиқаман” деб, ичкарига кириб кетибди.

Уй эгаси ичкарига кириб, бўлган воқеаларни хотинига айтибди. Шунда хотини: “Даров чопонни ечинг” дебди. Эри тўнини ечиб берибди. Хотин бошқа бир сўз демасдан тезда таҳорат олиб, икки ракаъат намоз ўқибди-да, Оллоҳга илтижо қилибди: “Эй қодир худойим. Шунча вақтдан бери, ушбу сиримиз фақат сенга аён эди, холос. Ночор аҳволда яшасак-да, ўзингга шукр қилиб, сен буюрган фарзларингни адо этаётганимиздан гоят бахтиёр эдим. Энди оиламизнинг муқаддас сиридан бандаларинг ҳам воқиф бўлишган экан, қолган умримнинг мазмуни қолмади. Сенга илтижо қиламан, берган омонатингни олгин!” — дебди-да, саждага бош қўйганича оламдан ўтибди.

Ҳикоя шу ерга етганида эшик олдида турган миршаб бошларини сарак-сарак қилиб, Саидқози унсиз, Муниса эса хўнграб йиглай бошладилар. Девона Машраб янада босиқ, янада қудратлироқ бир оҳангда ҳикоясини давом эттирди..

— Бир неча фурсатдан сўнг, хонага қизи кириб қараса, жойна-моз устида, саждага бош қўйганича онаси ўлиб ётганмиш. Қиз дарров онасининг устидан чопонини ечиб, танасини бўйрага ўрабди. Майитни бир чеккага қўйиб, у ҳам таҳорат ила икки ракаъат намоз ўқиб, Оллоҳга илтижо қилибди: “Худованди Карим, онажонимни ўз раҳматингга олгин. Илоҳим, энди менга дунё қоронғи, мендан ҳам марҳаматингни дариг тутма, берган омонатингни ол!” деб саждага бош қўйганича бандаликни бажо келтирибди. Кейин, хонага ота кирибди. Қарасаки бир чеккада бўйрага ўралган хотини, жойнамозга бошини қўйганича қизи ўлиб ётганмиш.

У ҳам дарров, қизи устидаги чопонни ечиб, мурдани бўйрага ўрабди. Тезда таҳорат олиб икки ракаъат намоз ўқибди-да, Яратганга илтижо қилибди: “Раббим Оллоҳ, берган умринг, ризқ-рўзинг, кўрсатган кунларингга минг бора шукр. Мен хотиним, қизим ва



сенинг олдингда гуноҳқорман. Чунки, фақат сену бизга аён бўлган оиламнинг муқаддас сирини асрай олмадим. Энди буларсиз қандай яшайман?! Э Художон, мен осий бандангнинг шу гуноҳларидан ўтиб, берган омонатингни олгин” — дебди-ю, у ҳам саждага бош қўйганича оламдан ўтибди.

Девона Машраб, секин қайрилиб Саидқозига қаради. Ўта қаҳри қаттиқ ҳисобланган қозикалон ўз ҳиссиётини яширолмай баралла йиғларди.

— Шу пайт, ҳикоясини давом эттирди Девона Машраб, — Масжид сўфисининг, пешин намозига чорловчи азони эшитилибди.

Хизматкор анча кутибди, сўнг, нима қиларини билмай, ноилож ичкарига кирибди. Қараса, жойнамоз устида хонадон соҳибининг, уйнинг тўрида эса, хонадон соҳибаларининг бўйрага ўралган жасадлари ётганмиш. Воқеанинг бундай тус олишини хаёлига ҳам келтирмаган хизматкор қўрқувдан юрагини ҳовучлаб, масжид томон югурибди..

Масжидда эса, пешин намозига йиғилган намозхонлар, биринчи бор масжидга кеч қолаётган дўстларини кутишар, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳивасаллам ҳам бошларини қуйи эгганларича жим ўтиришаркан. Шу пайт масжидга хизматкор кириб келибди-ю, барча кўрганларини оқизмай-томизмай Расулуллоҳга айтиб берибди. Намозхонлар ҳайратдан ёқа ушлабдилар. Шунда Расулуллоҳ, “Эй умматларим, иншоллоҳ, намоздан сўнг марҳум ва марҳумаларнинг жанозасига борамиз. Лекин иккита шартим бор. Биринчиси, масжиддан чиқаётганларингизда оёқ кийимларингни киймай-сизлар. Иккинчиси, жанозадан кейин тобут кўтармайсизлар”, дебдилар. Шундан кейин пешин намозини ўқишибди. Намоз тугаб Расулуллоҳ, уларнинг кетидан барча умматлари ковушларини киймасдан ташқарига чиқибдилар.

Не кўз билан кўрсинларки, масжид дарвозасидан бошлаб то марҳумларнинг хонадонларигача, кенг кўчанинг икки томонида турган малоикалар, қанотларини ерга поёндоз қилиб турган эмишлар. Ҳаммалари ана шу юмшоқ пат гиламларни бир-бир босишиб хонадонга етиб келишибди.

Ўликларни кафанлашиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳивасаллам имомликка ўтибдилар, элликка яқин умматлари у кишининг ортларида туришиб марҳумларга жаноза ўқибдилар.

Жаноза тугаб, бир оз фурсат ўтгандан кейин малоикалар учиб келишибди-да, марҳумларни кўтаришиб осмону фалакка равона бўлишибди.

Шундан сўнг Расулulloҳ, ҳайратомуз турган умматларига қараб, “Биродарларим, ҳозир сиз гувоҳи бўлган воқеалар Яратганнинг ма-рҳамати ила шу бугун содир бўлди. Оллоҳнинг улуғ неъматлари қал-бларида жо бўлган бу марҳумларнинг ўлимлари, келажак авлодлари-мизга ибрат бўлишлари учун, Иймон-эътиқоднинг рамзи сифатида то қиёматгача. Арши Аълода туради”, дебдилар.

Девона Машраб ҳикоясини тугатиб йиғлаб ўтирган Мунисага қаради.

— Мана, синглим, сизга айтиб бермоқчи бўлган ҳикоям ҳам ту-гади. Сиз эрингизга раво кўрмоқчи бўлган иймон-эътиқодни, икки ракаъат намоз ўқиб Оллоҳдан сўранг, — деди Машраб. — Лекин ваъ-дамга мувофиқ эрингизга жазо беришга қодирман. Айтинг, эрингиз қандай жазога лойиқ? Ҳар қандай қийноқ ва жазо бўлса айтаве-ринг, ўшандоқ ҳукм чиқараман.

Аёл бир сўз демасдан, кўз ёшларини артиб ўрнидан турди-да, болаларини етаклаб эшик томон юрди. Остонада тўхтаб Машрабга қараркан:

— Менинг менинг тилларимни кесишга ҳукм қилинг, — деди.

Саидқози лол бўлганича Девона Машрабга қараб ўтирарди.

Муниса индамай ташқарига чиқиб кетди.

Девона Машраб аёлни кетидан қараб қоларкан, қалбида туғил-ган ушбу сатрларни тилларига кўчирди:

Жумлайи мақсудни сан зоти Оллоҳдин тила,  
Сен гадосан, ҳожатингни дафъатан шоҳдин тила.

Ваъда қилгондурки мўъминларни зойиъ қўймағай,  
Ончи ҳожатингни сан «Ажран жамило»дин тила.

«Раббиял аъло» дебон бошингни қўйгил саждага,  
Таъя қилгил Каъбага, ажрини Оллоҳдин тила.

Чун Халил оташга кирди, бутга сажда қилмади,  
Ганжи дилни котиби «Наҳну қасамно»дин тила.

Они бир оти «Басир»дур ёна бир оти «Самиъ»,  
Сан дуони фатҳини «Алҳамду лиллоҳдин» тила.

Қўл узотсанг, Машрабо, сан домани Аҳмадга ур,  
Жуйбори бешага қўл солма дарёдин тила, —

Шеър тугади. Орага сукунат тушди..

— Энди бизга рухсат, тақсир, — деди Машраб ўрнидан қўзғаларкан. — Меҳмондорчилигингиз учун ташаккур!

— Бугун кетмасангиз, — деди Саидқози. — Шаҳримизнинг эътиборли одамлари билан учраштирадим.

— Афсус. Йўлим олис, қайтмасам бўлмас!

Девона Машраб эшик томон юрди. Бир оз ҳушини йигиб олган қозикалон унинг кетидан бораркан, деди:

— Айбга буюрмайсиз, бир нарса сўрасам майлими?

Девона Машраб хуржунини елкасига ташлади.

— Бемалол сўрайверинг.

— Ёшингиз ҳам эллиқдан ўтиб қолибди. Бундоғ дарбадар дунё кезишингиздан на ҳожат, тақсир? — деди Саидқози, бир оз ўйлашиб. — Яхшиси шу ерда қолинг. Мен шу бугуноқ ҳоким билан гаплашаман. Ҳозирча бирор қишлоққами, овулгами қозилик қилиб, қолган умрингизни роҳат-фароғатда ўтказинг.

Девона Машраб кулиб юборди. Сўнг таёғини қўлларига олиб қозикалонга юзланди.

— Сиз билан биз мазҳабида бўлган Имом Аъзам ҳазратлари худди шу борада нима деганларини биласизми?

Саидқози яна ноқулай аҳволда қолди.

— Йўғ-а.Айбга буюрмайсизу, бундан беҳабар эканман.

— Унда қулоқ солинг, қозикалон! Бир юртнинг подшоси Имом Аъзам ҳазратларини ҳузурига чақиртириб, “Шу юртга қозилик қиласан!” — дебди. Имом бироз ўйланиб турибдилар-да, эрталабгача изн сўрабдилар. Шоҳ рози бўлибди. Эртасига бомдод намозидан кейин Имом Аъзам шоҳнинг олдига келиб шундай дебдилар: “Подшоҳи олам, борди-ю сиз айтган мансабни қабул қилиб, шариат йўлида қозилик қилсам, сиз ва саройингиз уламолари олдида юзим қора бўлади. Охир-оқибат ишларимдан хатолик топиб жазога тортадилар. Унда, умрим бўйи ҳурматини қозонган халқим олдида юзим қора бўлади. Бордию, сиз ва уламоларингиз кўрсатган йўлдан юрсам, Яратган эгамнинг олдида юзим қора бўларкан. Шунинг учун, беш кунлигим борми, йўқми ” деб кўйниларидан бир қулоч арқон чиқариб, подшога тутибдилар-да, “Мени, ўлимга маҳкум этақолинг! Оллоҳимнинг олдига ёруғ юз билан борақолай,” деган эканлар. Хайр қозикалон, омон бўлинг!

Девона Машраб шахдам қадамлар билан қозихонадан чиқиб кетдилар.

Бу ҳикоятдан янада кучлироқ таъсирланган қозикалон, ҳангуманг бўлиб, анча вақт туриб қолди. Сўнг остонада турган миршабга қараб, деди:

— Ташқарига чиқиб айт, қабул тугади!

Қумлик сахро узра бир маромда чайқалиб, Балх томон савдо карвони борарди. Ботаётган қуёшнинг алвон нурлари кўзларни қамаштирар, шабодадан тўзғиб кўчаётган қумларга ўзгача бир жозиба бахш этарди.

Карвон кетидан девона Машраб бораркан, унинг қалбида аллақандай ҳиссиётлар жўш урарди..

Қонимни тўкар эрмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,  
Тақдири азал бўлса, найлай, анга бермай жон.

Минг шукр худойимга, Мансурга қўшулдим мен,  
Ул рўйи сияларким Мансурни ўлдирғон.

Бу ишқ йўлига кирғон, албатта, кечар жондан,  
Кечмаса агар жондан, айтган сўзидур ёлғон.

Ширин гамида Фарҳод тоғлар-да этиб фарёд,  
Ишқ ўтида ўртаниб охир чу фано бўлғон.

Ул ошиқи Мажнун ҳам Лайлига бўлиб шайдо,  
Чўлларда ватан айлаб кўз ёши равон ўлғон.

Ул зори Зулайҳо ҳам Юсуфга бўлуб шайдо,  
Кўрдингму халойиқга расвойи жаҳон бўлғон.

Кўр Тоҳиру Зухрони халқ ичра бўлуб машҳур,  
Кўнглимни бериб ёрга ишқи йўлида ўлғон.

Ишқ ўтида ўртанган ул Вомиқ у Узро ҳам  
Маҳшар куни бўлғонда жаннатда қилур жавлон.

Кўр ошиқи эранларни, эй Машраб девона,  
Келганда ажал жоми, жон бирла олиб бўлғон.

Шоҳ Маҳмуд саройи. Хонтахта атрофида Султон Маҳмуд, вазир ва бир неча уламо ўтиришибди. Шоҳ Маҳмуд сузилган кўзларини қаршисида турган қаландарга тикканича, буруқситиб чилим тортарди.

Девона Машраб завқ билан шеър ўқимоқда.

Кўнгулда заррача дунёни меҳри бўлмайн менда,  
Сени деб икки оламдин кечиб безора Машрабман.

Ўлуб кетсам, сенинг дардинг сўнгакдин кетмагай асло,  
Жаҳонда топмадим чора-ки мен — Машрабман.

Анодин қай кун тугдим сенинг ишқингда оҳ урдим,  
Муҳаббат догида ўртаб ўзум сайёра Машрабман.

Бошимга минг бало келса, тиларман васлин, эй зоҳид,  
Бошим кессанг тиёрим йўқ, деган: “дийдора” Машрабман.

Шеър сўзларидан таъсирланган уламо енгил хўрсиниб, тасбеҳ ташлашни давом эттирди. Бир чеккада ўтиришган созандалар ҳам мароқ билан тинглашаркан, бир-бирларига қараб қўйишарди.

Ҳалойиқлар мени қувлар, ёмон, деб ҳар шаҳар борсам,  
Ажаб мардуд, ажаб маржум, ажаб сангсора Машрабман.

Ўзумни ҳалқ аро расволиғимни ҳеч киши билмас,  
Дилу жоним фидо айлаб ажаб айёра Машрабман.

Мени девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг,  
Намозу рўзадин фориғ бўлуб яккора Машрабман.

Шоир шеърини тугатиб, қўлларини кўксига қўйганича, шоҳга таъзим қилди. Барча уламолар унга тасаннолар айтишди.

— Офарин! — деди шоҳ, қувончдан меҳрга тўлиб. — Сен ҳақингда кўп эшитганмиз. Лекин шеърятда, ҳақиқатдан ҳам Шоҳ Машраб экансан!

— Ташаккур, — жавоб қилди Машраб. — “Кушандам”нинг меҳрини қозонганимдан, гоятда шодман.

Маҳмудхон бирдан кулиб юборди.

— Қизиқ, нега энди мен сенинг “Кушанданг” бўлай? Ахир сенга бўлган ҳурматим, истасанг муҳаббатим шу қадар чексизки. Агар муболага қилсанг сўра, истаган нарсангни бераман!

— Кушандам деб биларкансан, — Қўшилди вазир, ҳазиломуз — Унда, олампаноҳдан умрингни сўрайқол. Ахир шаҳаншоҳ тожу тахтини ташлаб қаршингда ўтирибди-ку.

Ҳамма кулиб юборди.

— Тўғри айтасан, — деди Маҳмудхон. — Тож-тахтимни гаровга қўйиб бўлса ҳам, айтганларингни муҳайё қиламан. Тила тилагингни!

Орага сукунат тушди.

Ниҳоят Девона Машраб қўлларини кўксига қўйиб, шоҳ Маҳмудга қаради-да:

— Эй Олампаноҳ! Агар қўлингдан келса, бир умр армонда ёнган қалбимга малҳам берақол. Яна, бу ёруғ дунёдан хаста ўтаётган бағримни тўлдириб, ақл-заковат, иймон-эътиқод соҳиби бўлган гулгун юзли фарзанд берақол! Яна, охиратимни бут қилиб, Оллоҳнинг жаннатидан...

— Э-э-э, тўхта, тўхта, — деди шоҳ, баттар кулиб. — Нима, мен сенга Оллоҳ Таоломидимки, бундай нарсаларни сўрайсан?

— Эй Маҳмудхон, ҳатто салтанатингни пеш қилиб сўра дединг, мен сўрадим, — жавоб берди Машраб.

— Эҳ девона. Майли, сен мот қилдинг!

Атрофдагилар шоҳга қўшилишиб, қотиб-қотиб кулишди.

— Агар истасанг, — деди Маҳмуд вазирага кўз қисаркан, — майли, тож-тахтимни олақол.

— Йўқ-йўқ, ғоят миннатдорман. Мен бир девона бўлсам, тахтингни нима қиламан?

— Ўтирасан лал-ла-йиб. — деди Шоҳ пичинг қилиб.

Девона Машраб ўринларидан туриб, ҳамон кулишаётган уламо-ларга қаради.

— Майли, — деди Машраб, юзида майин табассум билан. — Беш кунлик дунё, тож-тахтинга бир бор ўтирсам, ўтирақолай!

— Олампаноҳга йўл беринглар! — деди Маҳмудхон, салтанат хонаси томонга ишора қилиб. — Марҳамат, олампаноҳ, тожу тахт сизга мунтазир.


Девона Машраб, салтанат эшиги томон бораркан қайрилиб шоҳга қаради. У сирли жилмайиб, гўё ўзига-ўзи гапираётгандек шивирлаб қўйди:

— Эй Маҳмудхон, ғалат ўйин бошладинг. Сарнавиштимда, ажалим сенинг қўлингда эканлигини билганингда эди...

Ҳамма жим бўлишиб, Девона Машрабга қарадилар.

Шоҳ Машраб, бир-бир босиб салтанат хонасига кириб кетди. Вазирнинг ишораси билан созандалар куй чалишиб, ўртага раққоса чиқди. Барчанинг фикри-хаёли санъат соҳибларига қаратилди. Тўлғониб, тўлғониб ўйнаётган раққоса уламо-ларга завқ бағишлар, Султон Маҳмуд эса симириб-симириб чилим тортарди. Раққосанинг ноз-ишваларига маҳлиё бўлган созандалар ҳам борган сари завқ билан чалишарди.

— Бор қара-чи, — деди Султон Маҳмуд, чилимдан бошини кўтариб. — У, девона нима қилаётган экан?!



Вазир таъзим бажо айлаб, салтанат саройи томон равона бўлди.  
Рақс давом этарди.

Бир пайт салтанат эшигидан ранги-қути ўчиб, кўзлари даҳшатга тўлган вазир чиқиб келди-да, шоҳнинг қулоғига алланималар деб шивирлади.

— Нима!? — қичқирди Султон Маҳмуд кўзлари ғазабдан чақнаб.  
— Гадойвачча! Қайтиб кўзимга кўринмасин, йўқотинглар!

— Олампаноҳ, агар уни кўйиб юборсангиз, — деди вазир ўта эҳтиёткорлик билан. — Абадул-абад бадном бўлиб қоласиз!

Султон Маҳмуд бошини чангаллаганича ўтириб қолди. Ранги-рўйи ўзгариб, кўзлари қонга тўлди.

Барча Маҳмуддан кўзларини узмай, жим ўтиришарди.

Ниҳоят бироз ўзига келган Султон Маҳмуд секин сўради:

— Хўш, нима қил дейсан, гапир!?

— У банги қаландарнинг, қонини сўрайман.

— Қон?! Йўқ, йўқ. Истамайман. Иста-май-ман!!!

Шоҳ Маҳмуднинг кўзлари олазарак бўлиб атрофга қаради.

Шу пайт ичкаридан Машраб чиқиб келди.

— О, ярамас! Бу нима қилганинг?! — Қичқирди Маҳмуд.

— Олампаноҳ, — жавоб берди Машраб, гўё ҳеч нарса бўлмаган-дек. — Айтганингдан ҳам зиёда қилиб тож-тахтинга ўтирдим!

— Аблах!!! Бундай пасткашликка қандай журъат этдинг?!

Девона Машраб атрофдагиларга бир-бир қараб чиқди.

— Бир бор тахтинга ўтирсам нима қилибди? — ажабланди Машраб атрофдагиларга бир-бир қараб чиқаркан. — Мен-ку тахтга ўтирдим, сен эса, халққа ўтиргансан!

— Жаллод! Ўзига-ўзи ўлим тилаган бу “Авлиё”нинг... — Ўқирди Маҳмуд кўзлари қонга тўлиб, — бошини танасидан жудо қил!

Ҳозиргина, завққа тўлиб ўтиришган уламою созандалар даҳшатга тушишиб, ҳайратдан ёқа ушладилар. Шиддат билан кириб келган сарбозлар Девона Машрабнинг қўлларини боғладилар.

— Тезроқ олиб боринглар! — буюрди вазир.

Девона Машраб шоҳ Маҳмуднинг қонталаш кўзларига боқаркан, сирли жилмайди. Сўнг, ортига бурилиб саройдан чиқиб кетди.

Ажаб Мажнун эрурман, ҳар дашт ила саҳрога сиғмамдур,  
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёга сиғмамдур.

Шариат ҳам, тариқат ҳам ҳақиқат мандадур мавжуд,  
Чу султони азалдурманки арш аълога сиғмамдур.



Халил особ у йўлда оташи Намрудду меърожим,  
Ҳамон дурру ҳақиқатманки, ҳар дунёга сигмамдур.

Машраб миршаблар қуршовида шаҳар кўчаларидан юриб борар-  
кан, очиқ чеҳра билан ўткинчиларга боқар. Кўчадан кўчага ўтган  
сари, одамлар сони кўпайиб, оломонга айланарди.

Ризо мулкидаман халқумни туттум тиғи Акбарга,  
Бу йўлда сийнаи поки забинулло сигмамдур.

Агарчанди зиёрат қилмадим мен Каъбаи зоҳир,  
Тариқат ҳожисидурманки, Байтуллога сигмамдур.

Машрабни етаклаган шоҳ сарбозлари қатл майдонига кириб кел-  
дилар.

Гуноҳқорни тузукроқ кўриш илинжида, ёшу қари бўйин чўзи-  
шарди. Одамлар, одамлар...

Гаҳи бўлдум фақирману, гаҳ шоҳу, гаҳ гадодурман,  
Ажаб девонаман, фардоки маҳшааргоҳга сигмамдур.

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,  
Жунун бозорида мастманки, истиғнога сигмамдур.

Киртайган кўзларида ёш қалқиган табиб чол, набираси Уммата-  
лининг елкасига суянганича, Девона Машрабга боқарди.

Шоир гўё келганларга миннатдорлик изҳор қилаётгандек, юзида  
майин табассум билан одамларга боқаркан, бир-бир босиб қатл кун-  
даси турган супага кўтарилди.

Гаҳи ўрус, гоҳи черкас, гоҳи мўмин, гоҳи тарсоман,  
Не кавлай, миёни лоу иллоллога сигмамдур.

Мудом мискин эрурман, чун гуломинг Машрабингдурман,  
Мени бечора бу дунё билан уқбога сигмамдур.

Сарбозлар Машрабнинг қўлларини бўшатдилар.  
— Сўнгги тилагингни айт, эй девона, — деди сарбозлар сардори.  
Машраб бир сўз демасдан, майдон ўртасида турган жаллод томон  
юрди.

— Сўнгги тилагинг! — Қайтарди Сарбоз.

Машраб сарбознинг гапларига эътибор қилмади. Жаллод қарши-сида тўхтаб, деди:

— Муҳтарам жаллод. Ишқилиб, болтанг ўткирми?

Жаллод ҳайрон бўлиб қўлидаги болтасига қаради. Сарбозлар кулиб юборишди.

— Тилагим шуки, — деди Машраб сарбозларга қараб. — Уқувсиз қассоб сингари суякларимни майдаламасдан, бошимни бир мартада кессин!

— Шу пайтгача, — деди жаллод, ҳаётида биринчи бор куларкан, — бир бошга икки болта урмаганман.

Кўзларида ёш қалқиган одамлар унсиз йиғлашарди.

— Бува, ахир у кишини авлиё дегандингиз-ку?! — деди одамлар орасида турган Умматали.

— Авлиё ҳам Оллоҳнинг бандаси болам, — жавоб берди табиб. — Ҳеч ким дунёга устун бўлолмайди.

Машраб тиз чўкиб, оҳиста энгашиди-да, жаллод кундасига бошини қўйди.

Жаллод ҳар эҳтимолга қарши, болтасининг дамига қўлини теги-зиб кўрди.

Одамлар, секин бўйинларини сийпалар, баъзилари ёқаларини ушлаб қўйишарди.

Фалакка кўтарилган ойболтанинг тиғи ботаётган қуёшнинг заррин нурларидан ярақлаб кетди. Жаллод бир зум сукут сақлаб турди-да, зарб билан шоирнинг бўйнига урди. Во дариг! Ойболта гўё тошга урилгандек жаранглаб, ҳар томонга учқунлар сачради...

— Ё Оллоҳ!!! — Қичқиришди одамлар.

— Ё Алҳазар! — Жаллод ёқасини ушлаганича орқасига чекинди. Бундай ҳодисани кутишмаган сарбозлар ҳам, ваҳимага тушишган одамлар ҳам ҳар томонга қоча бошладилар. Жаллод синган болтасини ерга ташлаб, қон сизаётган кафтларига қарадию, қий-чув ила қочаётган оломон ортидан югурди.

Лоларанг тусга кирган шафақ аста-секин қорая бошлади.

Ҳувиллаган майдон узра набирасининг ёрдамида мункиллаб келаётган табиб Девона Машрабнинг жасади олдида тўхтади. Борлиқни зулмат қоплади.

Девона Машрабнинг Оллоҳнинг жаннати узра саёҳати...

Дунё сари бир келибон гамзада кеттим,  
Бир лаҳза дам олмай турубон, лаҳзада кеттим.

Бир мушфиқи ҳамроз жаҳон ичра тополмай,  
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.

Суртмай бу қаро юзни ўшал равзада бир йўл,  
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.

Машрабнинг, дўзах узра саёҳати...

Ҳорис бўлубон дунёда юрди неча гумроҳ,  
Урён келибон мунда, яна арбада кеттим.

Ғофил кишилар кечаю кундуз тилагай мол,  
Дунё ила динни сотибон ғамзада кеттим.

То ёрини хаёл айлади Машраб, кўзини очти,  
Юз дарду алам бирлаки меҳнатзада кеттим.

\* \* \*

Тун. Табиб чол хонадони. Липиллаб ёнаётган шамчироқ шуъласи-  
да табиб набираси Умматали билан кафан бичиб ўтирибди.

Уйнинг бир чеккасида ётган мурда энтикиб, нола билан хўрсинди.

— Бува, эшитдингизми? — сўради Умматали маййит ётган то-  
монга ишора қилиб.

Оқсоқол, бошини буриб набираси кўрсатган томонга қаради. Маш-  
раб, энтикиб-энтикиб нафас оларди.

— Қўрқма, болам, Оллоҳнинг иродаси бу, — деди оқсоқол, ишини  
йиғиштириб ўрнидан тураркан. — Сен, ҳалиги, қувватбахш шарба-  
тингдан бир коса келтиргин.

— Хўп, ҳозир.

Умматали токчадан косани олиб даҳлиз томонга чиқиб кетди. Та-  
биб жасадга яқин келиб, унинг устига ёпилган матоҳни олди. Чу-  
қур-чуқур нафас олаётган Девона Машраб, нурсиз кўзларини очиб  
Табибга боқди.

— Зиёратингиз қабул бўлсин, ўғлим, — деди Оқсоқол.

— Мурудингиз... ҳосил... бўлсин. — шивирлади Машраб.

Умматали шарбат тўла косани бобосига узатаркан, ҳайрат билан  
Авлиё Машрабга боқди.

— Мана буни ичинг, — деди Табиб. — Тоғнинг сара гиёҳларидан  
тайёрланган. Худо хоҳласа, отдек бўлиб кетасиз! Шамчироқ атрофи-  
да учаётган капалак айланиб-айланиб ўзини шуълага урар, олов би-  
лан ўйнашарди.

Кел, эй жисмим, шаҳодат тифига эмди яро бўлғил,  
Ҳусайн ибн Алидек сен шаҳиди Карбало бўлғил.  
Кириб бу жисми зоримга, фароғат кўрмаган жоним,  
Худодин бу ажал келди, санам эмди фано бўлғил.  
Бу Машраб дори дунёдин шаҳиди олия излаб,  
Қиёмат тонги отқонда Худога додхоҳ бўлғил!

\* \* \*

Тун. Шоҳ Маҳмуд саройи. Баланд тахта устига қўйилган шамчи-роқ шуъласи оҳиста чайқалди-ю, яна бир маромда ёна бошлади.

— Уйқудан олдин, — деди сарой табиби қўлидаги пиёлани хон-тахтага қўяркан. — Мана бу шарбатни ичасиз. Иншооллоҳ, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз, олампаноҳ.

Шоҳ Маҳмуд қонталаш кўзлари билан атрофга қаради. Сўнг пешонасидан оқаётган маржон-маржон совуқ терларни артаркан, табибга деди:

— Майли, сен бўшсан!

Табиб қўлларини кўксига қўйиб таъзим қилганича, хонани тарк этди. Султон Маҳмуд пиёладаги шарбатни қўлига олиб, олазарак кўзларини юмди.

Бир маромда ёнаётган шам секин-секин чайқала бошлади.

— Ассалому алайкум. — деди кимдир.

— Кимсан? — сўради Маҳмуд бақиргудек бўлиб. — Ҳой, ким бор?!

— Бақиринингга ҳожат йўқ, олампаноҳ, — деди шарпа Маҳмуд томон яқинлашаркан. — Кушандамсан, десам...

— А-а-а.Йўқ, йўқ!!! — шоҳ ирғиб ўрнидан турди.— Йўқ, сен Машраб эмассан, у ўлган! Йўқол, иблис!

Маҳмуд қўлидаги пиёлани шарпа томон отди. Девона Машраб бир-бир босиб шамнинг шуъласига чиқди.

— Сенга айтгандим-ку, олампаноҳ, “Сарнавиштим”да ажалим сенинг қўлингга битилган деб.

Девона Машраб Шоҳдан кўзларини узмай, сирли жилмайди. Сўнг ҳазиломуз сўзини давом эттирди:

— Сен бўлсанг, қандайдир укувсиз бир жаллодга ишониб ўтирибсан-а?

Даҳшатга тушган Шоҳ Маҳмуд орқасига чекинаркан, кўзлари деворда осиглиқ турган қиличга тушади.

— А-ҳа, — деди Маҳмуд кўзлари чақнаб қиличга ёпишаркан. — Яқинлашма, ўлдираман!

Девона Машраб хохолаб кулиб юборди. Бундай ҳолатни кутмаган Маҳмуд қилични ушлаганича, нима қилишини билмай, жойида туриб қолди.

— Мендан ҳам баттарроқ девона экансан, — деди Машраб кулгидан аранг тўхтаб. — Тавба, жаллоднинг болтаси кесмаган бошимни қиличинг кесармиди?!

Шоҳ Маҳмуд совуқ терга ботиб, титрай бошлади.

— Қонимни тўкиб, мени шаҳид қилишингга, — деди Машраб, унинг бежо кўзларига тикилиб, — Ҳали вақт бор, Шаҳаншоҳ!

— Йўқ, йўқ. Яна “қон”ми?! Истамайман!!! — бақирди шоҳ.

Кўзларида ёш қалқий бошлаган Девона Машраб, гўё афсун ила шоҳнинг қулоқларига қуяётгандек, жозибадор овоз билан деди:

— Мен ҳам истамайман, шоҳ. Лекин, сену менга берилган азал тақдир бу, тан бермай иложимиз йўқ! Фақат ёдингда бўлсин: мен намоз ўқийтган пайтимдагина танамдаги жоним эрийди.

Бирдан шоҳ Маҳмуднинг бутун вужуди титраб, шангиллаётган қулоқларини чангаллаганича қаттиқ чинқирди-да.бехуш ерга йиқилди.

Девона Машраб бир-бир босиб, Шоҳнинг ётоғидан чиқиб кетди.

\* \* \*

Борлиқни зиёга тўлдириб кўтарилаётган қуёш. Чўлу даштлар, тоғу тошлар, қумлик, саҳролардан ўтиб бораётган Машраб.

Онқадар нурга тўлибман, осмонга сиғмадим,  
Токи аршу курсию лавҳу жинонга сиғмадим.

Кимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам,  
Дафтари руҳи қудусдурман забонга сиғмадим.

Жаннат у кавсар манам, дўҳазхи сақар маннам,  
Бир ўзумдурман бу дам ҳафт осмонга сиғмадим.

Сояи одамга келдим, нури маъни изладим,  
Жаннатул фирдавсдек олий маконга сиғмадим.

Бор эдим Нуҳ вақтида, гарқ этмади тўфони ҳам,  
Ҳамраҳи Мусо бўлуб, туру Синонга сиғмадим.

Эллик йил Исо билан юрдум ўлукни тиргузиб,  
Боиси бир нуқтадин, Машраб, замонга сиғмадим.

Тун. Биби Салиманинг ҳовлиси. Қоронғи хонада милтиллаб шам-чироқ ёнарди.

— Ўшандан бери, — деди Биби Салима. — Аканг айтиб берган ривоятни тез-тез эслайдиган бўлиб қолдим.

— Қанақа ривоят экан, онажон? — сўради ип йигириб ўтирган Хайринисо.

— Ривоятда айтилишича, — деди Она майин табассум билан. — Оллоҳ одамзотни яратиб: “Сенга, ризқ-рўз билан қирқ йил умр бераман”, дебди. “Мен нима қиламан?” сўрабди одамзот. “Ақл-заковат билан яшасанг, бор яратганларим сенга хизмат қилади. Барча инъомларимдан баҳраманд бўлиб, умрингнинг охиригача ташвиш, ғам-алам кўрмай ўтасан.”

“Унда, берган умринг менга камлик қилади,” дебди одамзот. “Майли, бир оз кутиб тур,” дебди Оллоҳ таоло.

Шунда Яратганнинг олдига эшак келибди. Оллоҳ унга ҳам қирқ йил умр беришини ва умр бўйи бандасининг, яъни, одамзоднинг хизматини қилишини айтибди. Эшак Тангридан илтижо қилиб, умрининг ярмини олишини сўрабди.

Оллоҳ, эшакнинг умрининг ярмини олиб, одамзотга берибди. Эҳ хом сут эмган банда, — кампирнинг ожиза кўзларида ёш қалқиди. — Унга эшакнинг умри ҳам камлик қилибди. Сўнг Оллоҳнинг олдига келган ит ҳам, маймун ҳам ўз умрларининг ярмини одамзодга ҳада қилишибди. “Ана энди боравер” дебди Оллоҳ бандасига.

Эшак, ит ва маймуннинг ҳаётини тасаввур ҳам қилиб кўрмаган одамзот, хурсанд бўлиб кетаверибди.

— Онажон, — деди Хайринисо ҳам йиғлаб. — Наҳотки ўз ҳаётингни.

— Йўқ—йўқ, — деди Онаизор. — Худойимга шукрки сен бор, куёвим.

— Қўй, йиғлама, бувижон.

— Девонагинамдан хафа эмасман. Мингдан-минг розиман, — деди кампир, ожиза кўзларини артаркан. — Ахир дунёда фарзанд доғида куйганлар ҳам кўп-да, болам.

— Хафа бўлма, онажон, — деди Хайринисо бувисининг ожиза кўзларига боқиб. — Акажоним, албатта, келадилар!

— Иншооллоҳ, келади. Оҳ, майли, қизим, бугунга етар, энди уйингга кириб, дамингни ол.

Хайринисо, қариб, қартайган Онаизорига термилганича жим ўтирарди.

— Менга илҳақ бўлманглар, боравер.  
— Сен билан қолгим келяпти.  
— Йуг-э, уят бўлади, қизим. — деди кампир, ўрнидан қўзгаларкан. — Турақол, эринг бечора истиҳола қилиб чақиролмай ётгандир. Хайринисо, хандон отиб кулиб юборди.

— Қизиқ гапларни гапирасан-да, онажон.

Кампир ожиза кўзлари билан қизи кулаётган томонга қаради.

— Хайринисо, ёнимга кел, қизалоғим. Сени бир бағримга босай. Биби Салима фарзандини бағрига босганича унсиз йиғлади. Сўнг қизининг бошларини силаб, пешонасидан ўпди.

— Энди борақол, қизим. Илоҳо, бахтинг очилсин, Оллоҳу Акбар!

— Сени Худога топширдим, онажон.

Хайринисо бир оз онасига қараб турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Биби Салима қизининг кетидан эшикни ёпиб занжирлади. Сўнг эҳтиёткорлик билан бориб ўрнига ўтирди. Болиши остидан “Қуръон” китобини олиб, қайта-қайта ўпиб, кўзларига суртди.

— Парвардигори олам, ўн саккиз йилдан бери боламини назаримдан ғойиб қилдинг, — деди Биби Салима Оллоҳга илтижо қилиб. — Худованди Карим тириклигимда ўшал жигаргўшам, Девонагинамни бир бора кўрсат. Сўнг омонатингни олсанг розидурман.

Она ожиза кўзларини тепага тикканича зор-зор йиғлади.

Туғаб бораётган шамчироқ гўё аллақандай ҳодисадан безовталанётгандек бир маромда чайқала бошлади. Шу пайт эшик оҳиста тақиллади.

— Ким? — сўради Кампир, бир оз кўрқинч билан. — Хайрихон, сенмисан?

Эшик ортидан, нидоли бир шеър янгради.

Саҳарлаб тўлғониб, тўлғоқда топган бир боланг келди.

Юзи оқу қизил гулдек шаҳиди карбалонг келди.

Онаизор ёқасини ушлаганича ҳушидан кетди.

Анодек меҳрибон қайда, атодек ғамгузор қайда,

Алардек ичкуяр қайда, ғариб ўлғон боланг келди.

— Болажоним.

Кампир бироз ўзига келиб шивирлади. Сўнг секин ўрнидан турди ва оҳиста қадамлар босиб, кўлларини эшикнинг очқичига узатди. Унинг ожиза кўзлари мўлтираб, қалтираган кўллари эшик занжирини қидирарди.

Ано рози — Худо рози, Муҳаммад чор ёри ҳам,  
Ризо бўлғил, онажоним, дуо олган боланг келди.

Бу Машрабни дуосини Худоё, ноумид этма,  
Кўзи ёшлиғ, дили ғамлиғ, бу саргардон боланг келди.

— Болагинам, эшикнинг очқичини тополмаяпман, — деди Она мадорсиз остонага ўтираркан. — Ўғлим, эшик орасидан чопонинг этагини узатгин. Кўзларимга сурай, зора кўзларим очилса.

Кампир титраган қўллари билан жигаргўшаси узатган чопонинг этагини тутиб, ожиз кўзларига суртди.

— Ё қудратингдан! Кўзларимга зиё қайтди, болам.

Кампир ўрнидан турди, эшикнинг очқичини тушириб орқасига қайтди.

Эшикнинг табақалари очилиб, Девона Машраб кирди.

— Қани, қани, бир кўрай-чи, — деди Биби Салима. — Қимирламай тур-чи болам.

Онаизор меҳр тўла кўзлари билан жигаргўшасига боққанича унинг атрофида айланаркан, хаста қалбидан қуйидаги байтлар ўтарди:

Умид бирла кўтариб катта қилган ул болам келди,  
Шаҳидларни қаторига олиб ўзин болам келди.

Ғариб, мунглиғ онангман, манга ҳам сен бир дуо айла,  
Жигарлар ўртанибон чарх уриб дайди болам келди.

Кўзингдан ўргилойин, жон болам, қай ерда эрдинг сен,  
Ки ишқ ўтига ўртанган ўшал ғамлик болам келди.

Биби Салима фарзандининг атрофида икки бор айланиб, унинг қаршисида тўхтади.

— Вой бўйларингга онагинанг қоқиндиқ. Ўзимнинг “Девонагинам”, кел, бир бағримга босай.

Онанинг кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

— Волидагинам, — деди Машраб ҳам кўз ёшларини тиёлмай. — Мен бағри қон девонангни кечир!

Биби Салима фарзандини бағрига босганича унсиз йиғлар, Бобо-раҳимнинг эғнидаги жулдур чопонини, тўйиб-тўйиб ҳидларди.

Токчаларга терилган идишлар ҳам гўё бекасининг қалбини ҳис этишаётгандек, шамчироғ шуъласида ўзгача, сирли бир жозиба билан товланарди.



Девона Машраб онаси узатган “Қуръон”ни ўпиб, кўзларига суртди.  
— Парвардигори Олам, кўрсатганингга шуқр. Энди менга бера-қол, болам. — деди Салима меҳр тўла кўзларини фарзандидан узмай, кўлига муқаддас китобни оларкан: — Раббим — Оллоҳ берган боқий умринг, ризқ-рўз, ноз-неъматларингга, кўрсатган яхши-ёмон кунларингга минг бора шуқр. Ўғлим, мендан рози бўлгин.

Девона Машраб қалбида аллақандай ҳиссиёт билан волидасига боқди.

— Девонагинам, сендан ҳам, синглинг Хайринисодан ҳам, кўни-кўшни, қавми-қариндош, эл-юртдан ҳам мингдан-минг розиман. Эй Худовандо, энди берган омонатингни олсанг ҳам майли.

Биби Салима шундай сўзлар билан “Қуръон”ни бағрига босганича оламдан ўтди.

— Она-жо-ним!!!

Девона Машраб фарёд ила ўзини онаизори бағрига отди. Липиллаб-липиллаб ёнаётган шамчиरोқ ўчиб, хонани зулмат қоплади.

Начук айлай, аё дўстлар, ки жононимдин айрилдим,  
Тириклик боси ул муниси жонимдин айрилдим,  
Ўшал наврастайи гул барги хандонимдин айрилдим,  
Бўлубман булбули шайдо гулистонимдин айрилдим,  
Асолат бирла хоқон ибни хоқонимдин айрилдим.

Дариғо, ул кади боло, дариғо, сарву арардек,  
Дариғо, ул ҳати зебо, дариғо, сумбули тардек,  
Ки охир айладинг бу жумлани жисмин қаро ердек,  
Қаро ер остига ётти ўшандоғ нозпарвардек,  
Жаҳон майдонида Рустам, ки достонимдин айрилдим.

Юрагим чокига чоғлаб, ки чок этим гирибоним,  
Бошимга кул сочиб олдим юлиб зулфи паришоним,  
Юзимга кожи ғам тегди, йиқилди, чиқмади жоним,  
Санинг йўлунгда жон берсам ичимда қолмас армоним,  
Нетай ман мазлуми бечора имконимдин айрилдим..

Биби Салиманинг ҳовлиси. Аста-секин шафақ ёришиб тонг отарди. Бирин-кетин, дарвозадан кириб келаётган одамлар. Хотинлар орасида фарёд уриб йиғлаётган Хайринисо...

Баҳори марг асир этти, чошиб бузди маконимни,  
Ўшал дам барқи оҳим куйдурубдур жисми жонимни,  
Кезиб ер юзини тобсам ўшал сарви равонимни,

Бориб машҳарда топкайманму ёри меҳрибонимни,  
На дарди бедаво эрдикӣ, дармонимдин айрилдим.

Тегиб чархи фалак ўргулди, бўлди сарнигун бахтим,  
Зухал соатга етти ёр, бермайдур мани бахтим,  
Тополмасман санингдек ким ажал боғлаб мани раҳтим,  
Аёғингга бошим қўйсам, қиёмат кунда бахтим,  
Бу дунёдин сириштим бирла сомонимдин айрилдим.

Мархумага жаноза ўқишаётган одамлар. Кўзларида ёш билан юзига фотиҳа тортаётган Девона Машраб. Тобут кўтариб, абадий ҳаёт хиёбони томон кетишаётган тобуткашлар. Ҳассакашлар олдида фарёд ила йиғлаб бораётган Девона Машраб...

Жаҳонга келмади ҳаргиз санингдек шўхи шахрошўб.  
Бу оҳим салқини жисмим, биёбон гардида мансуб,  
Ўлумга йўқтур ҳеч чора, вале Сиддиқ ҳам Айюб,  
Жудолиғдин мани кўнглумга тушти меҳнати Яъқуб,  
Ажал гурги олиб ул моҳи канъонимдин айрилдим.

На меҳнат эрди тушти бу мани кўнглумга, эй шоҳим,  
Неча оҳу фиғон қилсам, санга етмас мани оҳим,  
Неча йиллар санга меҳнат қилиб эй ёри дилхоҳим,  
Тилаб кимдин додимни эмди, эй шаҳаншоҳим,  
Қаро туфроқ ўшал манки, ҳамон ёримдин айрилдим.

Қабристон. Чопонининг ўнгирида тупроқ тарқатаётган болакай. Очиқ қабр ёнида тиловат қилаётган Оқсоқол. Шивирлаб, тупроққа дам солаётган, ҳамдардлар. Қабр устига тортилган чойшаб остидан, лаҳадга қўйилаётган марҳуманинг жасади. Унсиз йиғлаб, онаизори ҳақиға дуо ўқиётган Девона Машраб...

Куюб кул бўлди жисмим, эмди куймаклик на ҳожатдур,  
Таҳаммул пеша қил, маҳвашки, фазли бениҳоятдур,  
Азалда ҳар на бўлса, ўзга бўлмак на ҳикоятдур,  
Жаҳон аҳлига, бас, ҳар дам фалакдин на шикоятдур,  
Давосиз дарда учрабман, ки дармонимдин айрилдим.

Етим қолди бу ғам даштида икки баччайи оҳу,  
Чиқар ғам тоғидин овозалар “ёраб” уни ҳар су,  
Тазарруъ шоҳида ҳайрон бўлуб бир қуш каби ҳу-ху,  
Қилиб тавбам қабул ё раб, насиб эт зикри аллоҳу,  
Кўзум гафлатдин очган пок домонимдин айрилдим.

Сўнгги бор юзларига фотиҳа тортишиб, тарқалишаётган ҳамқишлоқлар.

Кимсасиз мазористонда онасининг қабрини кучоқлаб ётган Девона Машраб...

Ҳумоюн сайр этиб ғози йигитларни шикор этти,  
Шижоатдин димоғи хуш бўлуб беихтиёр этти,  
Ажал илги яқосин чок айлаб бадхумор этти,  
Такаббур тоғидин ташлаб, ўзини хоксор этти,  
Суҳангу тўти янглиғ шаккарафшонимдин айрилдим.

Мани бағрим қизил гул ғунчасидек тах ба тах қондур,  
Неча юз минг баҳор ўлса очилмоғи на имкондур,  
Лаби лаълу тиши дур, қошлари меҳроби имондур,  
Кишиким сабр қилса оқибат душвори осондур,  
Начук осон тутай маҳваш, ки жононимдин айрилдим.

Машраб онасининг руҳига бағишлаб, сўнгги бор тиловат қилиб, юзига фотиҳа тортди. Сўнг қўлига таёғини олиб қабристонни тарк этди.

\* \* \*

Қишлоқ. Кундуз. Дарвешлар хонақоси. Дарвешу шогирдлар ўз юмушлари билан машгул.

Девона Машраб хуржуни билан ҳассасини қўлига олди-да, Ҳазратнинг ёнларига келди. Қўлларини кўксига қўйиб, секин деди:

— Ҳазратим, бизга дуо берсалар, йўл юрмоқчимиз.

Ҳазрат юзларида маънос табассум билан Машрабга боқди.

— Эй, Девона яна қаён юрмоқчисиз?

— Иншооллоҳ, аср намозини, — жавоб қилди Машраб, бироз ўйланиб, — Балхда ўқимоқчиман, тақсир.

Атрофдаги шогирдлар ҳайрон бўлиб Машрабга қарадилар.

Ҳазрат бир сўз демасдан, Оллоҳу Акбар деб юзларига фотиҳа тортди. Девона Машраб, ҳазратнинг қўлларини ўпди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Ҳаммалари жим бўлиб қолишди. Шунда шогирдлардан бири секин ҳазратнинг ёнига келди.

— Айбга буюрмайсиз, ҳазратим, — деди шогирд, қўлларини кўксига қўйиб. — Сиздан бир сўровим бор эди.

— Эшитаман, сўрайверинг.

— Меҳмонни Девона Машраб деб илтифотлар қилдик, ҳурматла-

рини жойига қўйдик. У кишидан ҳам, кўп мазмунли сўзлар эшитдик. Лекин, — деди шогирд атрофдаги биродарларига қараркан. — Девона Машрабнинг баъзи гаплари бизда шубҳа уйғотди, ҳазратим.

— У кишининг қайси сўзларини назарда тутяпсиз, бўтам? — сўради ҳазрат.

Барча шогирдлар қизиқувчанлик билан биродарларига кулоқ тутишади.

— Девона Машрабнинг баъзи гапларига ақл бовар қилмайди, ҳазратим. У киши “Кеча Андигонда эдим, бомдодни Хуросонда ўқидим”, дедилар. Кейин, мана пешин намозини биз билан бирга ўқиди-ю, — деди Шогирд, ийнини қисиб. — “Асрни Балхда ўқийман”, деган гапларига тушунолмадик.

Орага сукунат тушди.

Ҳазрат бироз ўйланиб турдилар-да, сўнг шогирдларига қараб:

— Қани, ҳаммаларингиз бу ёққа келинглар-чи. — дедилар.

Шогирдлар ҳазратнинг атрофига йиғилдилар.

— Азизларим, яхшилаб эшитиб олинглар. Оллоҳ Таолонинг, бизнинг ақлимиз етмайдиган мўъжизалари кўпдур. Шулардан бири, вақт узра саёҳат қилиш тушунчасидир. Мен сизларга бир ҳикоятни айтиб бермоқчиман. У ёғини Оллоҳ билгувчидир! — деди ҳазрат, бир-бир шогирдларига қараб чиқаркан. — Токи, бир умр қалбингизда Яратганнинг баъзи мўъжизаларига шубҳа, гумон туғилмасин.

Йиғилганлар жим ўтиришарди.

Ҳазрат ҳикоясини бошладилар:

— Катта дарёнинг бўйида бир эр-хотин чўпонлар яшаркан. Кунларнинг бирида чўпон қўйларини қўтонга қамаб, уйига кирса, хотини супра ёйиб, хамир қориётган экан. ”Яхши келиб қолдингиз, тўрам. Дарров бир пақир сув олиб келинг, ” дебди. Эр “хўп” деб пақирни олиб дарё бўйига борибди. Пақирга сув олиб қирғоққа қўйибди-ю, кел, бир гусл қилай, деган хаёл билан ечиниб дарёга тушибди. Дарёнинг сувига бир шўнғибди-ю, чиқиб ҳайратдан донг қотибди. Не кўз билан кўрсинки, на уйи, на қўтондаги қўйлари кўринмасмиш. У мутлақо бошқа бир диёрда эмиш.

Ўзини эса сочлари узун, сийналари диркиллаб турган бир аёл қиёфасида кўриб, ҳайрати яна-да ошибди.

Шу паллада дарё яқинида истиқомат қилувчи бир одам ўтиб бораркан. У дарё ичидаги яланғоч аёлни кўрибди-ю, ортига қайтиб, хотинининг усти-бошларидан келтириб, аёлни ўз уйига олиб кетибди. Орадан озми-кўпми вақт ўтиб, ўша одам аёлни ўзига никоҳлаб олибди. Улар икки фарзанд кўришибди.

Ҳамма шогирдларнинг бутун вужудлари қулоққа айланиб, ҳазратни тинглашарди.

— Кунлардан бир кун Аёл дарё бўйига борибди. Кел, бир гусл қилиб олай деган ният билан ечиниб дарёга тушибди. Сувга бир шўнгиб дарёдан чиқса, яна аввалги эркак ҳолатида, ўз уйининг олдида эмиш. Пақирга олиб қўйган суви ҳам тинишга улгурмай, қалқиб турган экан. У тезда кийимларини кийиб, пақирдаги сувни кўтарганича уйига қайтибди. Остонага етганида, хотини ичкаридан: “Ҳой Тўрам, сув олиб келяпсизми, ёки дарёга бормай қайтдингизми?” деб сўрабди. Чўпон бу гапларни қишлоғининг имомига айтиб берибди.

“Бу Оллоҳнинг хоҳиши. У истаган ишини қилишга қодирдур,” — дебди имом. Сўнг “Сен, ўзингни қандай ҳис қилаяпсан?” деган саволига: “Ҳаммаси яхши-ю, тақсир, лекин у ёқда қолиб кетган болаларимнинг ҳоли нима кечди, шуларга ачинаяпман,” — деган экан.

Қарангки, чўпон аёл қиёфасида турмушга чиқиб, икки фарзандга она бўлгунга қадар, бизнинг тушунчамизда йўқ деганда икки йилдан кўпроқ вақт ўтиши керак эди. Оллоҳнинг мўъжизасини кўрингки, ҳали пақирга олиб қўйилган сув тиниб улгурмаган бир зумда не-не воқеликлар бўлиб ўтибди. Буларни ким тушунтириб, ким изоҳлаб бера олади? Ҳеч ким. Барчаси, Яратганга хосдур! Шунинг учун ҳеч қачон Оллоҳнинг бундай мўъжизаларига шубҳа, гумон қилманглар!

\* \* \*

Чўл. Кундуз. Оҳиста эсаётган шабададан саксовуллар бир маромда чайқалар, аҳён-аҳён, кумлар устидан ўрмалаб югураётган калтаке-саклар кўзга ташланади. Баланд тепалик ортидан беш-олтита ит қуршовида келаётган Девона Машраб кўринади...

Дариго, дунёдин ўтти, жамиъи беку султонлар,  
Қаро ерга ниҳон бўлди ҳама кокил паришонлар,  
На мардонлар фано бўлди, бу дунёдин мусулмонлар,  
Қаро ер остига кирди ҳама хон бирла хоқонлар,  
Ғаниматдур биродарлар, ки бизга ушбу давронлар.

Ажал боди баҳори умрни охир хазон қилди,  
Кўнгулни булбули ушбу аламлардин фиғон қилди,  
Жамиъи аҳли оламини юрак бағрини қон қилди,  
На одамларни дўстлар, бу ўлум бехонумон қилди,  
Ажални дастидин ҳеч ким қутулмас, эй мусулмонлар.

Худовандо, на деб аввал бу оламни бино қилдинг,  
Бу дунё меҳрини ушбу кўнгуллар ичра жо қилдинг,  
Ўлумни на сабабдин одамига ошно қилдинг,  
Ажални тиғи бирла барчани кўксин яро қилдинг,  
Табиблар топмадилар бу ўлум дардига дармонлар.

Қаён қилсам назора барчаси ер бирла яксондур,  
Қаён боқсам ўлумни дастидан фарёду афғондур,  
Бу боисдин биродарлар мани табъим паришондур,  
Парилар суман булар тамоми дийда гирёндур,  
Ўлумни дардига нетмак керак, эй ёру ёронлар.

Шоҳ Маҳмуд саройи. Кўзларига қон қуйилган Султон Маҳмуд. Сарбозларга буйруқ бераётган вазир. Шошилишиб қуролларини тақишаётган, отларига минишиб шаҳар дарвозасидан чиқишаётган, тоғутошлар, қумлик саҳролардан от солиб кетишаётган, Шоҳ Маҳмуднинг сарбозлари...

\* \* \*

Чўл. Аҳён-аҳён, майин қумлар устида ўрмалаб югураётган калтакесаклар кўзга ташланади.

— Оллоҳу Акбар...

Баланд қумлик устида турган Девона Машраб аср намозини адо этарди.

Саҳро узра эсаётган шабада қумлар устида ўлиб ётган қора қузғун патларини ҳар томонга тортқилайди.

Ниҳоят сарбозлар Девона Машрабга ташланишиб, қўлларини боғладилар. Сўнг уни обдон қамчилашиб, Шоҳ Маҳмуд саройи томон олиб кетишди.

Бу дунёдин сафар қилди ўшандоғ Аҳмади Мухтор,  
Ўлумга чора йўқтур, чунки деди Холиқи Жаббор,  
Агар минг йил тирик юрсанг, ўларсан оқибат, эй ёр,  
Кўнгул берма бу дунёга, биродар, барчаси бекор,  
Бу дунё ҳасратидин ерга кирди кўб мусулмонлар.

Бу дунёдин ўтуб кетти, ўшандоғ шоҳиди барно,  
Чаман ичра на гул қолгай, на шоҳи гунчайи раъно,  
Гирибон чок этиб, гул гунчалар сад оҳи вовайло,  
Бўлуб ёрдин жудо бу Машраб шўридаву шайдо,  
На дебдур эй мусулмонлар, хазон бўлди гулистонлар.

Осмонни қора булут қоплаган. Кўкка бўй чўзган баланд дор остига йиғилган оломон, гўё инсоният тарихида содир бўлажак мудҳиш воқеага дахлсиздек, жим турарди. Рўпарага қўйилган тахт устида кўзлари сузилиб, хаёлга берилган Шоҳ Маҳмуд ўтирибди. Сукут. Вазири аъзам энгашиб шоҳнинг қулоғига нимадир деб шивирлади.

Шу пайт майдон узра ёлғиз дўмбиранинг мунгли овози янгради. Оломон, садо келаётган томонга қаради.

Майдонга беш-олти отлик сарбоз қуршовида ялангоёқ, соч-соқоллари-ю, ҳатто киприкларигача оппоқ оқариб кетган Девона Машраб кириб келдилар. Сарбозлар Шоҳ Маҳмуд қаршисида тўхтадилар.

Девона Машраб бошини хиёл кўтариб, шоҳга қаради. Сўнг гўё ундан кечирим сўраётгандек, майин табассум билан деди:

— Куттириб қўймадимми?

Султон Маҳмуд қаршисида бечораҳол турган Машрабга боқаркан, кулиб юборди. Шоҳга қўшилишиб сарой уламолари, уларнинг кетидан дор атрофига йиғилган одамлар кулдилар.

Бирдан Девона Машраб ҳам хандон отиб кулиб юбордилар.

— Эҳ девона, девона, — деди шоҳ, ҳамон куларкан. — Сен нега куляпсан? Ахир бир неча фурсатдан сўнг, орқанглаги дорга осиласан-ку?!

— Биламан, — жавоб берди Машраб. — Кулишимнинг боиси шуки, онҳазрат, худди ўша фурсатдан кейин сен аччиқ-аччиқ йиғлагайсан!

— Овозингни ўчир! — Ўшқирди вазир.

— Майли, гапираверсин. — деди шоҳ, масҳараоумз киноя билан. — Сенга ижозат, истаганингча гапиравер, “Авлиё Машраб!”

— Ундоқ бўлса буюр, шаҳаншоҳ, қўлларимни ечиб қўйишин. Икки ракат Шукр-вўъзу намоз ўқимоқчиман.

Сарбозлар шоҳнинг ишораси билан арқонни ечдилар. Девона Машраб дорнинг остига бориб намоз ўқишга киришди. Сукут.

Ҳамма йиғилганлар жим туришар, фақат вазир бетоқат у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Ниҳоят, Девона Машраб намозини тугатиб ўрнидан турди.

— Хўш, нега энди мен йиғларканман? — сўради Маҳмуд.

— Бир оз сабр қил, — деди Машраб қўлларини ишқаларкан. — Сен, нафақат йиғлагайсан, балки “қон” йиғлагайсан, олампаноҳ!

“Қон” деган сўзни эшитган Шоҳнинг ранглари оқариб, жазавага тушгандек ҳолсизлана бошлади.

Девона Машраб бир-бир босиб баланд дорнинг остига келди. Файриоддий табассум ила нигоҳини кўтариб, шабададан чайқалиб

турган сиртмоққа қаради. Қўлларини кўксига қўйиб, дорга таъзим бажо айлади.

— Ассалому алайкум, дорнинг оғочлари!

Султон Маҳмуднинг кўзлари қизариб, борган сари ҳолсизланар, титраган қўллари билан томогини сийпаларди. Девона Машраб дорнинг устунини сийпаларкан, гапини давом этди:

— Сен, шоҳнинг жаллоди биринчи бор бўйнимга болта урганида, илк бор ерга ниш уриб, кўкка бўй чўзган, азим тераксан. Афсус, дунёга эмас, тақдир тақозоси ила, менинг доримга устун бўлибсан. Сенга ҳам қуллуқ!

Девона Машрабнинг сўзлардан таъсирланган оломон, секин чай-қала бошлади.

— Бу нобакорни осинглар! — буюрди вазир сарбозларга қараб. — Тезроқ осинглар!

Оломон, бир сесканди-ю, яна ўз ҳолига қайтди.

Девона Машраб ўгирилиб, ҳолсиз ўтирган Султон Маҳмудга қаради.

Югиришиб келишаётган сарбозлар Машрабнинг ўткир нигоҳидан таққа тўхтадилар.

— Ушланглар уни! — Қичқирди вазир.

— Ошиқма, эй биродар, — деди Машраб сирли жилмаяркан. — Ҳаммасининг ўз вақти бор.

Девона Машраб дорнинг ёғочига ўрнатилган нарвонга яқинлашди. Поғонага қўлини қўяркан, юзида майин табассум билан, гўё улардан кечирим сўраётгандек, оломонга тикилди.

Хуш қолинг, ман эмди кеттим, эй ёронлар, алвидо!  
Тушуб шоми гариблик дилда армонлар, алвидо!

Бўлмағайди қошки аввалда бул айёми васл,  
Доғи ҳижрон ўртади, эй нуктадонлар, алвидо!...

Девона Машраб аста-секин дор устига кўтарила бошладилар. Бир оз хушига кела бошлаган Султон Маҳмуд бошини хиёл кўтариб, дорга қаради. Фазабдан кўзлари ёнаётган вазир. Бир чеккада турган уламолар ва унсиз йиғлаётган оломон...

Бўлди айёми баҳору сабза бўлди ер юзи,  
Бўлди пайдо лоладек доғи ниҳонлар алвидо!

Гар фалак куйурса мундоғ неча кунлар айланиб,  
Бул жаҳонда қолмағай ному нишонлар, алвидо!...



Ниҳоят, Девона Машраб нарвоннинг сўнги поғонасини босиб, дорнинг устига чиқдилар-да, ўгирилиб пастга қарадилар. Оломон маъносиз кўзларини дорга қадаганча, жим турар эди. Девона Машраб оёқларини осилтириб дорнинг тўсинига ўтирдилар...

Нури дийдам қуввати жоним дилимсиз, ё пирим,  
Йиғламоқдин кўзларимдин оқти қонлар, алвидо!

Ҳарна бўлса Машраби бечорадин айланг биҳил,  
Хуш каломи булбули боғи жаҳонлар, алвидо!

Девона Машраб оёқлари орасида чайқалиб турган сиртмоқни ушлаб, аста-секин юқорига торта бошладилар.

— Ҳаётимда биринчи бор, тепадан пастга қарашим, Олампаҳо! — деди Машраб Султон Маҳмудга мурожаат қиларкан. — Во дариг! Сен ҳам қаршингда турган инсонлардан фарқ қилмас экансан. Фақат сен бу ўткинчи дунёга муккангдан кетиб ружу қўйгансан, холос. Лекин шуни билгинки, “жаҳон султони” бўлсанг-да, ҳали ҳеч ким бу ёруғ дунёга устун бўлган эмас, сен ҳам бўлолмайсан! Бугун сен ўзингга ўзинг ҳукм чиқардинг, чунки...

Девона Машраб сиртмоқни қўлларига олиб, у ёқ-бу ёғини томоша қиларкан, сўзида давом этди:

— Чунки, сен “қонини” ичмай рад этган оҳунинг ўнинчи боласи менман! Шу фурсатдан бошлаб кўп вақт ўтмасдан, бу фоний дунёни сен ҳам тарк этгайсан! “қон йиғлагайсан” деган гапимнинг асл маъноси шу эди, Шаҳаншоҳ!!!

Осмонда яшин чақнаб, момоқалдироқ гумбурлади.

Шоҳ Маҳмуд қонталаш кўзларини дор устида оёқларини осилтириб ўтирган Девона Машрабга қадаганича нимадир демоқчи бўлар, лекин гапиролмасди.

Бирдан енгил эсаётган шабада кучайиб, шамолга айланди-ю, шивирлаб ёмғир қуя бошлади.

— Аҳа-ҳа-ҳа. Бардам бўл! — Девона Машраб фалакка боққанлари-ча, жазавага тушиб кула бошладилар. — Азал тақдир бу, олампаҳо.

Шоҳ Маҳмуд қўлларини баланд кўтарганича, оёқларини зўр-базўр босиб дор томонга юра бошлади.

Машраб фалакка боққанича жозибадор овозлари билан кулар, гўё унга жўр бўлмоқчидек, самода яшин чақнаб момоқалдироқ гумбури.

Нима қиларини билмай, бир-бир босиб шоҳга яқинлашаётган вазир...

Ваҳимага тушиб қўл қовуштирганича таъзим қилиб турган сарой уламолари-ю, ҳангу манг сарбозлар.

Нигоҳларини баланд дорга қадаганларича даҳшатдан қотиб турган оломон...

Девона Машраб шоҳга таъзим қилиб, қўлидаги сиртмоқни ўз бўйниларига илдилар.

— Сенинг ҳукминг ила дорга осилиб, шаҳид кетурман. Фақат фарқимиз шуки, мен дорнинг тўсинига, сен эса мана шу дорнинг оғочига осилгайсан!

Девона Машраб бироз энгашиб Шоҳ Маҳмуднинг кўзларига тикилди. Сўнг гўё ўзига ўзи гапираётгандек, сирли бир оҳангда қўшиб қўйди.

— Ажабо, “бошсиз” танага сиртмоқ не даркор?!

— Овозини ўчиришлар!!! — Қичқирди вазир сарбозларга қараб.

Саросимага тушган сарбозлар, ҳар томонга югура бошладилар.

Девона Машраб, мийиғида кулиб нигоҳларини осмонга қаратганича, Оллоҳга илтижо қилдилар.

— Эй, қодир Худо! Осий бандаларингни ўзинг кечиргайсан. Парвардигоро, берган умринг...

Жонсиз кўзларини Машрабга тикиб, баланд дор остида турган Султон Маҳмуд. Узун таёқ кўтариб дор томон келаётган сарбозлар. Уларга жон-жаҳди билан кўрсатма бераётган вазир.

Девона Машрабнинг сўзларидан қаттиқ таъсирланиб унсиз йиғлаётган “Оломон”.

— Берган умринг, ризқ-рўзингу, кўрсатган кунларингга минг бора шукр! Раббим Оллоҳ, бу фоний дунёда, билиб-билмай қилган гуноҳларимдан ўтиб руҳимни ўз даргоҳингга қабул эт. Оллоҳу Акбар!

Девона Машраб юзларига фотиҳа тортарканлар, сарбозлар тутган узун таёқнинг турткисидан пастга шўнғидилар.

— Йў-ўқ, истамайман! — Қичқирди Маҳмуд. — Нима қилиб қўйдиларинг, ярамастар!!!

Момоқалди роқ гумбурлаб, нафақат замин, балки, бутун олам титради. Даҳшатга тушган Оломон, ҳар томонга қоча бошлади.

Султон Маҳмуд телбаларча бошини чангаллаб, дорнинг у устунидан бу устунига югураркан, “қон” йиғларди.

Ёмғир пасайиб, эсаётган кучли шамолдан, Девона Машрабнинг жасаdlари дор оралиғида бир маромда тебраниб, гоҳ фарёд ила қочаётган Оломон устида, гоҳ Султон Маҳмуд томон интилиаётган сарой уламолари устида пайдо бўларди.

Шоҳ Маҳмуд баланд дорнинг устунига суянганича, Девона Машрабнинг жасадига боқаркан, оёқлари қалтираб ҳолсиз, ерга ўтира бошлади.

Шоҳ устунга суюнганича сирғалиб пастга тушаркан, эғнидаги зар чопони ва қўйлагининг ёқаси устуннинг чала кесилган бутоғига илинди.

Бирдан унинг оёғи сирғалиб кетди-ю, шилқ этиб, дорнинг ёғочига осилиб қолди.

Девона Машрабнинг жасадлари оҳиста тебранаркан, гўё она табиат ғассол бўлиб мурдани поклаётгандек ёмғирнинг зилол сувлари майитнинг оёқларидан шариллаб оқарди.

Еру заминни титратиб момоқалдироқ гумбурлади. Аста-секин шафақ ёришиб, олам гўзаллигининг тимсоли бўлган “Ҳасан-Ҳусан” камалаги пайдо бўлди.

Девона, Авлиё, Шоҳ Машрабнинг жасадлари бир маромда тебранаркан, камалак остида ёрқин бир нур пайдо бўлди. Нур аста-секин ёришиб, минглаб одамлар Каъба атрофида айланишаётган, Маккаи Мукаррама намоён бўлди.

“Валлоҳу аълам биссаваб.”

Ўқиганлар муродларига етсинлар. Оллоҳу Акбар.

**Кимсан Машраб Турон ўғли**

**Девона Машраб**

*Бадийа*

Рассом *В. Анухтин*

Муҳаррир *Шукур Қурбон*

Бадий муҳаррир *Ҳ. Худойбердиев*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусахҳиҳ *С. Нишонов*

Саҳифаловчи *Б. Ирисбоев*

Босишга рухсат этилди 11.10.2006. Бичими 84x108<sub>1/32</sub>.

Хажми 5,7 б.т. Нусхаси 1000. Буюртма №

Шартнома №97/3. Нархи келишилган асосда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

Миллий кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси босмахонаси, Х.Сулаймонова кўчаси, 33